Б. К. ТУХЛИЕВ

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



330.3 (07)
T 93

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУХЛИЕВ БОЗОР КАРИМОВИЧ

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

МОНОГРАФИЯ

7691

ТОШКЕНТ–2021

**УЎК 005.8:330.322**
**КБК 65.9(0)-56**
**Т 25**

**Б.К.Тухлиев. Инвестициялар ва уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари:** ***Монография.*** **–** ***Т.:*** **"Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи" -Т, 2021. – 224 б.**

**ISBN 978-9943-7136-7-3**

Монографияда инвестиция фаолияти, инвестициялардан фойдаланиш тизимининг илмий-назарий жиҳатлари, инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг миллий ҳамда халқаро услубий асослари ва моделлари, инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва молиявий ресурслар тўғрисидаги мавжуд қарашлар тадқиқ қилинган. Тадқиқотлар натижасида инвестициялар ва улар самарадорлиги ўзгаришлари тенденциялари таҳлил қилиниб, йўналиш бўйича мавжуд муаммолар аниқланган ва уларга муаллиф томонидан баҳо берилган.

Инвестициялар ва улар самарадорлигининг иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятидан келиб чиқиб уларни молиялаштириш манбалари тизими, унинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда оширишга оид илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография илмий тадқиқотчилар, соҳа мутахассислари ва инвестиция муаммолари билан шуғулланувчилар учун мўлжалланган.

**УЎК 005.8:330.322**
**КБК 65.9(0)-56**

**Тақризчилар:**

***Б.И.Исроилов*** – *Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Молиявий таҳлил ва аудит» кафедраси профессори, и.ф.д.*

***Э.Н.Носиров*** – *Тошкент молия институти, "Лойиҳаларни молиялаштириш" кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент*

**Мазкур монография Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2021 йил 31 мартдаги Кенгаш йиғилиши (8-сонли баённома) қарори билан нашрга тавсия қилинган**

**ISBN 978-9943-7136-7-3**

**"Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи", 2021.**

# Кириш

Мустақилликдан кейинги даврда мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида, бозор механизми ва тамойилларига мос келадиган мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллари пайдо бўлди, давлат мулки улушининг салмоғи камайиб, ЯИМ қийматида нодавлат сектори ҳиссасининг ўсиш тенденцияси таъминланди. Натижада, ЯИМ қиймати, шунингдек, давлат бюджетининг даромад қисмида ҳам молиявий тушум манбаларининг таркиби ўзгариб, капитал маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестициялашнинг марказлашмаган манба ва бозор субъектларини шакллантириш механизмларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш талабларидан бири сифатида инвестиция фаолияти ва уни диверсификациялаш, қулай инвестиция муҳитини яратишда давлатнинг бевосита қўллаб-қувватлаш унсурларининг ролини ошириш лозим. Давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари (солиқ, суғурта, субсидия, субвенция, амортизация ажратмалари, кредит ва бошқалар) орқали қулай инвестиция муҳитини яратиш эришилади. Бу молиявий воситалар хўжалик субъектларининг ўз фаолият йўналишларини мустақил ва эркин белгилаш муаммоларини бозор муносабатларига мос ҳал этишга кўмак беради. Иқтисодиётни трансформация қилишнинг муҳим талабларидан бири инновация ва инвестиция фаолияти турларини кенгайтириш ва уларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларида ҳозирги кунда олиб борилаётган инвестиция ва инновация фаолияти иқтисодиётни трансформация қилиш талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Чунки, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, аввалги хом ашё реализация қилиш сиёсатидан жаҳон бозорига тайёр истеъмол маҳсулотлари чиқариш, шу асосда мамлакатимизга хорижий валюта ва инвестициялар оқимини янада кўпайтириш энг муҳим стратегик вазифаларни ҳал этишни, айниқса жалб этилаётган ички ва ташқи инвестициялардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш

механизмларини такомиллаштиришни тақозо қилади. Айтиш мумкинки, иқтисодиётни модернизациялаш кўламини янада кенгайтириш, бунинг учун ташқи ва ички инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш масалалари ўз ечимини кутаётган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бинобарин, иқтисодиётни модернизациялаш ва инвестициялаш жараёнларини бир медалнинг икки томони сифатида қараш ва уларнинг ўзаро таъсирини кучайтириш ва уйғунлигини таъминлаш асосида ҳудудлар, тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектлари кесимида инвестицион фаолликни оширишнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз.

Мамлакат иқтисодиётида инвестиция фаолиятини молиялаштириш унинг манбаларини шакллантириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини такомиллаштириш каби қатор масалалар кўплаб иктисодчи олимлар ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида атрофлича ёритилган. Жумладан, классик иқтисодиёт намояндалари А.Смит, Д.Рикардо ва У.Петти, шунингдек, П.Самуэльсон, Ю.Фишер ва бошқаларнинг асарларида молия ресурслари ва механизмлари, жумладан инвестицияларнинг илмий-назарий ва услубий асослари кенг тадқиқ этилган ва ишлаб чиқилган.[1]

Чет эл иқтисодчи олимларидан Ф.Модильяни, М.Миллер, В.Аладьин, Дж.Александр, В.Бэйли, И.Вахрин, С.Валдайцев, П.Воробьев, В.Жданов, В.Игошин, В.Киселева, Я.Мелкумов, С.Нешитой, Г.Никольская, Д.Тобин, У.Шарплар инвестиция

---

[1] Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Ось-89, 1997. - Книга первая,

Экономика : [В 2 т. : Перевод] / П. Самуэльсон, 413,[2] с. : ил., 24 см, М. НПО "Алгон" и др. 1997, Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения // Соч. – М.: Политиздат, 1955. - Гл. XX., У.Петти (1623 -1687). Главный его труд - "Трактат о налогах и сборах" (1662), Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М.: Дело Лтд. 1993.

фаолияти турлари ва уларни молиялаштириш манбалари, инвестицияларнинг таснифи ва ривожланишининг илмий-амалий асослари, инвестиция фаолияти ва муҳитни молиявий-иқтисодий баҳолаш услубиёти ва усулларини баҳолаш билан боғлиқ йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борганлар.[2]

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларидан А.В.Ваҳобов, Н.Х. Жумаев, А.С.Жўраев, О.К.Иминов, Н.Г.Каримов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Н.Ҳ.Хайдаров, Қ.А.Чориев, Д.Г.Ғозибеков, Б.И.Исроилов, Н.Р.Кузиева, Ш.Э.Мустафакулов, О.Т.Астанақулов ва бошқа кўплаб таниқли иқтисодчи олимлар мамлакат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва механизмларини такомиллаштириш, тармоқлар инвестицион фаоллиги ва жозибадорлигини ошириш каби кўплаб йўналишларда эътиборга молик муҳим илмий тадқиқотлар олиб боришган ва илмий-амалий аҳамиятга эга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишган.[3]

---

[2] Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с анг. – М.: ИНФРА-М, 2003. – XII, с.1.; Вахрин П.И., Нешитой А.С. Инвестиции: Учебник. – 3-е изд., перераб. И доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2005. С.13.; Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.С.81; Инвестиции: Учебник / С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17; Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. –М.: ИНФРА-М, 2003. С.8. ; Жданов В.П. Инвестиционные механизмы регионального развития. –Калининград, БИЭФ, 2001. С.121.

[3] А.В.Ваҳобов ва бошқ. Хорижий инвестициялар. "Молия", 2009 йил 78 б.; Ғозибеков Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: "Молия", 2003 йил. 14-15 б.; Н.Ҳайдаров Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2003. 29 б.; Б.И.Исроилов. Солиқлар молиявий ҳисоби ва таҳлили: муаммо ва ечимлар. –Т.: Монография. Н.Кузиева. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. – Т.: "Молия-иқтисод",2007. 56-58б.; А.Жўраев ва бошқ. Инвестиция лойиҳалари таҳлили:. – Т.: «Шарқ», 2003. 18 б., Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 1999. – 254 б.; Қ.А. Чориев, Р.Т. Адильчаев. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш салоҳияти ва инвестицион жозибадорликни ошириш муаммолари. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2010. –174 б., О.Т.Астаноқулов. Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Док. Диссертация автореферати.

Аммо шунга қарамасдан, изланишларимизнинг кўрсатишича, ҳозирги иқтисодиётни ислоҳ қилиш шароитлари ва уни рақамлаштириш жараёнлари босқичида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида инвестицион фаолиятни ташкил этиш, унинг янги турларини шакллантириш ва ривожлантириш, инвестицион фаолиятларни тармоқлар ва маҳсулотларнинг иқтисодиётдаги тутган ўрнига мос равишда табақали инвестициялаш, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш, ҳудудий инвестицияларни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар етарлича тадқиқ этилмаган. Бу ўз навбатида ушбу йўналишда монографик тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

Монографик тадқиқот мақсади иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг янги босқичида инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– инвестиция назариясини тадқиқ этиш асосида инвестицион фаолият классификациясини ишлаб чиқиш ҳамда уни ташкил этиш ва диверсификациялашнинг аҳамиятини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

– инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг инвестицион муҳит ва жозибадорлик категориялари билан ўзаро боғлиқлик ва уйғунлик тамойилларини асослаб бериш;

– инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари ҳамда уларни шакллантиришнинг ўзига хос талаб ва хусусиятларига ойдинлик киритиш;

– инвестицион фаолият турлари самарадорлигини баҳолаш усуллари ва уларнинг бозор шароитидаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини асослаш;

– инвестицион жозибадорлик ва қулай инвестицион муҳит яратиш категорияларининг моҳиятини ёритиб бериш ҳамда уларни баҳолаш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар тайёрлаш;

– инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усулларини тадқиқ этиш ва уларни қўллаш жараёнида фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимини асослаб бериш;

– қишлоқ хўжалигида инвестицион фаолиятни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи объектив ва субъектив омилларни таҳлил қилиш;

– иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида инвестицион фаолият турларининг самарадорлиги ҳамда инвестиция ресурсларининг мамлакат ҳудуд ва реал тармоқлари бўйича нисбий ва мутлақ ўзгариш тенденциясига баҳо бериш;

– инвестицияларни молиялаштириш манба ва ресурсларини шакллантиришни давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг ташкилий иқтисодий механизмларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион фаолиятларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

– бозор муносабатлари шароитида банк ва нобанк тизимларининг инвестицион фаолиятларни молиялаштиришдаги иштироки ва салоҳиятларини ошириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– тармоқлар даражасида фаолият турларини инвестицион мувофиқлаштириш ва инвестицияларни ҳудудлараро тақсимлаш бўйича хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўлларини асослаб бериш;

– хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш чоратадбирларини давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот мақсади ва вазифалар асосида Ўзбекистон иқтисодиётининг реал тармоқлари инфратузилма субъектларининг инвестиция фаолиятлари объект сифатида ўрганилди.

Инвестициялар ва уларни молиялаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими монографик тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотни амалга оширишда тизимли ёндашув, монографик кузатиш, абстракт-мантиқий фикрлаш, таққослама таҳлил, эксперт баҳолаш, конструктив ҳисоблаш, башоратлаш ва бошқа иқтисодий-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топади:

– иқтисодиётни модернизациялаш талабларига мос инвестицион фаолиятни ташкил этишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича амалий аҳамиятга эга тавсиялар ишлаб чиқилди;

– «инвестицион муҳит», «инвестицион фаолият», «инвестицион жозибадорлик» ва «инвестицион сиёсат» тушунчаларига муаллиф таърифлари берилиб, улардан иқтисодий соҳаларда асосли ва ўринли ишлатиш юзасидан илмий асосланган хулоса ва тавсиялар тайёрланди;

– инвестицион фаолиятни тартибга солиш, уни молиялаштириш манбаларини такомиллаштиришда давлатнинг роли ва ўрни асослаб берилди;

– инвестицион жозибадорликни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилиб, бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

– мамлакатимизда ички ва ташқи инвестициялардан самарали фойдаланиш, инвестициялаш инфратузилмасини янада такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий асосланган тавсиялар берилди;

– истиқболда ҳудудий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари асослаб берилди.

Тадқиқотнинг назарий, услубий ва амалий натижалари инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш ва инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш каби стратегик вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ ҳуқукий-меъёрий ҳужжатлар ва молиявий-иқтисодий механизмларни ишлаб чиқишда қўлланиши унинг илмий-амалий аҳамиятини белгилайди. Шунингдек, илмий изланишнинг муайян соҳалардаги натижа ва хулосалари олий таълим муассасаларида “Хорижий инвестициялар”, “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”, “Корхоналар молияси”, “Молиявий менежмент” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва иқтисодий йўналишларини ўқитишда ҳамда инвестициялар билан боғлиқ ўқув қўлланма ва дарсликларни янада такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

# I БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШДАГИ РОЛИ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

## 1.1. Инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва инвестиция фаолиятининг назарий масалалари

Ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили иқтисодиётга доимий равищда инвестициялар киритишни рағбатлантириб бориш мамлакат иқтисодий ривожланиши барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилади.

Шу сабабли республика иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг янги босқичида тармоқларга жалб этилаётган ички ва ташқи инвестиция ресурслари ва турлари кўламини кенгайтириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва инвестицияларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари билан боғлиқ амалий характердаги муаммоларга кенг маънода эътибор қаратилаётган бўлсада, лекин, бизнинг назаримизда, инвестиция иқтисодий категориясининг ўзига хос тамойил ва хусусиятлари билан боглиқ илмий-назарий ва услубий муаммоларини чуқур ўрганишда ҳамон ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Бунинг асосий сабаби режали иқтисодиётнинг инқирозга юз тутиши ҳамда шу даврда ривожланган мамлакатлар иқтисодиёт фани ва назариясида кенг талқин қилинган ва ишлатилган "инвестиция" категорияси эътибордан четда қолганлиги ҳамда уни "капитал қўйилма" категорияси билан бир хил маънода тушунилганлигига бориб тақалади. Иқтисодий адабиётлар таҳлилларининг кўрсатишича, нафақат мамлакатимиз, балки собиқ иттифоқ таркибидаги бошқа мамлакатлар иқтисодиёти ва амалиётида ҳам "инвестиция" тушунчаси асосан XX асрнинг 80-йилларидан кенгроқ талқин қилина бошланди, мустақилликдан кейинги даврда эса инвестиция назариясини ўрганишга эътибор янада кучайди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётга миллий ва хорижий инвестицияларни

жалб этиш орқали иқтисодиёт тарбий тузилмаларини ривожлантириш ҳамда иқтисодий ўсиш баркарорлигини таъминлаш ҳозирги босқич ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган.

Мазкур вазифалар ижроси бўйича амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўларок мамлакатимизда асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ўсиб боришини кузатиш мумкин (1.1.1-чизма).




**1.1.1-чизма. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМ даги улуши, фоизда.**[4]

Таҳлилларимиз натижалари 2000–2020 йилларда мамлакатимизда асосий капиталга йўналтирилган ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилга нисбатан 2017 йилда 1 фоиз, 2018 йилда 7,7 фоизб 2019 йилда 15,4 фоизга ўсган, 2020 йилда 3.5 фоизга камайган. Пандемия иқтисодиётнинг бошқа секторлари қатори инвестиция даражасига ҳам салбий таъсир этди. Натижада, 2020 йил инвестиция фаоллиги пасайгани кузатилиб, асосий капиталга

[4] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлик ишланмаси.

ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 91.8 ни ташкил этди.[5]

Фикримизча, мамлакатимиз иқтисодиётининг кейинги йиллардаги ўсиш суръатлари ва коронавирус пандемияси шароитида бирмунча барқароликка эришилиши омилларидан бири ҳам ушбу йўналишни рағбатлантиришга оид иқтисодий сиёсатининг натижасидир.

Инвестиция ва унинг иқтисодиёт ривожланишидаги аҳамиятини ўрганишларимиз жараёнида "инвестиция" сўзи билан боғлиқ яна кўплаб иқтисодий-ижтимоий маъно-мазмундаги атама ва тушунчалар, ҳаттоки янги иқтисодий категориялар мавжудлигини кўрсатди. Улар жумласига "инвестиция фаолияти", "инвестиция турлари", "инвестицияни молиялаштириш манбалари", "инвестиция салоҳияти", "инвестиция муҳити", "инвестиция сиёсати", "инвестиция жозибадорлиги", "инвестиция лойиҳаси", "инвестиция бозори", "инвестиция жараёни", "инвестиция объекти", "инвестиция субъекти", "инвестиция хатари (риск)", "инвестицияни суғурталаш", "инвестиция фаолиятини диверсификациялаш", "инвестиция портфели" каби бошқа кўплаб тушунча ва атамаларни киритиш мумкин.

Шунинг билан бирга, инвестициялар билан боглиқ адабиётлар таҳлили юқоридаги атама ва категориялар ичида бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларида асосий тадқиқотлар «инвестиция», «инвестиция фаолияти», «инвестиция муҳити» тушунчалари атрофида кўпроқ олиб борилган, деган хулоса чиқаришга асос бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида уларнинг иқтисодий-назарий моҳиятини дунё ҳамжамияти доирасида талқин қилинган ном ва мазмунда ифодалаш, улар устида илмий изланишлар олиб бориш амалиёт учун ўта муҳим ва зарур эканлигини эътироф этади. Чунки, халқаро ҳамжамият доирасида содир бўладиган давлатлараро иқтисодий муносабатларда иқтисодий атамаларнинг мазмуни уларга мос равишда талқин қилинмаса, мамлакатлар ўртасида тузиладиган битим ва шартномалар соҳасида турли тушунмовчиликлар, чалкашликлар ва номутаносибликлар келиб чиқиши муқаррар. Шу туфайли собиқ иттифоқ республика-

[5] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

лари, шу жумладан мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк кунларидан эътиборан давлат ва жамият қурилиши фаолияти тизими ва механизмларини бозор иқтисодиёти талаб ва тамойилларига мос ташкил қилиш бўйича тегишли қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилишни объектив заруриятга айлантирди.

Аммо инвестициялар тўғрисидаги илмий изланишлар фақат ўтиш даври мамлакатлари иқтисодиёти учун хос, деган фикрдан йироқмиз. Чунки, дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодчи олимлари инвестициялар назариясини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича илмий-амалий изланишлар олиб боришмоқда. Ушбу йўналиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижалари ҳамда инвестициялар назариясини такомиллаштиришга қўшган ҳиссалари учун Ф.Модильяни ва М.Миллер (1950–1960 йй.), Д.Тобин (1981 й.), Г.Марковиц (1990 й.) олимлар халқаро Нобел мукофотига сазовор бўлишган.[6]

Лекин, эътиборни жалб қиладиган асосий масала шундаки, инвестиция назариясининг, айниқса унинг иқтисодий категория сифатидаги мазмун ва моҳияти тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида хилма-хил фикр ва таърифлар мавжуд. Инвестицияларга ягона бир таъриф бўйича хулосага келинмаган бўлиб, ҳар қайси изланувчи бу категорияга нисбатан ўз ёндашув услуби ва фикрига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Инвестициялар назарияси ўзининг тарихий ривожланиш жараёнларида бир қанча босқичларни босиб ўтган. В.В.Аладьин инвестиция бўйича ўтказилган тадқиқотлари натижасида "инвестицияларнинг дастлабки белгилари Австрия иқтисодчилари мактабининг, жумладан Бем-Баверининг илмий ишларида кўриш мумкин", деган хулосага келади.[7]

Инвестициялар бўйича олиб борган тадқиқотларида Эдвин Дж.Долан, Колин Д.Кэмпбелл, Розмари Дж.Кэмпбелллар замонавий бозор иқтисодиёти шароитида оила хўжалигининг йиллик харажатлари ҳажми даромадлардан кам бўлган ҳолларда, оила хўжалигининг товарлар ва хизматлар, шунингдек, солиқлар ҳамда

---

[6] Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской федерации. /В.В. Аладьин. –М: Социум, 2002. С.18-19.

[7] Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской федерации. /В.В. Аладьин. –М: Социум, 2002. С.17.

бошқа тўловлардан ортган даромадлари жамғарма ҳисобланади. Ушбу жамғармалар даромад олиш мақсадида иқтисодиёт соҳаларига йўналтирилгандагина у инвестиция капитал ҳисобланади.

Маълумки, социалистик иқтисодиётда шароитида ҳам оила хўжаликларида жамғармалар мавжуд бўлиб, улар жамғарма касса, уй хўжалиги кассасида сақланарди ёки қимматли қоғоз (омонат банки облигация) харид қилиш учун йўналтирилар эди. Аммо ушбу жамғарма кассаларда сақланаётган ёки облигацияга йўналтирилган маблағлар иқтисодиётда инвестиция сифатида эътироф этилмасди.

Ваҳоланки, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида жамғармалар корхоналар ва давлат ихтиёрида ҳам бўлиши мумкин. Демак, хўжалик юритувчи субъектлар ва ташкилотлар даромадларининг харажатлардан ортиқ қисми ҳам жамғарма маблағларини ташкил этади. Ушбу ҳолатда улар ишлаб чиқариш харажатларидан ташқари инвестицияларга ҳам маблағлар йўналтириш имкониятларига эга бўладилар.

Фирмаларда инвестициялар икки йўналишда амалга оширилади, "биринчи йўналиш – асосий капиталга, яъни ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган ишлаб чиқариш воситалари, бинолар, компьютерлар ва шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш қуролларини янгитдан сотиб олиш ёки яратишга, иккинчи йўналишда эса – товар-моддий захираларга, яъни ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш учун зарур хом ашё захиралари ва қолдиқ тайёр маҳсулотларга инвестиция йўналтирилади, деган қарашлар ҳам мавжуд.[8]

Уильям Ф. Шарп, Гордон Дж. Александр, Джеффри В Бэйллар фикрича, инвестициялар "мумкин қадар кенгроқ маънода айтганда инвестициялар – бу келажакда каттароқ фойдага эга бўлиш учун бугунча пулдан ажралишдир».[9] Муаллифлар инвестицияларга келажакда кўпроқ сумма олиш учун фақат пул шаклида иқтисодиётга йўналтирилади , деб таъриф беради.

Бизнингча, бундай фикрлаш инвестиция манбаларига бир томонлама ёндашув бўлиб, иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестициялар фақат пул маблағлари кўринишидагина бўлиб қолмай,

---

[8] Долан Э.Дж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. /Пер. с англ. В.Лукашевича и др.; Под общ. Ред. В Лукашевича. –Л., 1991. С.15-16.

[9] Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с анг. – М.: ИНФРА-М, 2003. – XII, с.1.

*балки бошқа моддий ва номоддий кўринишларда ҳам бўлиши* мумкин.

Шунингдек, муаллифлар инвестициялаш ва жамғармалар (*savings*) ўртасидаги фарқни жамғарма «истеъмолга ажратилган» қиймат, деб баҳолайди.

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмун ва моҳиятини ўрганган россиялик иқтисодчи олимлар П.И.Вахрин ва А.С.Нешитойларнинг фикрича, «инвестиция» ва «капитал қўйилма» сўзлари бир-бирига жуда яқин тушунчалар бўлиб, «инвестициялар – бу корхонанинг бирон-бир фойда ёки даромадга эришиш мақсадида узоқ муддатли пул қўйилмалари ёки тадбиркорлик лойиҳаларини, ижтимоий-иқтисодий дастурларни, инновацион лойиҳаларни амалга оширишдир"[10].

Муаллифларнинг инвестицияга берган таърифида, бозор иқтисодиёти талаблари асосида инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинган. Лекин, яхлитликни тўлиқ очиб беришга бироз тўсиқ бўлиб турган ҳолат биринчидан, таърифда инвестицияларни узоқ муддатли қўйилма деб аниқ белгилаб қўйилганлигидир. Иккинчидан эса, таърифда инвестиция манбалари ўз аксини топмаган.

Бизнингча, инвестициялар капиталнинг актив таркибий қисми бўлиб, у муайян бир аниқ муддатни талаб этмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестор учун инвестиция ресурслари ўзларининг қопланиш муддати қанча бўлишидан қатъий назар иқтисодий-ижтимоий самара келтирса кифоядир.

Н.В.Игошин «Инвестициялар – асосий капитални қайта ишлаб чиқариш, тиклаш ва кенгайтиришга йўналтирилган пул маблағлари сарфидир. Умуман олганда, инвестициялар бўш турган пул маблағларини молиявий ва моддий бойликларга қўйишдир».[11] Муаллифнинг ушбу таърифида фикримизча, ижтимоий соҳалари ҳам инвестиция объекти эканлиги, олимнинг назаридан четда қолган. Бундан ташқари таърифда инвестиция мақсади ҳам ўз ифодасини топмаган.

---

[10] Вахрин П.И., Нешитой А.С. Инвестиции: Учебник. – 3-е изд., перераб. И доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2005. С.13.

[11] Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.С.81

Ваҳоланки, инвестиция фақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва тиклаш учун ҳамда ижтимоий соҳадаги йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга сарфланадиган маблағлар бўлиб, ижтимоий соҳа инвестори асосан давлат ҳисобланади.

Н.В.Киселева ва бир гуруҳ муаллифлар инвестициялар иқтисодий мазмунини изоҳлашга «харажатлар» ва «ресурслар» нуқтаи назаридан ёндашиб, «Инвестициялар – бу капитал шаклининг динамик тарзда ўзгариб туриши бўлиб, дастлабки пул ресурслари ва қийматликлар кўринишидаги инвестиция харажатларининг аста-секин капитал қўйилмалар даромадлари ва ижтимоий самара кўринишида қайтишидир. Инвестициялар – пул маблағлари, кредитлар, қимматли қоғозлар ва, шунингдек, кўчар ва кўчмас мулклар, интеллектуал мулк, эгалик ҳуқуқи ва бошқа бойликлар кўринишида бўлади», деган хулосага келади.[12]

Фикримизча, ушбу таърифда инвестициялар мазмуни анча чуқуррок очиб берилган. Таърифда инвестицияга сарфланадиган харажатларнинг таркиби, шаклларининг ўзгариб бориши ҳамда инвестицияга сарфланган маблағларнинг қўшимча даромадлар ва ижтимоий самара кўринишида қайтиши ўз аксини топган.

Юқорида номлари зикр этилган хориж иқтисодчилари Уильям Ф.Шарп ва бошқа муаллифларнинг таърифларига яқинрок бўлган фикрларни С.В.Валдайцев, П.П.Воробьев ва бошқалар ҳам билдиришган. Ушбу олимлар «инвестициялар» ва «жамғармалар» тушунчалари мазмун жиҳатдан бирғбирига яқин. «Жамгармалар» инвестиция жараёнларининг ажралмас қисми бўлсада, барча жамғармалар ҳам инвестиция ҳисобланмайди. Агар пул маблаглари ўз эгалари томонидан муомалага қўйилмаса, маблағ «жамғарма» шаклида қолади ва улар «инвестициялар»га айланмайди. «Жамғармалар» бевосита ёки билвосита ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун келажакда даромадни кўпайтириш максадида фойдаланилса инвестиция бўлади, деб ҳисоблайдилар.[13]

---

[12] Инвестиционная деятельность: Учебное пособие /Н.В. Киселева, Т.В. Боровикова, Г.В. Захарова и др.; Под ред. Г.П. Подшиваленко и Н.В. Киселевой. –М.: КНОРУС, 2005. С.12-13.

[13] Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17

Ушбу олимларнинг фикрича, субъектнинг жамғарма маблағлари аниқ мақсад учун маълум бир фаолиятга йўналтирилса, инвестиция эканлиги тўғрисидаги фикрларига қўшилиш мумкин. Лекин жамғарманинг қандай ҳолда муомалага киритилиши инвестиция эканлиги тўғрисидаги масала таърифда очиқ қолган. Чунки жамғарма маблағлари банкга депозит, омонатга қўйилса муомалага киритилган ҳисобланади.

Я.С.Мелкумов эса «инвестициялаш бу дастлабки умумий кўринишдаги маблағларни келажакда соф фойдага эришиш мақсадида узоқ муддатли иқтисодий қўйилмаларга йўналтириш" деб қарайди».[14] В.П.Ждановнинг фикрича, «Инвестициялар умумий маънода – бу тадбиркорлик ва бошқа фаолият туридаги объектларга даромад (фойда) олиш ёки самарани кўпайтириш мақсадидаги инвесторлар томонидан қўйиладиган молиявий, моддий, информацион ва бошқа кўринишдаги ресурслардир.[15]

Инвестиция тўғрисидаги В.П.Жданов фикри мунозарали деб ҳисоблаймиз. Чунки молиявий, моддий, информацион ва бошқа кўринишдаги ресурслар инвестиция воситалари ҳисобланади. Инвестор молиявий ва моддий кўринишлардаги ресурсларини мақсадли, яъни иқтисодий-ижтимоий самара олиш учун инвестиция объектига йўналтиради. Бизнингча, инвестиция бу жараён бўлиб, ушбу таърифда бу ўз аксини топмаган. Шунингдек, информацион ресурслар деганда айнан нима назарда тутилиши ҳам таърифда ноаниқ бўлиб қолган.

Муаллиф яна шуни таъкидлаб ўтадики, инвестиция тушунчаси кенг маънода катта миқдордаги иқтисодий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мумкин бўлган ҳар қандай турдаги ресурсларни ўзида акс эттирадиган «капитал» тушунчаси билан ўзаро жуда яқин алоқага эга. Иқтисодий ёки молиявий таҳлилларда пулга ҳамма турдаги зарурий ресурсларни сотиб олиш мумкинлигини назарда тутган ҳолда, капитал одатда фақат пул шаклида қаралади, деган хулоса қилади.

Биз бу фикрга тўлиқ қўшилишдан йироқмиз, чунки капитал нафақат пул шаклида, балки у натура кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, асосий капитал дейилганда доимо ҳам амалиётда

---

[14] Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. –М.: ИНФРА-М, 2003. С.8.

[15] Жданов В.П. Инвестиционные механизмы регионального развития. – Калининград, БИЭФ, 2001. С.121.

ҳам назарияда асосий ва айланма воситалар тушунилади. Капитал қўйилмаларнинг негизида асосий воситалар ётади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам инвестиция фаолиятнинг иқтисодий масалаларини) ўрганиш бўйича бир қатор иқтисодчи олимлар, жумладан Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Ҳ.Ҳайдаров, О.Т.Астанақулов ҳуқуқий асослари бўйича эса Б.Б.Самархужаевлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ва муайян йўналишларда эътиборга молик илмий-назарий ҳамда услубий ишланмаларга асос солинган. Жумладан, Д.Ғ.Ғозибеков инвестицияларни мазмун ва моҳият нуқтаи назардан иқтисодий категория сифатида талқин этган ҳамда аниқ ва ноаниқ рисклар, сафарбар этилаётган капиталнинг жорий қийматини сақлаш ва уни капиталлаштириш жиҳатларига эътиборни қаратиб, қуйидагича таъриф берган: «инвестициялар назарда тутилган ва тутилмаган, аммо эҳтимоли бор рисклар ҳамда кўзланаётган самараларни баҳолаш асосида, ўз ва ўзга маблағлар қийматининг капиталлашуви ва жамғарилишини таъминлаш мақсадида молиявий ва реал активларга боғланишидан далолат беради»[16].

Келтирилган ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, таърифда реал активлар таркиби нималардан иборатлиги ноаниқ бўлиб қолганлигини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, муаллиф ўзининг мазкур илмий асарида глобализация ва иқтисодий трансформация шароитида инвестиция фаолиятининг назарий ва амалий масалалари тадқиқотига ҳам катта эътибор қаратган ҳолда инвестицияларнинг ғоят муҳим сифат тавсифлари, рисклар билан тўқнашувлар, молиялаштириш манбалари ва мақсадларга эришиш усуллари ўртасидаги узвий боғлиқликлар, инвестицияларнинг самараси, уларнинг мазмун-моҳияти, сифат тавсифларига боғлиқлиги, молиялаштириш манбаларининг ишончлилигидан келиб чиқишини асослаган. Инвестицияларнинг жорий қийматини сақлаш, бўлажак қийматини кўпайтириш, капиталлаштириш ва юқори самараларга эришиш йўллари тизимли равишда пулнинг замонавий қиймат концепциясидан келиб чиққан ҳолда асослаб берилган. Муаллиф инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятини очишда «инвестиция»

[16] Д.Ғ.Ғозибеков Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия» нашриёти, 2003. 14–15 бетлар.



4691

тушунчасига айнан молиявий категория сифатида қарайди ҳамда уни аниқ ва ноаниқ рисклар, сафарбар этилаётган капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаш ва уни капиталлаштириш жиҳатларига эътиборни қаратган.

Иқтисодиёт фанининг ушбу йўналишида фаолият олиб бораётган и.ф.д., профессор Н.Ҳ.Ҳайдаровнинг илмий ишларида эса корхоналар инвестиция фаолиятида молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Инвестицияга Н.Ҳ.Ҳайдаров томонидан қуйидагича таъриф берилган: «Инвестиция – бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир»[17]. Бу ерда муаллиф инвестицияларга мулкчилик шакллари ва инвестицияларнинг турларига илмий-назарий жиҳатдан асосланган таъриф беришга эришган.

Бироқ, бизнингча, инвестиция нафақат жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий-ижтимоий самара олиш мақсадида бойликларини тадбиркорлик фаолиятларига сарфлаши, балки иқтисодий-ижтимоий самара олиш, ҳаттоки, ўзига оддий бир қулайлик туғдириш мақсадида жалб қилинган ҳар қандай активлар инвестиция бўлиши мумкин. Чунки, субъект томонидан бугун олинган моддий-молиявий даромад инвестиция бўлса, у ҳолда бугунги эришилган ижтимоий қулайлик эртанги моддий даромад учун асос бўлади. Яъни, меҳнат ресурсларини тиклашга йўналтирилган харажатлар ҳам инвестициялар ҳисобланади.

Н.Р.Қўзиева эса “Инвестициялар – бу давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад олиш ва (ёки) бошқа ижобий самарадорликка эришиш мақсадида мамлакат ичкарисида ва ташқарисида янги корхоналар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, кўчмас мулк, акциялар, облигациялар ва бошқа

---

[17] Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар *инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш* масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т., 2003. 29-б.

қимматли қоғозлар ҳамда активларни сотиб олишга йўналтирилаётган пул маблағлари, мулкий ва интеллектуал бойликлардир."[18]

Таърифда муаллиф инвестицияларга мулкчилик шакллари, инвестицияларнинг турлари, муҳим омиллари ва натижа олишнинг иқтисодий-ижтимоий томонларини келтириб ўтган. Аммо инвестицияга муаллиф ресурс нуқтаи назаридан баҳо беради. Ҳолбуки, ресурслар инвестициялар учун восита бўлиб, уларни мақсадли йўналтириш жараёни эса инвестиция ҳисобланади.

Иқтисодий муносабатлар тизимида инсон капитали муҳим омиллардан бири сифатида қаралади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Г.И.Ивановнинг фикрича, «инвестициялар – бу капитал ҳажмини ошириш, юқори фойдалилик ва ижтимоий самарага эришиш мақсадидаги барча турдаги ва шаклдаги мулкий, информацион қийматликлар, шунингдек, уларга эгалик қилиш, инсон ресурслари ва бошқа ҳар қандай фаолият объектларига йўналтирилган қўйилмалардир[19].

Бу фикрнинг бошқа таърифлардан фарқли томони шундаки, бу ерда инвестицияларни нафақат моддий даромадларга эришиш мақсадида, балки ижтимоий қулайликлар яратиш нуқтаи назаридан ҳам фикр юритилмоқда. Шунингдек, инсон манфаати юқори ўринга қўйилиб, иқтисодий муносабатлар тизимида инсон капиталига қўйилмалар ҳам муҳим омиллардан бири сифатида қаралади. Инсон капитали дейилганда одатда, инсоннинг меҳнат унумдорлиги ўсишига туртки бўлувчи ва провардида унинг даромадлари ошишига таъсир кўрсатувчи ундаги мавжуд бўлган соғлиқ, билим, кўникма, қобилият, малака, тажриба, уддабуронлик, ишбилармонлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, интеллектуал салоҳият ва иштиёқларнинг ўзаро уйғунлашган мажмуаси тушунилади. Мақсадли аҳамият касб этувчи ва инсоннинг келгусидаги даромадларини белгилаб берувчи харажатларнинг барча турлари «инсон капиталига инвестициялар» сифатида баҳоланади.

Инсон капиталига инвестициялар хилма-хил шаклда, яъни саломатликни тиклаш, таълим, маданият, касбий тайёргарлик, малака

---

[18] Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. –Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2006, 16-бет.

[19] Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия «Учебники, учебные пособия», Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.24–25.

ошириш, уй-жой, коммунал ва бошқа ижтимоий қулайликлар яратиш шаклларида амалга оширилади. Инсон капитали категорияси замонавий жаҳон иқтисодиёти фанида кенг қўлланилади. Инсон капитали назарияси билан боғлиқ муаммолар жаҳоннинг йирик иқтисодчи олимлари Г.Беккер, У.Боуен, М.Блауг, Б.Вейсборд, Э. Денилсон, Л.Туроу, М.Фишерлар томонидан кенг ўрганилган. 1992–йилда Америка иқтисодчиси Г.Беккер инсон капитали назарияси бўйича амалга оширган илмий тадқиқотлари натижасида эришилган ютуқлари учун иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофотига сазовор бўлган.[20]

А.С.Жўраев ва бошқалар ўзларининг илмий ишларида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ҳақида фикр юритиб, қуйидаги таърифни беришади: «Инвестициялар – бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланган эҳтиёжни қондириш учун иқтисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар»[21].

Муаллифлар инвесторларнинг «чекланган имконият», «чекланган эҳтиёж» ва «маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар»идан самарали фойдаланиш мақсадини инвестициялар деб ҳисоблайди. Лекин улар «чекланган имконият» ва «чекланган эҳтиёж» атамаларининг мазмуни ҳамда уларнинг инвестициялар билан боғлиқлигини изоҳламаган.

Маълумки, капитал қўйилмалар – асосий фондлар, яъни ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини маҳсулот (товар) ёки кўрсатилган хизматлар қийматига белгиланган эксплуатация муддатларида ўтказадиган турли воситаларни сотиб олиш, тиклаш, қайта қуриш ва замонавий янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш каби сарф-харажатларни ўзида акс эттиради.

Шунинг баробарида ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондлардан ташқари ўз қийматини бир ишлаб чиқариш циклида етиштирилган маҳсулот (товар) ёки кўрсатилган хизматлар қийматига ўтказадиган айланма воситалар ҳам қатнашади. Айланма

---

[20] Бозор, пул ва кредит. Феврал 2003. 37–39-бетлар.

[21] Жўраев ва бошқ. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма /Муал.: А.С.Жўраев, Д.Ю.Хўжамқулов, Б.С.Маматов; Акад. М.Шарифхўжаев таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2003. 18-бет.

воситаларни ишлаб чиқаришга янгидан йўналтириш учун айланма маблаглар сарфланади. Айланма маблағларсиз, капитал қўйилмаларнинг ўзи инвестицияларнинг тўлиқ мазмунини англатмайди. Масалани яна соддалаштирадиган бўлсак, мисол учун фермер маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва хизматлар кўрсатишдан тушган маблағларини, яъни тушумни иш ҳақи ва бошқа ижтимоий зарурий харажатларга сарфлагандан кейин қолган фойданинг маълум бир қисмини янги замонавий асбоб-ускуна, техника ва технологиялар, бино ва бошқа кўчмас мулкларга харажат қилади.

Харажатлар нуқтаи назаридан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг иккинчи қисм харажатлари, яъни хом ашё, минерал ўғит, уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари ва шунга ўхшашларни сотиб олиш учун кетган харажатлар айланма маблағлар бўлиб ҳисобланади. Ва, шундай қилиб, капитал қўйилмалар ва айланма маблағлар учун кетган сарф-харажатларнинг йиғиндиси тор маънода бўлсада инвестицияларни ифодалайди. Бинобарин, капитал қўйилмалар ва айланма маблағ (восита)лар инвестицияларнинг асосий ажралмас таркибий қисмлари бўлиб, такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро таъсир кўрсатиш орқали улар бир-бирини тўлдириб ва фаоллаштириб боради. Шу боисдан бизнинг илмий-назарий нуқтаи назаридан умумий хулосамиз шундан иборатки, капитал қўйилмалар тушунчаси айнан инвестициялар тушунчасини англатмайди ва шунинг учун ҳам бу икки иқтисодий категорияни бир хил маъно ва таркибда ифода этувчи иқтисодчи олимлар жиддий хатоликка йўл қўядилар.

Таҳлилларимиз инвестициялар бу турли шакл ва воситалар кўринишида фақат узоқ муддатли капитал қўйилмалар бўлибгина қолмасдан, балки қисқа муддатли қўйилмаларни ҳам ўз ичига олишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти” тўғрисидаги Қонунда инвестицияларга қуйидагича таъриф берилган: “инвестициялар — инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвестициялар бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

маблағларни, шу жумладан пул маблағларини (шу жумладан чет эл валютасини), мақсадли банк омонатларини, пайларни, улушларни, акцияларни, облигацияларни, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни;

кўчар ва кўчмас мол-мулкни (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликларни);

интеллектуал мулкка доир мулкий ҳуқуқларни, шу жумладан у ёки бу ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида чизмаийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа қимматликларни;"[22]

Берилган таърифда инвестициялар ресурси сифатида фақат моддий ва номоддий неъматлар эътироф этилади. Ҳолбуки, молиявий ресурслар ҳам инвестицияларнинг энг йирик микдордаги тури ҳисоблансада, ушбу манба таърифда инобатга олинмаган.

Шунингдек, инвестициялар объектларининг ҳам мазмуни тор тарзда баён этилган. Таъриф мазмунида инвестициянинг мақсади аниқ кўрсатилмаган ҳамда ижтимоий соҳа ва инсон капиталига киритиладиган инвестициялар ўз аксини топмаган.

Зотан, бизнинг фикримизча, инвестицияларга берилган таъриф уларга тааллуқли бўлган барча жараёнларнинг мазмун ва моҳиятини ўзида акс эттирган мукаммал умумлашмадан иборат бўлиши керак.

Шу боис илмий тадқиқотларимиз ва инвестиция атамаси мазмуни тўғрисидаги маҳаллий ҳамда хорижий олимлар қарашларини таҳлиллари натижасига асосан қонунда инвестиция атамаси таъриф мазмунини **"инвестициялар – қонун ҳужжатларида тақиқланмаган даромад ёки ижтимоий наф олиш мақсадларида иқтисодий ва ижтимоий фаолият объектлари ҳамда инсон капиталига киритиладиган молиявий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка**

[22] http://www.lex.uz (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими). "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2019 йил 25 декабрь.

**бўлган ҳуқуқлардир" редакцияда баён этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.**

Инвестиция фаолиятини эса, бизнингча, ҳар қандай иқтисодий тизимнинг барча тармоқ, соҳа ва жабҳаларининг ривожланишини таъминловчи, унга ижобий таъсир кўрсатувчи ресурслар ва омиллар иштирокидаги жараёнлар ва йўналишлар мажмуаси сифатида эътироф этиш илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослидир. Шунинг учун ҳам, рақамли иқтисодиёт шароитида инвестициялар ва инвестиция фаолиятининг алоҳида олинган ўзига хос хусусият ва белгилари бўйича уларнинг молиявий-иқтисодий мазмун ва моҳиятларини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

## 1.2. Инвестиция фаолиятини таснифлаш йўллари ва уларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Инвестициялар ва инвестиция фаолияти атамалари ҳар қандай объект ёки субъектни инвестициялаш жараёни билан ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи ҳамда мазмунан жуда яқин тушунчалар ҳисобланади. Ишнинг 1.1-параграфида инвестицияларга берилган таърифлар мазмунини ўрганиш ва таҳлил қилиш уларнинг ҳаракати асосан икки босқичдан иборат бўлиши аниқланди. Биринчи босқичда ресурсларни инвестиция объектларига йўналтириш натижасида инвестиция фаолияти юз беради. Иккинчи босқич, инвестиция фаолияти жараёнида объектларга йўналтирилган капитал қўйилмалардан фойдаланиш натижасида олинадиган даромад, самара ўз ифодасини топади.

Инвестиция фаолиятига тор ва кенг маънода таъриф бериш мумкин. Тор маънода инвестиция фаолияти инвестициялаш ресурсларини қўйилма сифатида қайта йўналтириш асосида у ёки бу воситани қайта тиклаш жараёнини ўзида акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, капиталнинг мавжуд қийматини сақлаган ҳолда, асосий капитал қийматини қайта тиклаш жараёнидир.

Кенг маънодаги инвестиция фаолияти бу – даромад (самара) олиш мақсадида танлаб олинган янги инвестиция объектига маблағ йўналтириш билан боғлиқ жараёндир. Бошқача қилиб айтганда, асосий капитал таркибида янги қиймат яратиш эвазига даромад олиш мақсадида ресурсларни танланган инвестиция объектига йўналтиришдан иборат. Ушбу жараёнлар инвестиция цикли ёки

инвестицияларнинг айланиш даври, деб эътироф этилади. Шуни таъкидлаш зарурки, ушбу жараёнда инвестициялар ҳам инвестиция фаолиятининг ҳам объекти, ҳам предмети сифатида иштирок этади. Шу нуқтаи назардан, бизнингча, инвестициялар ўзларининг иқтисодий табиатига кўра мавҳум тушунча ҳисобланса, инвестиция фаолияти эса кўзда тутилган аниқ иқтисодий, ижтимоий натижага эришиш учун муайян объект (субъект)нинг хатти-ҳаракатлари, иштироклари ва фаолиятлари мажмуидир.

Е.Г.Никольская томонидан Кейнс жамғармаларни ликвидли шаклларда сақлаш, уларни кўпайтириш билан боғлиқ манфаатларни рағбатлантириш механизмларини асослаб бериши олимнинг инвестициялар назариясини ривожлантиришга қўшган мухим янгилиги ва ҳиссаси сифатида эътироф этилган. Олим томонидан инвестицияларни рағбатлантиришга оид манфаатлар сифатида:

– товарлар, хизматлар ва бошқаларни сотиб олишда талабларни аниқлаш;

– жамғармаларни қулай тарзда жойлаштиришдан наф кўришга ҳаракат қилиш;

– қимматли қоғозларга йўналтирилган капитал қўйилмаларни йўқотиш риски билан боғлиқ эҳтиёткорлик чоралари эътироф этилган.

Кейнс инвестициялар рағбатлантириш манфаатларини асослаш билан бирга иқтисодий назарияга портфелларни танлаш муаммоси тўғрисидаги тушунчани хам киритади.[23] Бизнингча, бу ерда албатта молиявий инвестициялар ҳақида гап бориб, муаллиф капитални молиявий инвестицияларга йўналтиришнинг уч босқичдан иборат вариантларини таклиф этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунида инвестиция фаолияти тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «инвестиция фаолияти – инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боглиқ ҳаракатлари мажмуи» дейилади.

Фикримизча, мазкур инвестиция фаолиятига берилган таъриф жуда қисқа бўлиб, унда фаолиятнинг айрим жиҳатлари ўз аксини топмаган. Инвестиция фаолияти инвестиция жараёнларининг

---

[23] Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской федерации /В.В. Аладьин. –М.: Социум, 2002. С.17.

тадрижий кетма-кетлиги, ўзгариши, яъни молиявий, моддий ва номоддий ресурслар қиймати, уларни объектга йўналтириш харажатлари ҳамда инвестиция объектидан фойдаланиш эвазига олинган самарани қамраб олади. Агар фаолият натижасидан самара олинмаса, инвесторда инвестицияга рағбат бўлмайди. Лекин қонунда инвестиция фаолиятига берилган таърифда ушбу жиҳатлар ўз ифодасини топмаган.

Умуман олганда **инвестиция фаолияти – бу капитал, ресурслар, қўйилмаларнинг муайян макон (объект) ва замон (вақт)даги мақсадли яхлит ҳаракат жараёнлари мажмуи бўлиб, ундан келажакда маълум бир ижтимоий-иқтисодий ижобий натижаларга эришиш кўзда тутилади.** Шу боисдан ҳам инвестиция фаолиятини илмий тадқиқот объекти сифатида муайян бир тартибли яхлит тизимда таҳлил қилиш нуқтаи назардан унинг таркибий элементларини, яъни субъектлари, объектлари ва бошқа иқтисодий муносабатларини, уларнинг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнида инвестиция фаолияти субъектлари мақомида инвесторлар ва инвестиция объектларидан фойдаланувчилар (юридик ва жисмоний шахслар, давлат, минтақавий ва муниципал ҳокимият идоралари, хорижий мамлакатлар, халқаро А.О.Прищепова инвестиция фаолияти – инвестиция ресурсларини қидириш, ресурсларни самарали объектларга йўналтириш имкониятини танлаш ва инвестиция дастури муваффақиятини таъминлаш жараёнларидир деб ҳисоблайди[24].

Инвестиция фаолиятига берилган таъриф анча кенг қамровли бўлиб, таърифда фаолият мазмуни очиб берилган, аммо таърифда инвестиция субъекти ўз ифодасини топмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019–йил 12–декабрда қабул қилинган «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунига инвестициялар объектига кўра капитал, молиявий ва ижтимоий турларга бўлинади. Ҳар бир инвестиция объектининг ўзига хос белгиларига кўра инвестицияларни қуйидаги тарзда таснифлаш мақсадга мувофиқ (1.2.1-чизма).

---

[24] Прищепова, А. О. Роль инвестиций в развитии организации / А. О. Прищепова. — Текст : непосредственный // Вопросы экономики и управления. — 2018. — № 1 (12). — С. 28-32. — URL: https://moluch.ru/th/5/archive/78/3043/ (дата обращения: 01.02.2021).




**1.2.1-чизма. Инвестиция фаолияти ва унинг таркибий қисмлари.**

Инвестиция объектлари таркибини ички ва ташқи гуруҳларга бўлиш лозимлиги тўғрисидаги қарашлар ҳам мавжуд[25]. Ҳақиқатда ушбу фикр билан келишиш мумкин, чунки инвестор компания ўз балансида бўлган объектга ёки ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун инвестиция ресурсларини йўналтириши мумкин.

Агар компания ўз инвестиция ресурсларини бошқа компаниялар қимматли қоғозларини харид қилишга, улуш бўйича

[25] И.А.Султонов. Идентификация объектов и субъектов инвестиционной деятельности. http://projectimo.ru/author/projer.

бошқа компаниялар объектларига йўналтирса, бундай инвестициялар ташқи инвестиция ҳисобланади.

Инвестицияларни ушбу тарзда гуруҳлаб ўрганиш компанияга қайси гуруҳ инвестициялар яхши самарадорлигини баҳолаш ва инвестиция режасини назорат қилиб бориш учун қулай ҳисобланади.

Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ инвестиция объектлари капитални йўналтирилишига кўра *реал, молиявий ва инновацион* инвестицияларга бўлинади. Молиявий инвестициялар таркибига Россия қонунчилиги молия бозоридан пул қийматли валюта харид қилиш, депозитга пул қўйиш, банклараро ва тижорат кредитларини ҳам киритади.

Г.И.Ивановнинг фикрича, инвестициялар капиталнинг қўйилиш объектига кўра реал (капитал қўйилмалар) ва молиявий инвестицияларга бўлинади.[26] Муаллиф реал инвестициялар таркибига: реал активларни, яъни ишлаб чиқариш (асосий ва айланма) фондлари, уларни кенгайтириш, қайта тиклаш ва қуроллантиришга қўйиладиган иқтисодий ресурслар; ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура харажатлари (бино ва *иншоотлар, уй-жойлар*); *пул* қийматига эга бўлган номоддий активлар (қимматли қоғозлар, патентлар, техник ва технологик янгиликлар, лойиҳалар ва бошқа интеллектуал мулк объектлари)ни киритади.

Молиявий инвестицияларга эса акция, вексель, облигация ва бошқа қимматли қоғозларга қўйиладиган маблағлар киради. Эътибор берадиган бўлсак, муаллиф реал, қавс ичида эса капитал қўйилмалар деб тўғри изоҳлаган. Бироқ, бир оз кейинроқ реал инвестициялар таркибини аниқлащда айланма фонд харажатлари ва пул қийматига эга бўлган номоддий активлар (қимматли қоғозлар, патентлар, техник ва технологик янгиликлар, лойиҳалар ва бошқа интеллектуал мулк объектлари)ни ҳам киритган. Бизга маълумки, капитал қўйилма харажатлари таркибига айланма фонд харажатлари ва пул қийматига эга бўлган номоддий активлар (қимматли қогозлар, патентлар, техник ва технологик янгиликлар, лойиҳалар ва бошқа интеллектуал мулк объектлари) кирмайди.

---

[26] Иванов Г.И. Инвестиции: сущность, виды, механизмы функционирования. Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.28.

Шунингдек, ҳар иккала тур инвестициялар таркибида қимматли қоғозлар тилга олинмоқда.

Бизнингча, бу ерда муаллиф томонидан ҳар иккала тур инвестициялар туркумига кирувчи манбалар ўртасидаги фарқни эътиборга олмаган.

Ўзбекистон қонунчилиги ушбу маблағларни молиявий инвестиция сифатида эътироф этмайди. Натижада Ўзбекистонда ушбу маблағларни инвестиция учун йўналтириш Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни таъсир доирасига тушмаслигига сабаб бўлади.

Ушбу объектларга инвесторлар томонидан йўналтириладиган:

- миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари ҳамда кредит, пай, улуш, акция ва бошқа қимматли қоғозлар шаклидаги молиявий маблағлар;
- бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар;
- интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимлар;
- ер участкаларига ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда мулк ҳуқуқларидан келиб чиқувчи бошқа ашёвий ҳуқуқлар инвестиция ресурслари ҳисобланади.

Инвестиция ресурслари аниқ белгиланган объектларга яқин ва узоқ келажакда фойда олиш мақсадларида йўналтирилади. Ушбу ресурслар эгалари инвестициянинг субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз инвестиция ва инвестиция субъектлари тўғрисида олимлар ҳамда қонунчиликда аниқ бир тўхтам мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Инвестиция субъектлари мавзусини ўрганган ҳуқуқшунос олимлар ҳам иқтисодий ва ҳуқуқий адабиётларда инвестиция ҳамда инвестиция субъектлари тўғрисида ягона фикр мавжуд эмаслигини эътироф этади. Олимлар бунинг сабаби ушбу тушунчалар ва уларни қонун ҳужжатларида

қўллаш тўғрисида ягона концепция мавжуд эмаслиги деб, ҳисоблайдилар[27].

С.С.Алексеев субъектни эътироф этишнинг икки асосий белгисини инобатга олиш зарурлигини таъкидлайди. Олим фикрича, "Ижтимоий муносабатлар иштирокчиси бўлган жисмоний ва юридик шахс, ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишга қодир ва юридик мақомга кўра субъект сифатида эътироф этилган тақдирда, субъект маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади" деб ҳисоблайди[28].

Демак, инвестиция фаолияти субъектларини таснифлаш ва эътироф этишда ҳам шахснинг лаёқатлиги ва ҳуқуқий мақомлари инобатга олиниши зарур ҳисобланади. Чунки инвестиция фаолияти натижаси бўйича унинг иштирокчилари ўртасида мажбуриятлар юзага келади.

А.В.Майфат инвестиция фаолияти субъектлари универсал жамоа ва махсус жамоа инвесторларига бўлиш мумкинлиги ҳамда инвестиция бозори таркибини инвестицияни ташкил этувчилар, инвесторлар, инвестиция субъектлари, инвестиция бозори профессионал иштирокчиларига бўлишни таклиф этади[29]. Уильям Ф.Шарп, Гордон Дж. Александер, Джеффри В.Бейллар томонидан инвестиция субъектлари жамоа ёки институциональ тузилмалар бўлиши мумкинлиги қайд этилади[30].

Д.С.Ратникова инвестиция субъектларини «инвестиция фаолияти субъектлари» ва «инвестиция жараёнлари субъектларига» бўлишни таклиф этади. Инвестиция фаолияти субъектлари таркибига – буюртмачи, маҳсулот тақсимотига оид битим оператори, қимматли қоғоз бозори бошқарувчисини, инвестиция жараёнлари субъектлари таркибига – инвестиция лойиҳаси ижрочиси, подрядчи ташкилот, таъминотчи каби иштирокчиларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди [31].

---

[27] Коммерческое (предпринимательское право) право / под ред. В. Ф. Попондопуло. –М., 2009. Т. 2. С. 103 (автор главы — О. Ю. Скворцов).
[28] Алексеев С.С. Общая теория права. В 2 т. –М., 1982. Т. 2. С. 139.
[29] Майфат А. В. Гражданско-правовые конструкции инвестирования. Монография. С. 104.
[30] Инвестиции / Уильям Ф. Шарп, Гордон Дж. Александер, Джеффри В. Бейли. С. 11–12).
[31] Ратникова Д. С. Правовое регулирование инвестиционной деятельности в Российской Федерации. Автореф. дис. ... к. ю. н. М., 2011. С. 10.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунига кўра фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар инвестиция фаолияти субъектлари сифатида эътироф этилади.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига асосан инвестиция фаолияти субъектларини турли белгилар ва хусусиятлар бўйича таснифлаш мумкин деган хулосага келинди (1.2.2-чизма.).

Инвестиция фаолият жараёнида инвестициялар турли шакл ва кўринишда амалга оширилиши мумкин. Муайян белгисига кўра уларнинг турлича таснифий гуруҳлари мавжуд. Инвестиция фаолиятини таснифлаш асосида, одатда муайян мезонлар ётади. Бундай таснифлашнинг мақсади уни таҳлил ва режалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилишидадир. Инвестицияларни таснифлаш учун энг муҳим белги бўлиб маблағларнинг жойланиш объекти ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда бундай турдаги инвестицияларнинг инвестиция объекти нуқтаи назаридан уларнинг бошқа таснифларга нисбатан берилган изоҳ, фикр ва мулоҳазалари учраб туради.

Б.А.Колтынок фикрича эса деярли ҳар қандай инвестиция фаолиятининг мақсади келажакда ижобий натижаларга эришишни мўлжаллаб объектга капитал киритишдир. Бу ерда энг муҳим жиҳат инвестиция объекти бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари капитал қўйилма ҳажми, вақти ва юзага келадиган хавфлар даражаси деб ҳисоблайди[32].

Олим инвестиция фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришга жалб этиладиган инвестицияларни молиявий (портфелли), реал ва номоддий активларга йўналтириладиган инвестицияларга ажратишни таклиф қилади.

Лекин П.И.Вахрин, А.С.Нешитойлар ўз тадқиқотлари натижаларига кўра инвестицияларни реал ва портфелли турларга бўлишади.[33]

---

[32] Колтынок Б.А. Инвестиции. –СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2003. С.9

[33] Вахрин П.И., Нешитой А.С. Инвестиции: Учебник. – 3-е изд., перераб. И доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2005. С.14-21




**1.2.2-чизма. Инвестиция фаолияти субъектларининг мақсадли иерархик йўналишлар бўйича таснифий туркумлари*.**




**1.2.3-чизма. Реал инвестициялар элементларининг таркибий туркумлари***

Уларнинг фикрича, капитал қўйилма шаклини олган капитал яратувчи (реал) инвестициялар – бу мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини ривожлантириш ва асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш мақсадидаги пул маблағлари ва бошқа капитал қўйилмалардир.

Шунингдек, улар реал инвестицияларни қуйидаги элементлардан иборат таркибда таснифлайди:

асосий фондлар (асосий капитал)га инвестициялар; ер участкаларини сотиб олишга йўналтирилган маблағлар; номоддий активлар (патентлар, лицензиялар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари)га инвестициялар; моддий айланма маблағлар захираларини тўлдириш харажатлари (1.2.3-чизма).

Шу билан бирга муаллифлар реал инвестициялар узоқ муддатли капитал қўйилмалардан ташкил топишини таъкидлаган ҳолда, номоддий активлар (патентлар, лицензиялар, илмийтадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари)га инвестициялар ва моддий айланма маблаглар захираларини тўлдириш харажатларини реал инвестициялар элементлари эканлигини таъкидлашади.

Бизнингча, муаллифлар бир оз чалкашликка йўл қўйишган. Чунки патентлар, лицензиялар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари интеллектуал мулк ҳисобланади. Шу сабабли фикримизча, ушбу номоддий инвестиция ресурсларини реал инвестиция таркибига эмас, балки интеллектуал инвестициялар таркибига киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ф.С.Тумусов инвестиция ресурслари тавсифига кўра инвестицияларни уч турга ажратади. Бу реал инвестициялар, яъни маблағларни тармоқлар ишлаб чиқариш воситаларига капитал қўйилмалар, молиявий инвестициялар – корхоналарга тегишли маблағ, барча уч даражадаги бюджет ресурслари, кредит, ресурслари ва ҳ.к. Олим фикрига кўра, молиявий инвестициялар пул капиталининг ўзгартирилган шакли ҳисобланади.

Илмий имкониятларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мутахассислар ҳамда ишлаб чиқаришнинг

бошқа иштирокчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, тажриба алмашиш, лицензиялаш ва капиталнинг қайта ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган бошқа тадбирларга йўналтириладиган узоқ муддатли маблағларни эса олим учинчи тур, яъни ақлий инвестицияларга киритишни таклиф этган.

В.С.Бард эса инвестицияларни реал ва молиявий турларга бўлиб, уларнинг иккинчисини молиявий ишлаб чиқаришга йўналтирилган ва молиявий чайқов, яъни қимматли қоғозлар ва турли мамлакатлар валютасини олиб-сотиш ҳисобига пул кўпайтиришга қаратилган инвестицияларга ажратади.

Бундай ажратиш унинг инвестицияларга берган таърифидан мантиқан келиб чиқади: «Инвестициялар – бу реал молиявий ресурсларнинг амалга оширилиши реал бойликнинг моддий-буюм ва маълумот шаклида ўсиши билан бирга пул (молиявий) шаклидаги бойликнинг ортишига ёки фақат шу иккинчи омилнинг ўсишига (жамиятда баъзиларнинг бошқалар ҳисобига бойиши, пул маблагларининг қайта тақсимланиши ҳисобига) олиб келадиган лойиҳаларга узоқ муддатли жойлащдир».

Бундан фарқли таърифлар ҳам мавжуд. Мисол учун, Я.С.Мелкумов «Бевосита инвестициялар деганда инвесторнинг инвестиция жараёнида бевосита иштирок этиши тушунилади, яъни инвестор инвестициялаш объектини, шунингдек, уни молиялаштиришни ташкил этиш ва молиялаштириш манбаларини бевосита ўзи аниқлайди.[34] У портфелли инвестициялар ҳақида тўхталмай, билвосита инвестицияларни – жисмоний ёки юридик шахсларнинг молиявий воситачилар томонидан чиқариладиган қимматли қоғозларга маблағ жойлашини алоҳида ажратиб кўрсатади. Бундай молиявий воситачилар зарур суммани тўплаганларидан сўнг уни ўз ихтиёрларига кўра у ёки бу инвестиция лойиҳасининг даромадлилиги ва рентабеллилиги тўғрисидаги тахминий ҳисоб-китоблардан келиб чиққан ҳолда жойлаштирадилар.[35]

---

[34] Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. –М.: ИНФРА-М, 2003. С.11.
[35] Шу манба, б. 12.

Молиявий инвестициялар хусусий компаниялар ва давлат муассасалари томонидан муомалага чиқарилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳамда банк депозитларига жалб қилинган қўйилмалардир. Улар қимматли қоғозлар бозорида сарфланиши ва шу бозорда қатнашишни англатади. Молиявий инвестициялар эркин бозор инфратузилмаси ривожланган ҳамда қимматли қоғозлар бозори капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим ўрин тутадиган давлатларда кўпроқ тарқалган. Ривожланган мамлакатларнинг молиявий инвестициялари таркибида асосий ўринни хусусий инвестициялар ташкил этади. Қимматли қоғозлар бозори тўлиқ ташкил этилган мамлакатларда хусусий инвестицияларнинг кўпгина қисми махсус инвестиция фондлари томонидан сарфланади.

Иқтисодий таҳлил амалиётида реал инвестициялар билан бир қаторда «ялпи инвестициялар» ва «соф инвестициялар» каби тушунчалар ҳам мавжуд. Жумладан, ялпи инвестициялар – бу у ёки бу инвестиция объектга йўналтирилаётган реал, молиявий ва интеллектуал инвестицияларнинг умумий ҳажмини ўзида акс эттиради. Бу инвестициялар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгилашни назарда тутади. Бу ерда инвестициялаш манбаи бўлиб, миллий даромаднинг соф жамғарилган фонди, янгидан яратилган қиймат ҳисобланади. Тадбиркорлар бу фаолиятни ўз маблағлари ҳисобидан ёки ссуда капитали бозоридан жалб қилинган маблағлар эвазига амалга оширади. Истеъмол қилинган асосий воситалар қийматини қайта тиклаш манбаи бўлиб амортизация ажратмалари ҳисобланади. Масалан, хорижий иқтисодчилар иқтисодиёт ҳолатининг мезони сифатида ялпи инвестициялар ва амортизация нисбатини кўрсатадилар. Турғун иқтисодиёт шароитида ялпи инвестициялар ва амортизация ўртасида тенглик ҳукм суради.

Соф инвестициялар – бу маълум давр учун ялпи инвестициялар суммасидан амортизация ажратмалари суммаси чегириб ташланган қисмини акс эттиради. Соф инвестициялар суммасининг ижобий ёки салбий ўзгариш белгилари иқтисодиёт даражаларини аниқлаб беради. Масалан, соф инвестициялар

суммаси салбий қолдиқда бўлса, яъни соф инвестициялар суммасидан амортизация ажратмалари суммаси юқори бўлса, демак ишлаб чиқариш салоҳияти камайиб бораётганлигидан дарак бериб, давлат капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаган ҳолда жамғармаларни қайта тиклаш, кўпайтириш эмас, балки ўз ички капиталининг камайиши шароитида кун кўраётганлигини билдиради. Агар соф инвестициялар суммаси нолга тенг бўлса, у ҳолда иқтисодий ўсиш суръатлари ҳам нолга тенг бўлади ва ишлаб чиқариш салоҳияти ўзгаришсиз қолаётганлигидан дарак беради. Агар соф инвестициялар суммаси ижобий қолдиқда бўлса, у ҳолда иқтисодиёт ривожланиш босқичида бўлади, давлат капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаган ҳолда жамғармаларни қайта тиклаш, кўпайтиришга ва провардида ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга эришган бўлади.[36]

Реал инвестициялар капитал яратувчи инвестициялар ҳисобланади ва улар таркиби асосий капиталга, капитал таъмирлашга, ер участкалари табиий ресурслар харид қилишга ва айланма маблағларни кўпайтиришга йўналтирилган инвестицияларни киритиш зарурлиги тўғрисидаги қарашлар ҳам мавжуд[37].

Инвестицияларни капитал, инновация ва ижтимоий каби турларга бўлиш тўғрисидаги олимлар қарашлари мавжуд. Капитал инвестициялар жумласига асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга жалб этиладиган ресурсларни йўналтириш тавсия этилади.

Инновация инвестициялари жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга йўналтириладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга,

---

[36] Инвестиционная деятельность: /Н.В. Киселева, Т.В. Боровикова, Г.В. Захарова и др.; Под ред. Г.П. Подшиваленко и Н.В. Киселевой. –М.: КНОРУС, 2005. С.14-15.

[37] О.Е.Кутепов, М.В.Непарко. Виды и классификация инвестиционной деятельности и инноваций. //Бизнес в законе. Экономико-юридический журнал. №1, 2016. С-211-214.

шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Кейинги давр иқтисодий адабиётларида капитал инвестициялар дейилганда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, асосий фондларни вужудга келтириш ва уларни такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар тушунилади. Лекин, бу харажатлар ичида молиявий инвестициялар, жумладан портфелли инвестициялар, айланма воситаларни сотиб олиш, қайта тиклаш харажатлари назарда тутилмайди. Бизнингча, бу тур инвестицияларни реал инвестициялар деб аташ ва унинг таркибига капитал инвестициялар билан бир қаторда айланма воситалар харажатларини ҳам киритиш тўғрироқ бўлар эди.

Инновация инвестициялари сирасига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга йўналтириладиган инвестициялар ёки бошқача қилиб айтганда, интеллектуал инвестициялар (нау-хау) киради. Шунга кўра айтиш мумкинки, бизнингча, қонунда белгилаб қўйилган ижтимоий инвестициялар доирасида назарда тутилган инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга қаратилган инвестицияларни иккинчи гуруҳ инвестициялар қаторига, яъни инновация, тўғрироғи интеллектуал инвестициялар таркибига киритиш мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда Россияда чоп этилган иқтисодий адабиётларда инвестицияларни икки аспектда: ресурслар (капитал қиймат) ва қўйилмалар (харажатлар) шаклида қаралмоқда. Масалан, шу йўналишда тадқиқотлар ўтказган Л.Л.Игонина инвестицияларни объект нуқтаи назаридан икки томонлама тавсифлаш лозимлигини қайд этади. Мазкур тавсифга кўра, бир томондан, истеъмол мақсадлари учун ишлатилмаган даромад ҳажми инвестиция ресурслар сифатида қабул қилинса, иккинчи томондан, инвестициялар тадбиркорлик ёки бошқа фаолият объектларида капитал буюмлар қийматининг ўсишини аниқловчи қўйилма (харажат)ларни ўзида акс эттиради.

Л.Л.Игонина тадбиркорлик ёки бошқа фаолият объектларига қўйиладиган ресурслар таркибини қуйидаги гуруҳларга ажратади:

- пул маблағлари ва молиявий инструментлар (мақсадли банк қўйилмалари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар);
- моддий қийматликлар (бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа кўчар ва кўчмас мулклар);
- мулкий, интеллектуал ва бошқа пул қийматига эга бўлган ҳуқуқлар (номоддий активлар).

Пул маблаглари ва қимматли қоғозлар, моддий қийматликлар, номоддий активлар (мулкий, интеллектуал ва бошқа ҳуқуқлар) ресурс шаклида ҳам бўлиши мумкин. Умуман Л.Л. Игонина[38] ресурсларнинг моддий ва иқтисодий фарқларини холис ажратиб берганлигига қарамай, фикримизча, унинг таснифига бироз аниқлик киритиш керак. Масалан, у учинчи гуруҳ ресурслари таркибига интеллектуал мулк объектлари билан мулкий ҳуқуқларни қўшиб юборади. Бизнинг фикримизча, интеллектуал мулк объектларига жумладан техника ва технологияга оид билимлар, ишлаб чиқариш тажрибаси, ноу-хаулар киради.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрь «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасида инвестиция ресурслари жумласига қуйидагилар киритилган:

– пул маблағлари (шу жумладан, чет эл валютаси) ва бошқа молиявий маблағлар, шу жумладан, кредитлар, пайлар, улушлар, акциялар ва бошқа қимматли қогозлар;

– кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликлар) ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар;

– интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан у ёки бу турдаги ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси

---

[38] Игонина Л.Л. Инвестиции: учеб. Пособие /Л.Л. Игонина; под ред. д-ра экон. наук, проф. В.А. Слепова. – М.: Экономистъ, 2005. С 19 – 33.

тарзида чизмаийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимлар;

ер участкаларига ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, мулк ҳуқуқларидан келиб чиқувчи бошқа ашёвий ҳуқуқлар.

Хусусий инвестициялар нодавлат характеридаги инвестициялар бўлиб, улар асосан хусусий, корпоратив корхоналар ва ташкилотлар, жисмоний шахслар томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ташкил топади. Хусусий инвестициялар тадбиркорлар, хусусий фирмалар, компаниялар, концернлар, акциядорлик жамиятлари ёки бошқа шаклдаги мулк эгаларининг фойда (даромад), самара олиш мақсадида қонун томонидан тақиқланмайдиган фаолиятларга сарфлайдиган мулкий ва интеллектуал бойликларни билдиради.

*Давлат инвестициялари* – бу давлат ҳукумати ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан, шунингдек, марказлашган ва марказлашмаган бюджет маблағлари ҳамда давлат ташкилотлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестициялардир.

*Аралаш-қўшма инвестициялар* – бу қўйилмалар давлат, хусусий ва жамоат ташкилотлари томонидан улушлар қўшиш ҳисобидан амалга ошириладиган инвестициялардир.

*Хорижий инвестициялар* – бу қўйилмалар хорижий давлат ва хусусий инвесторлар ҳамда халқаро хорижий ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялардир.

5. Инвестициялашнинг иқтисодиёт соҳасига кўра инвестициялар моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтириладиган инвестициялар гуруҳларига бўлинади.

6. Риск нуқтаи назаридан инвестициялар *агрессив, мўътадил ва консерватив* гуруҳларига бўлинади. Агрессив инвестициялар юқори рисклик, юқори фойдалилик ва паст ликвидлик даражалари билан характерланади. Мўътадил инвестициялар ўртача рисклик (хатарлилик), етарли фойдалилик ва ўртача ликвидлик даражалари билан ажралиб туради. Консерватив инвестициялар паст рисклик даражаси, ишончли фойдалилик ва ликвидлик даражаларини ўзида акс эттиради (1.2.4- чизма).

Инвестицияларнинг барча турлари ва шакллари асосида амалга ошириладиган инвестиция фаолиятининг иқтисодий мазмунини инвестициялаш субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги шунингдек, иқтисодиётнинг барча соҳаларида инвестицияларни амалга ошириш билан боглиқ муносабатлар ва алоқалар мажмуаси ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, бизнинг таърифимизга кўра, инвестиция фаолияти уни амалга ошираётган ўзаро боғлиқ объектлар ва субъект (инвесторлар ва фойдаланувчи)лар муносабатларининг мажмуидан иборат бўлиб, содда ва тушунарли қилиб айтганда, инвестицияларнинг қайд этилган турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва давлат томонидан тақиқланмаган бошқа фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарф этиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш чора-тадбирларига асосланган жараён инвестиция фаолиятини англатади. Шу боисдан ҳам, ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш босқичида мамалакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ҳар жиҳатдан рақобатбардошлигини ошириш, тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларининг фаолият йўналишларини бозор талабларига мос келадиган ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган диверсификациялаш чора-тадбирларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Зотан, инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш ва диверсификациялашнинг муҳим шартларидан бири уни қайси маблағлар ҳисобидан амалга оширишга боғлиқ. Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йилларида инвестициялар фақат давлат маблағлари ёки давлат капитал қўйилмаларини ўзлаштириш ҳисобига амалга оширилар эди. Яъни, инвестиция фаолиятининг асосий манбалари бўлиб, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ва давлат бюджети даромадлари ҳисобланар эди. Бироқ, изланишларимизнинг кўрсатишича, иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор муносабатларининг янада чуқурлашуви шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг таркибий тузилмаларини такомиллаштириш ва ноанъавий шаклларини кўпроқ ташкил қилишни тақозо этади.




**1.2.4-чизма. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАСНИФИЙ БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА КЛАССИФИКАЦИЯСИ**

## 1.3. Ҳудудлар инвестиция салоҳиятини оширишдаги давлатнинг инвестицияларни мувофиқлаштириш сиёсати роли

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ҳудудларнинг ривожланиш даражаси муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳудудлар маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ва ўз зиммаларидаги вазифаларини бажариши билан бирга марказий давлат бюджетига ҳам даромад киритувчи манба ҳисобланади. Агар ҳудудларнинг ривожланиш даражаси паст бўлса, аксинча улар марказий давлат бюджети учун юк бўлиб қолади.

Шу сабабли ҳам мамлакат миқёсида инвестициялаш манбалари ва ҳажмларини муайян ҳудуд ва тармоқлар бўйича мувофиқлаштиришда, биринчидан, уларнинг инвестиция жозибадорлиги даражаси, иккинчидан эса, муайян ҳудуд ёки тармоқнинг иқтисодиётдаги стратегик ўрни муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур ушбу устувор вазифани ҳал этишда давлатнинг бевосита аралашуви объектив заруриятдир.

Инвестиция жозибадорлиги инвесторларни ўз маблағларини айнан шу соҳа, ҳудудга йўналтиришга қизиқтирадиган мезонлар тизимига боғлиқдир. Иқтисодий адабиётларда ҳудудлар инвестиция жозибадорлигига таъсир этадиган омиллар гуруҳлари турли хил эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, ҳудудлар инвестиция фаоллигига таъсир этувчи омилларни В.М.Аскинадзи ва В.Т.Максимовалар[39] объектив ва субъектив, А.Н.Асаула, Н.И. Пасядлар[40] тез ва секин ўзгарувчан, К.В.Балдин[41] эса ижобий ва салбий таъсир этувчи омилларга бўладилар.

М.Портер халқаро савдо ва хорижий инвестиция мамлакат иқтисодиётига факат ижобий таъсир этади, деган хулосани рад этади. Айрим мамлакатлар иқтисодиётига халқаро савдо ва хорижий инвестиция салбий таъсир этиши, яъни ишлаб чиқариш

---

[39] Аскинадзи В.М., Максимова В.Т. Инвестиционное дело. 2012.

[40] Инвестиционная привлекательность региона-Санкт-Петербург, 2008.-URL:http: //asaul.com/index. php/spisokpechatnihtrudov/118-monograph/301-20 investicionnaja-privlekatelnost-regiona.

[41] Балдина К.В. Инвестиции: системный анализ и управление. – М.: ИТК «Дашков и К», 2012.

самарадорлиги ўсишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин, деган фикрни билдиради.

Ҳудудлар инвестиция муҳити ва жозибадорлигини баҳолаш ҳамда аниқлаш бўйича ҳам турли услубиётлар мавжуд. Ҳар бир услубиёт ўз характерли хусусиятларига ва асосларига эга ҳисобланади (1.3.1-жадвал).

Россия Миллий рейтенг агентлиги ҳудудлар инвестиция жозибадорлиги рейтинги қуйидаги 7 та омилга боғлиқ деб ҳисоблайди[42]:

1. Ҳуднинг табиий ресурслари ва унинг атроф-географик хусусияти.
2. Меҳнат ресурслари.

**1.3.1-жадвал**

**Ҳудудлар инвестиция жозибадорлиги ва муҳитини баҳолаш рейтинглари ҳамда уларнинг характерли хусусиятлари**

| т/р | Услубиёт |
|---|---|
| 1. | Доу-Джонс индекси |
| 2. | БЕРИ индекси |
| 3. | Саноат фаоллиги индекси |
| 4. | Корхоналар раҳбарлари конъюнктураси сўровлари |
| 5. | Гарвард мактаби услубиёти |
| 6. | Тейна-Уотерса услубиёти |
| 7. | Котлера-Хейзлера услубиёти |
| 8. | "The Economist" журнали услубиёти |
| 9. | "Fortune" журнали услубиёти |
| 10. | Euromoney" журнали услубиёти |
| 11. | «Коммерсантъ» журнали услубиёти |
| 12. | «Юниверс» агентлиги услубиёти |
| 13. | "Datagraf" услубиёти |
| 14. | ИЭ РАН услубиёти |
| 15. | *Institute for Advanced Studies (IAS)* |
| 16. | «РА-Эксперт» |
| 17. | Россия Эксперт институти услубиёти |

[42] :http://www.ra-national.ru/ratings/regions/regions-raiting-investment/regions-invest-metodology-2014/.

Ҳududнинг инфратузилмаси.

3. Ҳududнинг ички бозори.
4. Ишлаб чиқариш салоҳияти.
5. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик.
6. Ҳудуд корхоналари ва бюджетининг молиявий ҳолати.

Мамлакатимизда ҳудудларнинг инвестиция фаолиятлари Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида ҳамда инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги:

- маҳаллий даражада мамлакатнинг тегишли ҳудудига инвестиция қилиш ҳажмларини кенгайтиришни рағбатлантиришга қаратилган инвестиция сиёсатини олиб бориш, шу жумладан инвестицияларни жалб қилиш, ҳудудда инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, тегишли ҳудуддаги корхоналарнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш;
- инвестиция қилишни талаб қиладиган истиқболли лойиҳаларни, шунингдек, бўш турган давлат мулки объектларини ҳамда ер участкаларини ҳудудларнинг эҳтиёжлари ва салоҳиятидан (ресурс, табиий-иқлим, меҳнат ва ҳ.к.) келиб чиққан ҳолда ўрганиш ва аниқлаш;
- инвесторларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ масалаларни, шунингдек, зарур ҳолларда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш воситасида истиқболли тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;
- тегишли ҳудуддаги инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича тезкор чоралар кўриш;
- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолиятини, шунингдек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишини таҳлил қилиш асосида тегишли

ҳудуднинг иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- тегишли ҳududнинг чет эл банклари, фондлар, агентликлар ва компаниялар билан инвестициявий ҳамкорлик йўналишларини ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- инвестицияларни тегишли ҳудудга жалб этиш бўйича асосий йўналишларни ва янада қулай шарт-шароитлар яратиш учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш соҳасидаги чора-тадбирларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида инвестиция кредити бериш йўли билан инвестицияларни рагбатлантириш ва инвестицияларни молиялаштириш назарда тутилган бўлсада, солиқ қонунчилигида ушбу меъёр ўз аксини топмаган. Шу сабабли ушбу молиявий ресурсдан фойдаланиб инвестициялар ҳажмини ошириш чекланган.

Ҳолбуки ушбу амалиёт самарадорлиги хорижий тажрибалардан маълум ҳисобланади. Инвестиция ресурсларнинг ўсиб бориши ҳудудларнинг ишлаб чиқариш имкониятини ошиши ҳамда аҳоли бандлиги масаласининг ижобий ечимига ўз ижобий таъсирини ўтказади.

Бу масала айниқса ўтиш даври иқтисодиёти мақомидаги Ўзбекистон Республикаси учун стратегик аҳамият касб этувчи долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, тадқиқотларимиз натижалари шундан далолат бермоқдаки, 2020 йил маълумотларига кўра инвестицияларнинг ҳудудий тузилмасида улар республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича тенг тақсимланмаган (1.3.2-жадвал).

**1.3.2-жадвал**

**2015–2020 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ҳудудлар кесими бўйича таҳлили %**

| Ҳудудлар | Йиллар | | | | | 2020[43] йил январь-декабрь | 2019 йилга 2015 йилнинг нисбати (фоизда) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | | |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **109,4** | **104,1** | **119,4** | **129,9** | **138,1** | **91,8** | 126,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 133,5 | 56,2 | 60,4 | 169,9 | 100,3 | 80,4 | 75,1 |
| Андижон вилояти | 105,1 | 102,4 | 114,3 | 113,7 | 129 | 100,5 | 122,7 |
| Бухоро вилояти | 98,7 | 120,8 | 154,7 | 60,6 | 95,9 | 96,7 | 97,2 |
| Жиззах вилояти | 96,9 | 102,7 | 108,2 | 158,1 | 194,9 | 152,5 | 201,1 |
| Қашқадарё вилояти | 112,4 | 108,9 | 129,7 | 112,4 | 131,2 | 74,1 | 116,7 |
| Навоий вилояти | 90,7 | 144,1 | 107,4 | 188 | 144,3 | 78,7 | 159,1 |
| Наманган вилояти | 108,5 | 108,2 | 110,2 | 178,1 | 131,1 | 87,9 | 120,8 |
| Самарканд вилояти | 115,8 | 103,4 | 105,7 | 131,4 | 134,5 | 117,9 | 116,1 |
| Сурхондарё вилояти | 110,3 | 107,6 | 148,4 | 164,2 | 144 | 76,3 | 130,6 |
| Сирдарё вилояти | 97,9 | 107,9 | 115,4 | 131 | 186 | 111 | 190,0 |
| Тошкент вилояти | 99,3 | 87 | 118,4 | 139,9 | 158,5 | 82,8 | 159,6 |
| Фарғона вилояти | 98,7 | 97,1 | 98,6 | 145,9 | 132 | 116,4 | 133,7 |
| Хоразм вилояти | 87,2 | 97,8 | 128,5 | 111,7 | 150,7 | 114,5 | 172,8 |
| Тошкент шаҳри | 102,3 | 119,5 | 121,4 | 138,2 | 145,8 | 96,5 | 142,5 |

2015–2020 йиллардаги республика ҳудудлари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таҳлиллари натижалар ҳудудлардаги ҳолат турли хил эканлиғи кузатилади. 2015–2017 йилларда Фаргона вилоятида 2018–2020 йилларда эса Бухоро вилоятларида ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденцияси кузатилади. 2020–йилда коронавирус пандемияси сабабли чекловлар ўрнатилишига қарамасдан Жиззах (152.5), Самарқанд (117.9), Сирдарё (111.0), Фарғона (116.4) ва Хоразм (114.5) вилоятларида ўсиш таъминланган. Лекин юқори инвестиция салоҳиятига эга ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси (80.4), Бухоро (96.7), Қашқадарё (74.1), Навоий (78.7), Наманган (87.9), Сурхондарё

[43] 2020 йил коронавирус пандемияси сабабли кўрсаткичлар ҳаққоний бўлмаслигини назарда тутиб, 2019 йилга таққосланди.

(76.3), Тошкент (82.8) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (96.5) да ўсиш суръати пасайган. Фикримизча, 2020 йилда инвестициялар даражаси ўсиш суръати пасайишининг биринчи сабаби пандемия шароитида иш фаолиятининг аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши ҳисобланади. Иккинчи сабаб эса, пандемия муносабати билан бюджет харажатларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари белгиланишидир.

Умуман олганда, республика миқёсидаги инвестицияларнинг ҳудудий тақсимотида жалб этилган инвестициялар улушининг кескин ўзгариши содир бўлмаган. У ёки бу йилда ҳудудларнинг республика даражасида йўналтирилган инвестициялардаги улушининг гоҳ пасайиб, гоҳ кўтарилиб туриши асосан муайян ҳудудда истиқболда стратегик аҳамият касб этувчи йирик инвестиция объектларининг жойлаштирилиши билан боғлиқдир.

Ҳудудлар кесимида хорижий инвестицияларни жалб этиш маъмурий ҳудудларнинг географик жойлашиши, коммуникация объектларининг ривожланганлик даражаси, иқтисодий-ишлаб чиқариш салоҳияти ва ижтимоий жиҳатларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунингдек, у ёки бу вилоятда хорижий инвестицияларни жалб этишга бўлган муносабат ёки мамлакат ичкарисидаги вилоятлар бўйича микро муҳитга баҳо бериш ҳам маълум даражада таъсир этади.

Инвестициялар жалб этиш, ҳудуднинг инвестиция жозибадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар аҳолининг бандлиги ва ҳудуднинг экспорт салоҳияти ўсишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда инвестиция муҳити ва жозибадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 2019–йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар даражаси 2015–йилга нисбатан қарийб, 30.0 фоизга ошган. Мамлакат аҳолисининг бандлик даражаси инвестиция миқдорлари ўсишига мос равишда ўсиб бориши кузатилмоқда. 2019–йил кўрсаткичлари бўйича аҳоли бандлиги даражаси меҳнат ресурсларининг 0.9 фоизга ўсишига қарамасдан 2 фоизга ошган.

Шунингдек, 1.3.2-жадвалда келтирилган таҳлилларимиз ҳудудлар инвестиция фаоллиги ўсиши нафақат аҳоли бандлиги даражасининг ошишига, балки ҳудуднинг экспорт салоҳиятига ҳам таъсир этишлигини кўрсатмоқда. Мамлакат бўйича 2019 йил натижаларига кўра ташқи савдо айланмаси таркибида экспорт миқдори 17458,7 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг улуши 2015–йилга нисбатан 35.6 фоизга ўсган.[44]

Яна шуни назарда тутиш лозимки, жойлардаги шу соҳага мутасадди ташкилот раҳбарларининг бозор муносабатлари кўникмаларини ўзлаштириш даражаси, ички ресурсларни инвестиция оқимига йўналтира олиш, маъмурий ҳудуддаги ишлаб чиқаришнинг характерли хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда *хорижий инвесторларни жалб этиш, салоҳиятли* тадбиркорларни қидириб топиш ва уларни хорижий инвестицияларни жалб этишдаги фаолиятларини рағбатлантириб бориш каби масалаларга бевосита боғлиқ.

Бундай баҳолашда инвестиция муҳитининг ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатлари катта роль ўйнамайди. Чунки, бундай муносабатлар республика даражасида муайян тартибда кўриб ва ҳал этиб борилади.

Фикримизча, ҳудудларнинг инвестиция фаолиятига баҳо беришда фақат улар ҳажми билан чегараланмасдан аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар миқдори, аҳолининг ишга жалб этилганлик даражаси, экспорт имкониятининг ўсиши, реинвестициялар ҳолати каби кўрсаткичларга ҳам баҳо бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки фақат инвестиция ҳажми миқдори ҳудуднинг инвестиция фаолиятини тўлиқ ифодалай олмайди. Шу сабабли ишда ҳудудлар инвестиция салоҳиятига баҳо беришда қўлланиладиган 2015–2020 йилда ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар миқдорлари таҳлил қилинди (1.3.1-чизма).

Ҳудудлар бўйича инвестициялар миқдорининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори ҳамда ҳудуднинг ялпи ички

---

[44] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (Stat.uz сайти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди..

маҳсулоти ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Ушбу боғлиқлик тадқиқотчилар ишларида ҳам ўрганилган.[45]




**1.3.1-чизма. 2015–2020 йилда ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар (минг сўмда)**

Шу сабабли ишда 2015–2020 йилларда мамлакат ва ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга тўғри келадиган инвестициялар ўзгаришлари таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижасида 2015–2020 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар миқдори ўсиши тенденциясига эга эканлигини кўриш мумкин. 2020 йилда коронавирус пандемиясига қарамасдан Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ушбу кўрсаткич миқдори республика бўйича ўртача миқдордан (3462.2 минг сўм) юқори бўлган. Тадқиқотлар давомида мазкур кўрсаткич инвестиция фаоллиги ҳолатини ифодаловчи

[45] Беляничев В.Г., Савдерова А.Ф. Оценка влияния инвестиций в основной капитал на объем валового регионального продукта. ***http://oecomia-et-jus.ru/single/2019/1***

кўрсаткичлари билан ҳам таққосланиб, ўзгаришлари ҳамда улар натижаларига баҳо берилди. (1.3.3-жадвал).

**1.3.3-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилда вилоятлар кесимида инвестиция фаолиятини характерловчи кўрсаткичлари**

| Ҳудудлар | Аҳоли жон бошига ЯҲМ (амалдаги асосий нархларда), минг сўм | Жамига нисбатан улушларда | | | | Аҳоли жон бошига асосий капитал қўйилмалари, минг сўм | Асосий капиталга инвестицияларнинг жисмоний ҳажми кўрсаткичи, ўтган йилга нисбатан, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Йил охиридаги аҳолининг умумий сонида меҳнатга лаёқатли аҳоли, % | Иш билан банд бўлганлар сони бўйича олий маълумотли шахслар, % | Ташкилотларнинг умумий сонидаги фойдали ташкилотлар, % | Экспортдаги ҳудудларнинг улуши, %да | | |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **16 949,1** | **58.2** | **28.5** | **94,9** | **100** | **5900,9** | **34,6** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 11 093,5 | 59.5 | 32.7 | 97,7 | 4.4 | 4273,7 | 34,1 |
| Андижон вилояти | 12 006,0 | 58.0 | 23.6 | 90,6 | 8.0 | | 39,1 |
| Бухоро вилояти | 15 892,4 | 59.5 | 26.7 | 95,6 | 4.1 | 2772,4 | 34,7 |
| Жиззах вилояти | 12 494,3 | 57.6 | 33.2 | 95,3 | 1.9 | 5812,1 | 31,6 |
| Қашқадарё вилояти | 10 466,5 | 58.1 | 31.6 | 97,2 | 1.8 | 9291,9 | 23,4 |
| Навоий вилояти | 48 747,0 | 59.1 | 26.3 | 96,1 | 4.5 | 6032,2 | 17,7 |
| Наманган вилояти | 9 380,5 | 58.6 | 24.5 | 97,5 | 3.8 | 15954,9 | 37,8 |
| Самарқанд вилояти | 10 831,7 | 57.1 | 31.3 | 94,3 | 4.2 | 4220,5 | 43,5 |
| Сурхондарё вилояти | 9 040,6 | 58.0 | 31.1 | 97,9 | 2.0 | 3431,7 | 21,2 |
| Сирдарё вилояти | 14 274,7 | 59.9 | 25.3 | 94,4 | 2.2 | 3737,3 | 30,2 |
| Тошкент вилояти | 21 113,1 | 57.9 | 21.0 | 87,0 | 18.3 | 8404,0 | 47,5 |
| Фарғона вилояти | 9 651,1 | 58.4 | 23.2 | 98,7 | 5.2 | 6399,9 | 29,0 |
| Хоразм вилояти | 11 076,9 | 59.7 | 28.6 | 94,9 | 2.1 | 2990,0 | 41,7 |
| Тошкент шаҳри | 33 747,8 | 56.2 | 35.4 | 96,1 | 31.3 | 3544,6 | 40,9 |

Ҳудудлар инвестицион фаоллигини фақатгина уларнинг умумий жалб қилинган инвестициялардаги улуши билан эмас, балки муайян ҳудудда хориж инвестицияси иштирокида ташкил

этилган ва фаолият юритаётган корхоналар сони, шунингдек, киритилган чет эл сармоясининг салмоғини ҳам ҳисобга олган ҳолда баҳолаш, бизнинг фикримизча, аниқроқ ҳолатни акс эттиради.

Демак, бизнинг фикримизча, ҳудудларнинг умумий жалб қилинган инвестиялардаги улуши ва хориж сармояси иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони кўрсаткичлари ўртасида пропорционал боғлиқлиқ мавжуд. Ушбу богliқлик даражасига инвестиция муҳити ва жозибадорлиги билан боғлиқ омиллар таъсир этади. Чунки, республикамиз инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар барча ҳудудлар учун бир хил амал қилсада, ҳудудларнинг инвестиция жозибадорлиги турлича. Шу сабабли инвестиция жозибадорлигига таъсир этувчи омиллар фикримизча, субъектив омил, яъни айнан шу ҳудуд раҳбарларининг бошқарувчанлик қобилиятига боғлиқ бўлади.

# II БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ, ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МОДЕЛЛАРИ

## 2.1. Инвестиция муҳити ва уни шакллантириш тамойиллари ҳамда унга таъсир этувчи омиллар таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция ресурсларини жойлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш учун инвестиция муҳити умумий мезон бўлади. Қулай инвестиция муҳити инвестициялардан самарали, манзилли ва мақсадли фойдаланиш имкониятини яратади. Қулай инвестиция муҳити мамлакатга капитал олиб келишни рағбатлантиради, инвесторлар фаоллигини оширади, акс ҳолатларда, қулай инвестиция муҳити шаклланмасдан инвестиция хавфи даражаси ортиб боради, капиталнинг ташқарига чиқиб кетиши кучаяди ва натижада инвестиция фаолияти сўна бошлайди.

Қулай инвестиция муҳити инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва пировардида иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини юксалтириш, ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этиш, инвестиция объектларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида муҳим устувор аҳамият касб этади. Инвестиция муҳити инвестиция фаолияти стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этилишига хизмат қилади.

Мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг самарадорлигига қараб инвестиция муҳитига баҳо бериш мумкин.

Қаердаки қулай инвестиция муҳити мавжуд бўлса ўша жойда инвестиция фаолиятини самарали ташкил этиш, инвестициялар оқимини тезлаштириш ва самарадорлигини ошириш имкониятлари шу даражада кенг бўлади.

Инвестициялар иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг истиқболли ривожланишини таъминловчи ҳал этувчи асосий манбадир.

Дунё цивилизацияси ҳозирги босқичида ривожланаётган давлатлар иқтисодий ривожланган мамлакатлар амалиёти ва

назариясини ўрганиш асосида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда. Шундай экан, бугунги кунда ҳар бир давлат ўз иқтисодиёти барқарор ривожланишини таъминлаши ва аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини ошириш учун хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўймоқда. Бу ўринда у ёки бу мамлакатдаги мавжуд инвестиция муҳити муҳим аҳамият касб этади.

Инвестиция муҳити тушунчаси XX асрнинг охирида оммавий истеъмол луғатимизга кириб келган атамалардан ҳисобланади. Лекин, бугун маҳаллий ва хорижий олимлар, давлат ва ҳукумат раҳбарлар томонидан инвестиция муҳитига ислоҳотларни амалга оширишдаги муҳим ижобий омил сифатида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда маҳаллий инвесторлар билан бирга хорижий инвесторлар учун инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича халқаро меъёрлар ва стандартларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда хорижий инвесторлар учун асосий ахборот манбалари ҳисобланадиган халқаро рейтингларда Ўзбекистон нуфузини ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланган[46].

Мамлакатимизда иқтисодий эркин фаолият юритиш тизимини таъминлашни такомиллаштиришга оид ислоҳотлар Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни ижобий ўзгаришларга таъсир этмоқда.

Амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистоннинг Мерос жамғармаси «Иқтисодий эркинлик», Жаҳон банкининг «Логистика самарадорлиги» ва «Бизнес юритиш» индексларидаги ўринларида ижобий ўзгаришлар бўлди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг «Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш» тизимида Ўзбекистон 6-гуруҳ мамлакатлар қаторидан 5-гуруҳ мамлакатлари қаторига кўтарилди.

---

[46] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида"ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Lex.uz.

БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) томонидан ҳар йили эълон қилинадиган "Рақобатбардош саноат унумдорлиги" индексининг 2020 йилги ҳисоботида Ўзбекистон кўрсаткичлари (0,017 балл) илк бор акс эттирилди. Ушбу индексда мамлакатимиз 152 та мамлакатлар ичида 92 ва МДҲ давлатлари бўйича 5-ўрин ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари орасида эса 2-ўринда эканлиги эътироф қилинди"[47].

Инвестициялар назарияси инвестиция муҳитига ҳал қилувчи таъсир ўтказадиган мамлакат инвестиция сиёсатининг самарадорлик, кўп вариантлилик, тизимлилик, мажмуавийлик, аниқ бир манзил ва мақсадга қаратилганлик, уддабуронлик (ўзгарувчанлик, тез ўзгара олиш) каби асосий тамойилларини инобатга олиш зарурлигини эътироф этади.

Мамлакатнинг замон талабларига мос иқтисодий ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида олиб борилаётган инвестиция сиёсати ва фаоллигининг суръатларига бевосита боғлиқ бўлади. Инвестиция фаоллиги эса мамлакат иқтисодиётининг бир текис ўсиб бориши ва тараққий этиш даражасини белгиловчи инвестиция муҳитига боғлиқ бўлади. Бинобарин, бизнинг фикримизча, иқтисодиёт тармоқлари ва хўжалик субъектларининг инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишда инвестиция муҳити ва инвестиция фаоллиги категориялари бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирига таъсир қилувчи, шунингдек, ўзаро уйғунликда баробар ривожланиш каби тамойилларга бўйсунган ҳолда муайян тармоқ ёки соҳага хос хусусиятлар таъсирида доимий равишда мавжуд бўладилар.

Жумладан, инвестиция муҳити мавҳум тушунча бўлиб, унинг муайянлигини инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитларнинг умумлаштирувчи хусусиятлари белгилаб беради. Инвестиция фаолиятига таъсир кўрсатувчи бу омилларнинг ўзаро боғлиқ мажмуаси у ёки бу мамлакат иқтисодиётидаги ҳал қилувчи

[47] https://stat.unido.org/

инвестиция муҳити ҳисобланади. Бу ҳаддан ташқари кўп ўлчовли, мураккаб ва ҳажмдор тушунчадир.

Шунинг билан бирга «инвестицион муҳит» «инвестицион иқлим» тушунчасининг синоними сифатида ҳам ишлатилади. Масалан, бу хусусда иқтисодчи олимлар Д.Ғ.Ғозибеков ва Т.М. Қоралиевларнинг «Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш» номли китобида шундай дейилган: «Инвестиция иқлими тушунчаси иқтисодиётда янги эмас, аммо, мустақил Ўзбекистон шароитига нисбатан ишлаб чиқилмаган. Инвестиция иқлими жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади».[48]

Инвестиция муҳити – ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-маданий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуининг у ёки бу хўжалик тизимига (мамлакат, вилоят, корхоналар иқтисодиётига) инвестиция киритишнинг мақсадга мувофиқ ва жозибадорлигини назарда тутувчи умумлаштирувчи категория сифатида илмий-амалий жиҳатдан иқтисодий тараққиётни белгилашда муҳим роль ўйнайди. Яъни, бизнинг таъбиримизга кўра бошқача қилиб айтганда, **инвестиция муҳити – муайян мамлакатга инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар мавжудлигининг ижобий ёки салбий томонларини англатади.**

Инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилувчи механизм ва дастаклар инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлай олиши лозим. Улар ўз навбатида энг аввало инвестицияларни молиялаштириш манбалари, усуллари ва муддатларини аниқлаш, шунингдек, инвестиция бозорининг самарали ишлаши учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий базани

---

[48] Д.Ғ.Ғозибеков, Т.М. Қоралиев. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. –Т., 1993. 46-бет.

яратиш ва уни иқтисодий ислоҳотларнинг ҳар босқичи талабларига мос такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Инвестиция муҳити ўзгаришига қараб инвестиция сиёсати самарадорлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Инвестиция муҳити инвестиция сиёсатининг истиқболли шакллантирилишига, инвестиция фаолияти стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишига хизмат қилади. Инвестиция сиёсати биринчи навбатда инвестиция муҳитининг субъектив ташкил этувчиларига таъсир этади. Инвестиция муҳитини яхшилаш том маънода инвестициялардан тўлиқ тарзда манзилли ва мақсадли фойдаланиш самарадорлиги ва салоҳиятини ошириш учун зарур ва мақбул шарт-шароитларни яратиш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва пировардида иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларини юксалтириш, ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этиш, инвестиция объектларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида устувор аҳамиятга эга. Бинобарин, инвестиция муҳитини яхшилаш кенг маънода хўжалик юритувчи барча субъектлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат дейиш ҳам мумкин.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш шарт-шароитларини тавсифлаш мақсадида россиялик иқтисодчи олимлар томонидан инвестиция муҳити ва таркибий қисмларини шакллантириш схемаси ишлаб чиқилган (2.1.1-чизма).




**2.1.1-чизма. Инвестиция муҳити ва унинг таркибий қисмлари**

Унинг асосий ташкил этувчилари сифатида *инвестиция жозибадорлиги* (ўз ичига инвестиция салоҳияти ва инвестиция риск даражасини қамраб олади) ва инвестиция фаоллиги тушунчалари кўрсатиб ўтилади.[49]




**2.1.2-чизма. Инвестиция муҳити ва унинг таркибий қисмлари[50]**

*Инвестиция жозибадорлиги* – мамлакат, тармоқ ёки алоҳида олинган бирор-бир корхонанинг жалб қилинадиган инвестиция-лардан фойдаланиши натижасида максимал даражада даромад олиш имкониятларининг мавжудлиги, ривожланиш ва экспорт салоҳиятини ошириш истиқболлари, инвестиция хавфи даражаси нуқтаи назаридан умумлаштирган ҳолда баҳолаш кўрсаткичидир. Шунингдек, инвестиция жозибадорлиги инвестиция салоҳияти ва инвестиция хавфи даражасини шакллантирадиган икки гуруҳ омилларнинг бир вақтда таъсир этиши орқали аниқланади. Инвестиция хавфи даражасини

[49] Гуськова Н.Д. Теория и практика инвестиционной деятельности в условиях транзитивной экономики: Федеральный и региональный аспекты. Специальность 08.00.05 Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Саранск 2000. С.99

[50] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

аниқлаш мумкин. Албатта, бу ерда хорижий инвестор у ёки бу мамлакатда ўз капиталининг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига биринчи навбатда, эътиборини қаратади. Шундан кейин, у ўз капиталидан фойда олишнинг қанчалик самарадорлиги ҳақида ўйлаб кўради.

Демак, инвестиция муҳити инвестор учун шундай бир шарт эканки, унда инвестор у ёки бу мамлакатга киритаётган капиталнинг риски ҳақида ўйлаб кўради. Бунинг учун эса у капитал рискига таъсир этувчи қуйидаги омилларни эътиборга олади:

– мамлакат ичкарисидаги сиёсий барқарорлик;

– минтақадаги яқин қўшничилик муносабатлари;

– ҳукуматнинг инвестицион муносабатларни ривожлантиришга қаратилган қонун-қоидаларининг мукаммаллик даражалари.

Инвестицион риск даражасининг юқорилиги инвестиция ва ундан келадиган даромадни йўқотиш эҳтимолини кўрсатади.

*Инвестиция салоҳияти* – макроиқтисодий хусусиятлар, ҳududнинг ишлаб чиқариш ресурслари билан тўйинганлиги, барча инфратузилма субъектлари билан таъминланганлиги, кўрсатиладиган барча турдаги хизматларнинг сифати ва нархларининг мақбуллиги, ахборот-технология тизимининг ривожланганлик даражаси, мавжуд шарт-шароитлар ва омиллардан фойдаланиш имкониятларининг яратилганлиги, аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари, тўлов қобилиятлари ва бошқа йўналишлар билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилганлик даражасини ифодаловчи категория ва кўрсаткич сифатида инвестиция фаолияти ва инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Бу чора-тадбирлар ва шарт-шароитларнинг етарли даражада амалга оширилмаганлиги инвестиция хавф даражасининг юқорилигини англатган ҳолда, инвестиция ва ундан келадиган даромадни йўқотиш эҳтимолининг катталигини кўрсатади. Бундай ҳолат табиий равишда мамлакат, ҳудудлар ва хўжалик юритиш субъектларининг инвестиция жозибадорлигига салбий таъсир

кўрсатади. Бинобарин, охир-оқибат инвестиция фаолияти ва фаоллик самарадорлигини ошириш муаммоларни ҳал этиш капитал жалб этиладиган объектнинг инвестиция жозибадорлигини юксалтиришни тақозо этади. Ўз навбатида инвестиция фаоллиги асосий капиталга қўйилган инвестициялардан фойдаланиш даражасини баҳоловчи мезон сифатида инвестиция фаолиятининг реал (ҳақиқий) ривожланиш ҳолатини акс эттиради.

*Инвестиция фаоллиги* – асосий капиталга қўйилган инвестиция кўринишидаги инвестиция фаолиятининг реал (ҳақиқий) ривожланишидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун қулай инвестиция шарт-шароитларини яратиш бўйича чора-тадбирлар қуйидагилар ҳисобланади:

– инвестиция фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш;

– устувор ишлаб чиқариш соҳаларидаги хусусий секторга инвестиция лойиҳаларини бериш ва уларни ўзлаштиришда давлат кўмагининг аҳамиятини ошириш;

– инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш орқали инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор йўналишларига йўналтириш;

– инвестицион сиёсатга зарур ўзгаришларни тезкор равишда киритиш мақсадида, инвестицион жараёнларнинг доимий мониторингини олиб бориш.

Аксарият иқтисодчилар «инвестицион муҳит» тушунчасини бир хил талқин қиладилар, аммо унинг муайян тузилишига келганда, уни баҳолаш услублари ҳақида фикр юритганда уларнинг фикрлари турличадир.

Мамлакатнинг замон талабларига мос иқтисодий ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида олиб борилаётган инвестицион фаолликнинг суръатларига бевосита боғлиқ бўлади. Инвестицион фаоллик мамлакат иқтисодиётининг бир текис ўсиб бориши ва тараққий этиш даражасини кўрсатиб туради.

Лекин олимлар мамлакатдаги инвестиция муҳитини белгиловчи элемент ҳисобланадиган инвестиция сиёсатини унинг таркибга киритилмаслик сабабини изоҳламайди. Чунки инвестиция сиёсати инвестиция хавфи ва фаоллиги даражасини таъминловчи муҳим элемент ҳисобланади.

Аксарият иқтисодчилар «инвестиция муҳити» тушунчасини бир хил талқин қиладилар, аммо унинг муайян тузилишига келганда, уни баҳолаш услублари ҳақида фикр юритганда улар фикрлари турличадир.

Инвестицион муҳитнинг ижобий ёки салбий эканлигини баҳолашда бир қанча омилларга ва усулларга асосланилади.

Инвестицион муҳитнинг ижобий ёки салбий эканлигини баҳолашда бир қанча омиллар ва усулларга асосланган ҳолда уларни *объектив ва субъектив гуруҳларга* ажратиш мумкин. Жумладан, инвестицион муҳитга таъсир этадиган *объектив омилларга*:

– мамлакатнинг географик жойлашуви;
– энергетика ресурсларининг мавжудлиги;
– коммуникация тизимининг ривожланганлик даражаси;
– табиий-иқлим шароитлари;
– минтақадаги демографик аҳвол ва бошқалар киради.

*Субъектив омиллар* эса давлат ва бошқа бошқарув субъектларининг бошқариш фаолияти билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий қарорларидан иборатдир.

Инвестицион муҳитни яхшилашга хизмат қилувчи механизм ва дастаклар инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлай олиши лозим. Улар ўз навбатида энг аввало инвестицияларни молиялаштириш манбалари, усуллари ва муддатларини аниқлаш, шунингдек, инвестицион салоҳиятнинг самарали ишлаши учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий базани яратиш ва уни иқтисодий ислоҳотлар талабларига мос такомиллашиб боришни тақозо қилади.

Тадқиқотларимиз натижаларига асосан мамлакатдаги инвестиция муҳити муттасил яхшиланиб бориши мавжуд шарт-шароитлар эвазига ўзгариб боради деган хулосага келинди (2.1.3-чизма).




**2.1.3-чизма. Инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларнинг таркибий туркумлари ва улар татбиқ этиладиган асосий йўналишлар**

Юқоридаги умумий характерда келтирилган омиллар ўз навбатида қулай инвестиция муҳити яратиш нуқтаи назардан қуйидаги сиёсий, ижтимоий-маданий, ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий омиллар доирасида эътиборга олиниши лозим (2.1.3-чизма).

1. Сиёсий омиллар: аҳолининг маҳаллий ҳокимият фаолиятига бўлган ишонч даражаси, ижтимоий барқарорлик даражаси, миллий-диний муносабатлар ҳолати.

2. Ижтимоий ва маданий омиллар: аҳолининг турмуш даражаси, маориф ва маданият соҳалари, шунингдек, тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланганлиги, жиноятчилик даражаси, реал иш ҳақи ҳажми, аҳолининг ўз ва чет эл тадбиркорларига муносабати, чет эл мутахассислари учун ишлаш шароитлари.

3. Ташкилий-ҳуқуқий омиллар: маҳаллий ҳокимият органларининг чет эл инвесторларига муносабати, қарорлар қабул қилишдаги тезкорлик даражаси, ахборот эркинлиги, қонунни ҳимоя қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги, маҳсулотлар, капитал ва ишчи кучлари бозорларининг жойлашиши ва ҳаракатланиши учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги ва, шунингдек, тадбиркорларнинг этик ва иш юритиш жиҳатлари.

4. Молиявий омиллар: бюджет даромадлари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган бюджетдан ташқари фонд маблағлари миқдори, чет эл валютасида кредит олиш имконияти, банк фоизи даражаси, банклараро ҳамкорликнинг ривожланганлиги, узоқ муддатли кредитларнинг солиштирма қиймати, аҳоли жон бошига тўғри келадиган омонатларнинг миқдори, зарарга ишлайдиган корхоналар улуши.




**2.1.4- чизма. Инвестицион муҳитга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар ва шарт-шароитлар таснифи**






**2.1.5 - расм. Инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар ва шарт-шароитларнинг таркибий йўналишлари**




**2.1.6-чизма. Иқтисодиётнинг инвестиция потенциали ташкил этувчилари**




**2.1.7-чизма. Инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар**

Шу нуқтаи назаридан мамлакат, шунингдек, унинг ҳудудлари, иқтисодиёт тармоқлари ва хўжалик юритиш субъектлари даражасида инвестицион муҳитга таъсир қилувчи ўзига хос бўлган омилларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим.

Бизнинг тавсиямизга кўра, инвестицион муҳитга таъсир қилувчи салбий омилларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ (2.1.7-чизма):

1. Инвесторлар учун яратилган имтиёз ва афзалликлардан фойдаланишдаги тўсиқлар.

2. Солиқ, божхона, банк соҳаларида, шунингдек, инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ муаммо ва тўсиқлар.

3. Тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан асоссиз текширувларнинг кўплиги.

4. Мавжуд инфратузилмалар субъектлари хизматларидан фойдаланишдаги муаммолар (электр энергия, газ, сув, иссиқлик манбаи ва б.).

5. Ҳудуддаги инвесторларга яратилган шарт-шароитлар ва уларга бўлган муносабатларнинг етуклик даражаси.

6. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан у ёки бу масалаларни ҳал этишга оид қарорларнинг тезкорлик билан қабул қилинмаслиги, бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги.

Инвестицион муҳитнинг ижобий ёки салбий эканлигини баҳолашда бир қанча омиллар ва усулларга асосланган ҳолда уларни объектив ва субъектив гуруҳларга ажратиш мумкин. Жумладан, инвестицион муҳитга таъсир этадиган объектив омилларга: мамлакатнинг географик жойлашуви, энергетика ресурсларининг мавжудлиги, коммуникация тизимининг ривожланганлик даражаси, табиий-иқлим шароитлари, минтақадаги демографик аҳвол ва бошқалар киради. Субъектив омиллар эса тўғридан-тўғри давлат ҳокимият органларининг олиб бораётган бошқариш фаолияти билан боғлиқ.

Булар ўз навбатида муайян бир инвестицион лойиҳа доирасида режалаштирилган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Аксарият иқтисодчилар «инвестиция муҳити» тушунчасини бир хил талқин қилсаларда, аммо унинг муайян туркумий таркибига келганда ва уни баҳолаш услублари ҳақида фикр юритганда, уларнинг таъриф ва ёндашишлари бир-бирларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Инвестиция муҳитига баҳо беришда иқтисодий шароитлар, давлатнинг инвестиция сиёсати, инвестиция фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси ҳисобга олинади. Инвестицион муҳит турли хил омиллар, статистик, фактологик ва ахборот материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида аниқланади.

Инвестиция муҳитига баҳо беришда учта асосий ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин.[51]

*Биринчи ёндашув* – тор маъно ва таркибга асосланган бўлиб, у ялпи ички маҳсулот, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва миллий даромад динамикаларини; миллий даромадни тақсимлаш динамикасини, жамғарма ва истеъмол нисбатини; инвестицион фаолиятни қонуний тартибга солиш ҳолатини; алоҳида олинган инвестицион бозорлар, шунингдек, фонд ва пул бозори ривожини баҳолаш орқали ифодаланади.

*Иккинчи ёндашув* – кенгайтирилган, кўп омиллик бўлиб, у инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи қуйидаги ижобий омилларни эътиборга олиш ва баҳолашга асосланган (2.1.8-чизма).

1. Ҳудуднинг меҳнат ва энергетика ресурслари билан таъминланганлик даражаси, биоиқлимий ва илмий-техникавий салоҳияти ҳамда инфраструктура мажмуа ва субъектларининг ривожланганлиги.

2. Хўжалик юритишнинг умумий шарт-шароитлари – экологик хавфсизлик, моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланганлиги ва тугалланмаган қурилишлар ҳажми.

3. Бозор инфраструктурасининг ривожланганлиги, хусусийлаштириш жараёни ва инфляция даражаларининг инвестиция фаоллигига таъсири, аҳолининг инвестиция жараёнларига жалб

---

[51] Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование:. –М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2001. С.116-118

қилинганлик даражаси, тадбиркорлик, рақобат муҳитининг қулайлиги, маҳаллий бозор ҳажми, хўжаликлараро алоқаларнинг жадаллиги, экспорт имкониятлари, чет эл капитали мавжудлиги.




**2.1.8-чизма. Инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар орқали баҳолаш**

Юқоридаги умумий характерда келтирилган омиллар ўз навбатида қулай инвестиция муҳити яратиш нуқтаи назардан қуйидаги сиёсий, ижтимоий-маданий, ташкилий-ҳуқуқий ва

молиявий омиллар доирасида эътиборга олиниши лозим (2.1.9-чизма):

1. Сиёсий омиллар: аҳолининг маҳаллий ҳокимият фаолиятига бўлган ишонч даражаси, ижтимоий барқарорлик даражаси, миллий-диний муносабатлар ҳолати.

2. Ижтимоий ва маданий омиллар: аҳолининг турмуш даражаси, маориф ва маданият соҳалари, шунингдек, тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланганлиги, жиноятчилик даражаси, реал иш ҳақи ҳажми, аҳолининг ўз ва чет эл тадбиркорларига муносабати, чет эл мутахассислари учун ишлаш шароитлари.

3. Ташкилий-ҳуқуқий омиллар: маҳаллий ҳокимият органларининг чет эл инвесторларига муносабати, қарорлар қабул қилишдаги тезкорлик даражаси, ахборот эркинлиги, қонунни ҳимоя қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги, маҳсулотлар, капитал ва ишчи кучлари бозорларининг жойлашиши ва ҳаракатланиши учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги ва, шунингдек, тадбиркорларнинг этик ва иш юритиш жиҳатлари.

4. Молиявий омиллар: бюджет даромадлари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган бюджетдан ташқари фонд маблағлари миқдори, чет эл валютасида кредит олиш имконияти, банк фоизи даражаси, банклараро ҳамкорликнинг ривожланганлиги, узоқ муддатли кредитларнинг солиштирма қиймати, аҳоли жон бошига тўғри келадиган омонатларнинг миқдори, зарарга ишлайдиган корхоналар улуши.




**2.1.9-чизма. Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларнинг таркибий туркумлари ва улар татбиқ этиладиган асосий йўналишлар**

Россия иқтисодчилари инвестиция муҳити ва унинг шаклланиш омилларининг кенгайтирилган тузилишини таклиф этишади ва у қуйидагиларни эътиборга олади (2.1.10-чизма):

– инвестиция муҳитини иқтисодиётнинг ривожланиш даражалари бўйича дифференциациялаш;

– инвестиция муҳитини объектив омилларнинг тўлиқ таъсири остида шакллантириш;

– миллий иқтисодиёт инвестиция муҳитини минтақалар ва тармоқлар инвестиция муҳитларининг оддий йиғиндиси билан алиштириб бўлмаслиги;

– инвестиция муҳитини институционал тизимга киритиш;

– рискларнинг пайдо бўлишига маълум бир шарт-шароитларнинг зидлигини ҳисобга олиш (уларнинг номувофиқлиги, қарама-қаршилиги ва бошқалар).




**2.1.10-чизма. Инвестицион муҳит ва унинг шаклланиш омиллари**

Хўжалик тизимининг инвестиция муҳити динамизм характерига эга бўлиб, у доим яхши ёки ёмон томонга ўзгариб туради. Шу сабабдан уни мониторинг қилиш (доимий кузатишни ташкил қилиш) муҳимдир. Жаҳон амалиётида бундай мониторингнинг уч хил варианти энг кўп тарқалган.[52]

[52] Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш

• Биринчи вариантга асосан минтақалар ва тармоқларни ажратмаган ҳолда бутун мамлакат инвестиция муҳити кузатиб борилади. Бу вариантдаги кузатув кўп ҳолларда чет эл консалтинг агентликлари томонидан амалга оширилади.

• Иккинчи вариантда минтақалар ва бутун мамлакатнинг инвестиция муҳити кузатилади.

• Учинчи вариант бўйича эса тармоқлар, ҳудудлар, йириклаштирилган минтақалараро иқтисодий зоналарнинг инвестиция муҳити кузатилади.

Бизнингча, Ўзбекистон учун учинчи вариант энг самаралидир, чунки у қуйидаги имкониятларни беради: минтақалараро иқтисодий тузилмаларнинг инвестиция шарт-шароитлари ўртасидаги ўхшашлик ҳамда турли зоналар фарқи ва ўзига хослигини аниқлаш; мамлакат инвестиция сиёсатида у ёки бу минтақанинг ўсиб бораётган аҳамиятини эътиборга олиш; субъективизмни камайтириш, ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш жараёнини соддалаштириш, турли иқтисодий даражалардаги инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича муайян тавсиялар бериш.

Ўзбекистондаги инвестиция муҳитини аниқлайдиган омиллар таҳлили шуни кўрсатадики, уни тез ва асосли равишда яратишга бўлган эҳтиёжнинг кучли бўлишига қарамасдан, аксарият муҳим шарт-шароитлар фақат узоқ вакт давомидагина яратилиши мумкин. Бунда ўйланган сиёсатнинг асосий мақсади шундан иборатки, вазиятни зарурий шарт-шароитлар ва моддий-молиявий базани яратишни назарда тутган ҳолда босқичма-босқич, бироқ до-имий (узлуксиз) равишда яхшилаб боришдир. Шундай қилиб, Ўзбекистонда қулай инвестицион муҳит яратиш тадбирларини узлуксиз равишда амалиётга татбиқ этишга асосланган инвестиция сиёсати юритиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим вазифаси бўлиб, бу ўз навбатида инвестиция фаолияти фаоллигини ошириш ва хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилишга ҳам хизмат қилади.

Дарҳақиқат, хорижий инвесторнинг пировард қизиқиш ва манфатлари қўйилган капиталнинг қопланиш муддати, инвести-

масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 2003. 60-бет.

цияларнинг капиталлашув жараёнлари, томонлар улушлари ва фойданинг бўлиниши, шунингдек, мамлакатдаги бозор иқтисодиёти муносабатларининг кечиши ва бунга халқаро ташкилотларнинг муносабатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабдан ҳам инвестиция муносабатларининг жаҳон иқтисодий ҳамжамияти талаб ва тамойиллари асосида ривожланиши кўп жиҳатдан мамлакат ҳукумати ва бошқа тегишли бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва қонун-қоидаларни оқилона татбиқ этишни тақозо қилади. Зеро, инвестиция фаолиятини самарали олиб бориш мақсадида ҳукумат томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар тизими инвестицион сиёсатнинг ўзагини ташкил этади. Демак, инвестиция муҳитининг кейинги ривожланиши кўпроқ инвестиция сиёсатига тааллуқли бўлиб, давлат мамлакат ичкарисида инвестиция фаолиятини ҳукумат тадбирлари орқали мувофиқлаштириб боради.

Кўп омилли ёндашувнинг ўзиға хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: инвестицион муҳит ва инвестицион хавф даражаси категорияларининг ўзаро боғлиқлиги, инвестицион муҳитнинг асосий капитал ва иқтисодиётнинг реал секторига бўлган инвестициялар билан боғлиқлиги, инвестиция муҳитининг объектив хусусиятларига диққат-эътибор, инвестиция муҳитининг алоҳида олинган инвесторлар хоҳиш-иродасига боғлиқ эмаслиги, ушбу ёндашувнинг кўп сатҳли хусусиятга эгалиги.

Риск (хатар) билан боглиқ *учинчи ёндашув* тарафдорлари одатда инвестицион муҳитни ташкил этувчилар сифатида иккита асосий мезонни кўрсатадилар: биринчиси, инвестицион салоҳият ва инвестицион риск даражаларининг ҳолати бўлса, иккинчиси, инвестицион риск ва ижтимоий-иқтисодий салоҳият даражаларининг ўзаро боғлиқлигидир.

Жумладан, *инвестицион салоҳият* макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида баҳоланиб, у ўз ичига қуйидагиларни олади:

– ҳудудда ишлаб чиқариш омиллари ва истеъмол талабининг мавжудлиги;

– хўжалик фаолияти натижалари;

– илм-фаннинг ривожланиши, унинг инновацион маҳсулот ва ишланмаларини инвестицион фаолиятга жорий қилиш имкониятлари;

– етакчи инвестицион институтларнинг ривожланганлиги;

– турли йўналишдаги инфраструктура мажмуаси ва субъектлари билан таъминланганлиги.

*Инвестицион риск* даражаси эса инвестициялар ва улардан келадиган даромадни йўқотиш эҳтимоли нуқтаи назаридан баҳоланади. Бу жараёнда тегишли кўрсаткичларнинг катта гуруҳи асосида, шунингдек, инвестицион салоҳиятнинг ҳар бир ташкилий қисми ва ҳар бир ҳолат бўйича турли йўналишларга мос кўрсаткичлар тизими ва моделлар асосида баҳоланади.

Учинчи ёндашувда бундан ташқари юқоридаги кўрсаткичлар билан бир қаторда инсон омили, иқтисодий ривожланишнинг моддий-техника базаси, ижтимоий-сиёсий вазият ва сиёсий риск даражаси омили, иқтисодиётнинг ҳолати ва уни бошқариш даражалари кабилар ҳисобга олинади. Бунда ушбу таркибда иккита кўрсаткичлар гуруҳини ажратиш мумкин: вақт омилини ҳи-собга олмайдиган кўрсаткичлар ва дисконтлашга асосланган, яъни вақт омилини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш классификацияси нуқтаи назардан тавсия этилаётган ушбу ёндашув бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фойдаланадиган кўрсаткичлар тизимини ўрганишга асосланган.

## 2.2. Инвестиция жозибадорлигини баҳолаш бўйича миллий ва хорижий қарашлар таҳлили

Мамлакатнинг инвестиция жозибадорлигини баҳолаш бўйича аниқ услубият, бирон-бир халқаро қонун билан белгиланмаган, шу боис охирги вақтларда инвестицион жозибадорликка оид кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича турли услубиятлар қўлланмоқда. Айрим иқтисодчилар фикрича, инвестиция жозибадорлиги сармояни қўйишдан тушган тушумнинг даражаси орқали аниқланади. Ушбу ёндашув қўллашнинг жуда тор

соҳасини қамраб олади, чунки аниқ ва тўгри натижаларни олиш учун инвестициялар риск (хатар) даражаси бир хил бўлган тақдирда амалга оширилиши лозим, бу эса амалда деярли мумкин эмас.[53]

Масалан, «Euromoney» журнали инвестиция объектининг инвестицион жозибадорлик рейтингини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар гуруҳидан фойдаланади;

- иқтисодиёт самарадорлиги;
- сиёсий хатар даражаси (хавфсизлик ёки хавфлилик);
- қарздорлик ҳолати;
- қарзни узишга қодирлик;
- тўлов қобилияти;
- банк кредитига ижозат мавжудлиги;
- узоқ муддатли ссуда капиталига ижозат мавжудлиги;
- форс-мажор вазиятларининг пайдо бўлиш эҳтимоли.[54]

Бу каби кўрсаткичларга баҳо бериш орқали инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлилиги, инвестиция объектининг инвестицион жозибадорлиги ва хавф даражасини аниқлаш мумкин. Булар ўз навбатида муайян бир инвестицион лойиҳа доирасида режалаштирилган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Инвестициялар самарадорлиги даражаси кўп жиҳатдан яратилган инвестицион муҳит доирасида у ёки бу лойиҳани амалга оширишга йўналтирилган капитал маблағларнинг даромадлигига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция ресурсларини жойлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш учун инвестицион муҳит умумий мезон бўлади. Зотан, қулай инвестицион муҳит мамлакатга капитал олиб келишни рағбатлантиради, инвесторлар фаоллигининг юксалишига хизмат қилади, аксинча ҳолатларда эса, яъни қулай инвестицион муҳит шаклланмасдан инвестицион хавф даражаси юқори бўлса, капиталнинг ташқарига чиқиб кетиши кучаяди ва натижада инвестицион фаолият сўна бошлайди.

---

[53] Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. / Ш.И.Мустафакулов. – Тошкент: Baktria press, 2017. – 320 б.

[54] Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской Федерации /В.В. Аладьин. –Москва: Социум, 2002. -222. С. 131-132

Қуйидаги 2.2.1-чизмада инвестициялар самарадорлигини илмий-услубий асосланган тарзда баҳолаш тизими келтирилган бўлиб, улар ишлаб чиқиладиган у ёки бу инвестицион лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги ёхуд самарали эмаслигини аниқлашга ёрдам беради.




**2.2.1-чизма. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг методологик асослари ва тамойиллари**

Ҳудудий инвестиция муҳитини яхшилашда устувор ишлаб чиқаришга асосланган корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари қандай бўлишидан қатъий назар, уларнинг инвестиция фаолиятларини қуйидаги йўналишлардаги кўрсаткичлар бўйича баҳолаш ва қўллаб-қувватлаш лозим (2.2.2-чизма).

2.2.2-чизмада инвестициялар самарадорлигини илмий-услубий асосланган тарзда баҳолаш тизими келтирилган бўлиб, улар ишлаб чиқиладиган у ёки бу инвестиция лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги ёхуд самарали эмаслигини аниқлашга ёрдам беради.

**Ҳудудий инвестицион фаолликни тавсифловчи кўрсаткичлар**

**Иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари**

1. Аҳоли жон бошига ЯИМнинг улуши.
2. Асосий фондларнинг жон бошига улуши.
3. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси.
4. Капитал қўйилмаларнинг жон бошига ҳажми ва динамикаси.
5. Энг кам ойлик иш ҳақи.

**Молиявий таъминланганлик кўрсаткичлари**

1. Иқтисодиётда бир ишчининг даромади;
2. *Молиявий алоқадорлик* коэффициенти.
3. Бюджет билаи алоқадорлик коэффициенти.
4. Инвестицион фаоллик коэффициенти.
5. Иқтисодий ривожланишнинг барқарорлик коэффициенти.
6. Молиявий таъминланганлик коэффициенти.
7. Бюджетнинг таъминланганлик коэффициенти.

**Ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари**

1. Аҳоли жон бошига пул даромадларининг улуши.
2. Аҳолининг табиий ўсиши (камайиши).
3. Аҳолининг ихтисослашув даражаси.
4. Болаларнинг доимий мактабгача таълим муассасалари билан таъминланганлиги.
5. ОТМ даги талабаларнинг ҳар 10 000 минг кишига тўғри келиши.
6. Уй-жой фондининг жон бошига тўғри келиши, м$^2$.

**Инвестицион комплекснинг ривожланиш кўрсаткичлари**

1. Пудратчи қурилиш бригадаларнинг сони.
2. Қурилиш материалларининг ишлаб чиқарилиши.
3. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга доир объектларга киритилган инвестицияларнинг салмоғи.
4. Такрор ишлаб чиқаришда капитал қўйилмаларнинг таркиби.
5. Капитал қўйилмаларнинг технологик таркиби.
6. Молиявий манбалар бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби

**Бозор инфратузилмасини ривожланиш кўрсаткичлари**

1. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг умумий корхоналардаги салмоғи.
2. Қўшма корхоналар сони.
3. Кичик корхоналар сони.
4. Қаттиқ қопламали қурилган йўллар.
5. Газ тармоқларининг қурилиши.
6. Телефон тармоқларининг ишга туширилиши.

**Хатарни тавсифловчи кўрсаткичлар**

1. Рўйхатга олинган жиноятлар сони.
2. Минтақада умумий корхоналар таркибида чиқинди билан ишлайдиган корхоналарнинг салмоғи.
3. Ўртача нурланиш (радиация) даражаси.

**2.2.2-чизма. Ҳудудларнинг инвестиция фаоллигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими**

2.2.3-чизма маълумотларини таҳлил қилганимизда Ўзбекистонда 2015–2020 йилларда рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг сони 273.6 мингтадан 511.4 мингтага, яъни 237.8 мингтага ошган. Шундан, Қорақалпоғистон Республикасида 9.4 мингтага, Андижон вилоятида 14.6 мингтага, Бухоро вилоятида 14.9 мингтага, Жиззах вилоятида 11.4 мингтага, Қашқадарё вилоятида 11.0 мингтага, Навоий вилоятида 12.9 мингтага, Наманган вилоятида 13.4 мингтага, Самарқанд вилоятида 21.8 мингтага, Сурхондарё вилоятида 12.2 мингтага, Сирдарё вилоятида 7.6 мингтага, Тошкент вилоятида 25.7 мингтага, Фарғона вилоятида 21.0 мингтага, Хоразм вилоятида 10.4 мингтага, Тошкент шаҳрида 51.5 мингтага кўпайган.






**2.2.3-чизма. Ҳудудлар бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг сони тўғрисида**

**Маълумот** *(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз),* **мингта**

2.2.4-чизма маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2015–2020 йилларда хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 4 429 тадан 12 457 тагаяъни 8 028 тага ошган. Шундан, Қорақалпоғистон Республикасида 123 тага, Андижон вилоятида 294 тага, Бухоро вилоятида 240 тага, Жиззах вилоятида 149 тага, Қашқадарёда 180 тага, Навоий вилоятида 190 тага, Наманган вилоятида 190 тага, Самарқанд вилоятида 381 тага, Сурхондарё вилоятида 397 тага, Сирдарё вилоятида 193 тага, Тошкент вилоятида 962 тага, Фарғона вилоятида 347 тага, Хоразм вилоятида 162 тага, Тошкент шаҳрида 4274 тага ошган.






**2.2.4-чизма. Ҳудудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони тўғрисида маълумот**

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзгаришини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин. 2.2.5-чизма маълумотлари асосида Ўзбекистонда 2015-2020 йилларда ошган 7490 та фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг 577 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига, 1949 таси саноатга, 744 таси қурилишга, 2274 таси савдога, 180 таси ташиш ва сақлаш соҳасига, 343 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар фаолиятига, 240 тага ахборот ва алоқа соҳасига, 116 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларга, 1067 таси бошқа соҳаларга тўғри келган.




**2.2.5-чизма. Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони тўғрисида маълумот**

Инвестиция муҳитини яхшилашга мўлжалланган инвестиция сиёсати йўналишлари ичида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш лозим: мамлакат ва чет эл инвесторлари учун қулай механизмлар яратиш; капитал маблағлар қайтимлилигини таъминлаш ва даромаддорлигини ошириш; инвестиция фаолияти билан шуғулланишдаги хатар (риск) даражасини минималлаштириш.

Инвестиция сиёсати охир-оқибатда мамалакатни барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даржасини оширишга қаратилган бўлиши керак.

Демак, хорижий инвестор у ёки бу мамлакат иқтисодиётига инвестиция воситалари киритишдан аввал биринчи навбатда ўз капиталининг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига асосий эътибор қаратади. Шундан кейин у сарфлаган ўз капиталидан қанча фойда олиш эҳтимоли (мумкинлиги)ни аниқлаш мақсадида тегишлиҳисоб-китоб ишларини амалга оширади. Бундан ташқари у сарфлаётган инвестицияларидан фойдаланиш жараёнида капитал рискига таъсир этувчи қуйидаги омилларни эътиборга олади:

– мамлакат ичкарисидаги сиёсий барқарорлик;

– минтақадаги яқин қўшничилик муносабатлари;

– ҳукуматнинг инвестицион муносабатларни ривожлантириш ва кафолатлашга қаратилган қонун-қоидалари ва рағбатлантириш механизмларининг мукаммаллик даражалари.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар юқорида қайд этилганидек, аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади. 2016–2020 йиллар экспорт-импорт операциялари таркиби ва улар ўзгаришлари динамикаси таркиби ушбу йуналишдаги ишлар сифат жиҳатдан тубдан ўзгарганлигини кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларининг дастлабки даврларида экспорт таркиби асосан хомашё маҳсулотлардан иборат эди, масалан, 2016 йилда 637.2 млн АҚШ доллари миқдоридаги пахта толаси экспорт қилинган. Амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида 2020 йилга келиб унинг миқдори 3.8 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Ўтган давр мобайнида инвестицияларни иқтисодиёт соҳаларига мақсадли йуналтиришни ташкил этиш сиёсати натижасида мамлакатимиздан экспорт қилинадиган маҳсулот таркиби бир мунча кенгайган (2.2.6-чизма).




**2.2.6-чизма. 2016–2020 йилларда экспорт қилинган маҳсулотлар таркибий тузилиши**

Таҳлиллар натижалари муқаддам экспорт қилинмаган маҳсулотлар ва хизматлар ҳозирда хорижий давлатларга экспорт қилинаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, мева-сабзавотлар экспортини қайта тикланиши эвазига 2020 йилда 40.8 млн. АҚШ доллари миқдоридаги (жами экспортнинг 5.9 фоизи) ва 89.5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги (жами экспортнинг 7 фоизи) сайёҳлик хизматлари экспорт қилинган. Шунингдек, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб



чиқариш соҳаларига киритилган инвестициялар самараси уларoқ озиқ-овқат, кимё, энергия ва нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металлар ҳамда машина ускуналар импорти миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда (2.2.7-чизма).




**2.2.7-чизма. 2016–2020 йилларда импорт маҳсулотлар таркибидаги ўзгаришлар**

Ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнларида инвестицияларнинг таркибий манбаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда одатда иккита усул, яъни умумий ёки мутлоқ ва солиштирма самарадорлик кўрсаткичлар тизими ва уларга асосланган тегишли моделлар кенг қўлланилади (2.2.8-чизма).




**2.2.8-чизма. Инвестицияларни молиявий-иқтисодий баҳолаш моделлари ва умумлаштирилган кўрсаткичлар тизими**

Инвестиция манбаларининг ишлаб чиқариш натижаларига таъсири биринчи навбатда умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар тизими асосида аниқланади. Ҳақиқий таъсир даражасидан келиб чиққан ҳолда унинг ўлчами: миллий ишлаб

чиқариш даромадининг ўсиши (халқ хўжалиги даражаси); соф маҳсулот ўсиши (тармоқ даражаси); фойда ўсиши (корхона даражасида); мутлоқ фойда ҳажми (алоҳида илмий-техник тадбирлар учун) аниқланади. Алоҳида бошқариш даражалари бўйича ҳисобланган умумий самарадорлик кўрсаткичи тармоқларнинг дифференциялашган меъёрлари ва ўтган ҳисобот даври кўрсаткичлари билан солиштирилади. Агар олинган кўрсаткич меъёрий ва ҳисобот даври кўрсаткичларидан юқори бўлса, сарфланган капитал маблағлардан фойдаланиш самарали деб ҳисобланади.

Умумий иқтисодий самарадорлик даражаси, шунингдек, маълум маънода инновацион ечимларни ҳал этишда иштирок этган илмий-техникавий ишланмалардан қай даражада фойдаланилганини акс эттиради ва уларни баҳолашда вариантли ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилиб, шу асосда уларнинг энг мақбули танлаб олинади. Бундан ташқари бу ҳисоб-китоб жараёнида жорий харажатлар (таннарх)ни камайтириш натижасида олинган иқтисодни ишлаб чиқаришга сарфланган қўшимча капитал қўйилмаларга нисбатан ҳисобланади ва меъёрий кўрсаткичлар билан таққосланади.

Умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи $E_0$ қуйидаги формула билан аниқланади:

$$E_0 = \frac{\Delta \acute{Y}}{\hat{E}}, \qquad (1)$$

бунда, К – капитал қўйилмалар, $\Delta \acute{Y}$ – олинган натижанинг нисбий ўсиш фарқи.

Солиштирма иқтисодий самарадорлик $E_c$ қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$E_c = \frac{C_1 - C_2}{K_2 - K_1}, \qquad (2)$$

бунда, $C_1, C_2$ – таққосланаётган вариантлар бўйича тенг ёки айнан ўхшаш натурал кўринишдаги маҳсулотга жорий харажатлар; $K_2 - K_1$ – таққосланаётган вариантлар бўйича тенг ёки айнан ўхшаш натурал кўринишдаги маҳсулотга капитал қўйилмалар.

Инвестициялар самарадорлигини молиявий-иқтисодий баҳолашда харажатлар (жорий ва келтирилган харажатлар) усули

билан биргаликда солиштирма фойда ҳисоби усули ҳам амалиётда кенг қўлланилади. Бунда харажатлардан ташқари ишлаб чиқариш натижалари ҳам ҳисобга олинади. Фойда сифатида натижа билан харажатлар айирмаси қабул қилинади. Натижанинг даражасига ўз навбатида сотиш ҳажми ҳам катта таъсир кўрсатади. Бу кўрсаткич Q x P ифодаси билан аниқланади, қаерда Q – ишлаб чиқариш ва реализация ҳажми, P – бир бирлик маҳсулот нархи.

Фойданинг солиштирма таҳлилини амалга ошириш орқали инвестицияларнинг мутлоқ ва нисбий самарадорлигини баҳолаш мумкин. Бунда уларни ушбу объектга қўйиш учун унинг фойдаси мусбатли ўлчам бўлганда қўллаш мақсадга мувофиқ. Агар унинг фойдаси бошқа таклиф этилаётган объектлардан катта бўлса, инвестиция объекти нисбатан фойдали ҳисобланади.

Вақт омилини ҳисобга олмайдиган кейинги кўрсаткич амалга оширилган харажатларнинг минимумини ифодаловчи мезон сифатида қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Ç_i = C_i + E_i K_i \to \min, \qquad (3)$$

бунда, $C_i$ – солиштирма вариантлар бўйича жорий харажатлар; $E_н$ – солиштирма иқтисодий самарадорликнинг норматив коэффициенти, $K_i$ – солиштирилаётган вариантлар бўйича капитал қўйилмалар.

Солиштирма иқтисодий самарадорлик кўрсаткичининг тескари ифодаси капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддатини акс эттиради ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$T = \frac{K_2 - K_1}{C_1 - C_2} = \frac{1}{E_c} \qquad (4)$$

Инвестицион фаолиятни амалга оширишда ушбу кўрсаткичдан фойдаланишдан кўзланган асосий мақсад қоплаш муддати камроқ ва шу билан бир қаторда катта самара берадиган лойиҳаларни танлаб олишдан иборатдир. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айнан бир лойиҳа доирасида сарфланадиган инвестицияларнинг қопланиш муддати, шунингдек, уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳар бир хўжалик субъектининг тегишли ресурслар билан таъминланганлик даражаси, иқтисодий – ишлаб чиқариш ва молиявий ҳолатларига боғлиқ равишда турли

хил диапазонда бўлиши мумкин. Демак, бу ҳолатни инвестицияларнинг қопланиш муддатларини аниқлашда алоҳида эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, нафақат у ёки бу лойиҳа доирасида йўналтириладиган инвестицияларнинг қопланиш муддатларини, балки улардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда пировард натижа сифатида инвестицион фаолиятнинг рентабеллик даражаси муҳим бўлиб, бу бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Инвестицияларни молиявий-иқтисодий баҳолаш мақсадида фойдаланиладиган рентабеллик коэффициенти А.Д.Шеремет ва Р.С.Сайфулин томонидан келтирилган формулалар бўйича ҳисобланади. Бу мақсадда улар хусусий капитал рентабеллиги, перманент капитал рентабеллиги, фирмаларнинг жами капитали рентабеллиги кўрсаткичларидан фойдаланишни тавсия этишган.

Хусусий капитал рентабеллиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$R_{c.k.} = \frac{\ddot{I}}{\hat{E}_{\tilde{n}}}, \quad (5)$$

бунда, П – фойда (баланс ёки реализация фойдаси); $К_с$ – баланс бўйича корхона хусусий капитали манбаларининг даврий ўртача ўлчами.

Перманент капитал рентабеллиги қуйидагича ҳисобланади:

$$R_{\ddot{i}.k.} = \frac{\ddot{I}}{\hat{E}_{\tilde{n}} + \hat{E}_{\grave{o}}}, \quad (6)$$

бунда, $К_т$ – узоқ муддатли кредит ва қарзларнинг даврий ўртача ўлчами.

Фирмаларнинг жами капитал рентабеллиги қуйидагича ҳисобланади:

$$R_k = \frac{\ddot{I}}{B}, \quad (7)$$

бунда, В – баланс-неттонинг давр учун ўртача жами миқдори.

Хориж амалиётида рентабелликнинг ўртача меъёрий кўрсаткичидан кенг фойдаланилади ва уни ҳисоблашнинг бир нечта усули таклиф этилади. Улардан бири, солиққа тортишдан сўнг молиявий оқимнинг ўртачасини инвестицияларнинг қиймати

билан таққосланса, бошқаси солиққа тортиш ва амортизациядан сўнг ва инвестицияларнинг ўртача бухгалтерия қиймати билан таққосланади. Биринчи усулнинг устунлиги амортизацияни ҳисоблашнинг қайси усулидан (тўғри, жадаллашган ва б.) фойдаланганлигини танлаш шарт эмас.

Амортизация муддати инвестиция билан боғлиқ рискни аниқлашда муҳим бўлиб, у инвестиция объектининг амортизация муддатида пул маблағларининг қайтиши ёки объект фаолиятида инвестициялардан фойдаланиш жараёнида қўшимча равишда олинган тушумлар эвазига капитал қўйилманинг тикланиш муддати бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич иқтисодий мазмун жиҳатдан сарфланган инвестицияларнинг қопланиш муддатига деярли яқин. У инвестициялар ҳажмини пул шаклидаги маблағларнинг ўртача миқдорига бўлиш асосида ҳисобланади, яъни:

$$T_{ат} = \frac{I}{C}, \qquad (8)$$

бунда, I – инвестицияларнинг ҳажми, C – ўртача фойда ва амортизация ажратмаларининг йиғиндиси ёки оддий қилиб айтганда пул маблағлари оқимининг ўртача ҳажми.

Объект фаолиятини тугатиш чора-тадбирлари давомида олинган тушум мавжуд бўлган ҳолда инвестицияларни йўқотиш эҳтимоли пасайиб, унинг қиймат камаяди. Шу муносабат билан амортизация муддатини ҳисоблашда объектни тугатиш натижасида олиниши мумкин бўлган тушум миқдорини ҳисобга олиш лозим ва уни қуйидаги формула асосида топиш лозим:

$$T_{ат} = \frac{I - L}{П_{ср} + A}, \qquad (9)$$

бунда, L – объектни тугатиш жараёнида олинган тушум;
$П_{ср}$ – ўртача фойда; A – амортизация ажратмалари.

Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг юқорида тавсия этилган формулаларга асосланган мазкур усулидан бошқа усуллар билан биргаликда фойдаланиш олинган натижаларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Гарчи келтирилган кўрсаткичлар рақобатли инвестицияларни амалга оширишда устувор вариантларни белгилашга асос бўлиб ҳисоблансада, лекин улар бўйича мақбул қарор қабул қилиш имконияти маълум даражада чекланган бўлади. Чунки,

бунда қандай кўрсаткич ишлатилганлигига қарамасдан, у таққосланадиган битта қийматни ҳисобга олади ва мазкур қўйилмаларни амалга оширадиган корхонанинг якуний рентабеллик даражасини меъёрий рентабелликнинг ўртача кўрсаткичига солиштириш орқали инвестиция киритишнинг оптимал вариантини қабул қилишга хизмат қилиши мумкин.

Бироқ, тадқиқотларнинг кўрсатишича, юқорида келтирилган барча кўрсаткичлар у ёки бошқа бир ҳолатда маълум бир чекловларга эга, чунки улар вақт омилини ҳисобга олмайди. Уларнинг афзаллиги фақатгина ҳисоб-китоб ишларининг соддалиги ва осонлигидан иборат. Бу эса бошланғич босқичдаги реал иқтисодий жараёнлар шароитида инвестициялар бўйича қарорлар қабул қилиш учун дастлабки тегишли ахборотларни олишга асос бўлади.

Таркибий асосини фақат пул маблаглари ташкил қиладиган инвестициялар вақтинчалик қийматга эга. У ҳозирги вақтда ва маълум бир вақт ўтгандан сўнг бир хил номинал қийматга эга бўлсада, у кейинги боскич ҳисоб-китобларида харид нархида ифодаланган молиявий маблағ сифатида қабул қилинади. Шу боисдан ҳам инвестияларни молиявий-иқтисодий баҳолашда дисконтлаш усулидан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Уларнинг энг аниқ ва асосланганлари бўлиб, соф дисконтланган даромад, дисконтланган қоплаш муддати, даромадлик индекси, рентабеллик индекси, ички даромадлик меъёри кўрсаткичлари ҳисобланади.

Жумладан, соф дисконтланган даромадни ҳисоблаш усули инвестицияларнинг дастлаб киритилган миқдори ва келажакда олинадиган натижа билан солиштиришга асосланган бўлиб, у бошланғич даврда сарфланган инвестициялар ҳажми ва жорий фоиз ставкаси асосида дисконтланган инвестициялардан олинган тушум қиймати ўртасидаги фарқ сифатида қаралади ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\tilde{N}\ddot{A}\ddot{A} = \frac{\tilde{N}_1}{(1+R)^1} + \frac{\tilde{N}_2}{(1+R)^2} + \frac{\tilde{N}_3}{(1+R)^3} + \ldots + \frac{\tilde{N}_3}{(1+R)^3} - I, \quad (10)$$

ёки

$$\tilde{N}\ddot{A}\ddot{A} = \sum_t^t \frac{\tilde{N}}{(1+R)^t} - I,$$

бунда, $C_1$ – t давр мобайнида соф пул оқими, I – бошланғич инвестиция харажатлари; R – дисконтлаш ставкаси; t – инвестициялардан фойдаланиш даври.

Бошланғич инвестицион харажатлар таркиб жиҳатдан кўп йўналишли бўлиб, улар жумласига қурилиш, реконструкция ёки корхонани сотиб олишда амалга ошириладиган инвестициялар; янги маҳсулот, технология, материалларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишга йўналтирилган инвестициялар; янги асосий воситалар харид қилишга инвестициялар; жорий асбоб-ускуналар ёки технологик жараёнларни рационализация, модернизация қилишга инвестициялар; ишлаб чиқариш дастури ўзгариши билан боғлиқ қўшимча айланма маблағлар; маҳсулот номенклатурасининг ўзгариши билан боғлиқ диверсификация инвестициялари; ИТТКИ (Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари), кадрларни тайёрлаш, реклама, табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган инвестициялар ва бошқа тегишли инвестицияларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, инвестициялар таркибида туташ капитал қўйилмалар (лойиҳалаштирилаётган тармоқлар объектини ривожлантириш, унга хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергия ҳамда тегишли юкларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг бутун технологик жараёнларида транспорт хизматларини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар).

Соф пул оқими одатда иқтисодий фойда (солиқларни тўлаб бўлгандан сўнг) амортизация ажратмалари ва бошқа пулсиз харажатларни қўшиш билан аниқланади.

Агар инвестициялар бир вақтда амалга ошириладиган бўлса, СДДни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\tilde{N}\ddot{A}\ddot{A} = \sum_{t}^{T} \frac{\tilde{N}_t}{(1+R)^t} - \sum_{t}^{t} \frac{I_t}{(1+R)^t}, \qquad (11)$$

бунда, $I_t$ – t-чи йилда инвестицион харажатлар.

Инвестицияларни мазкур молиявий-иқтисодий баҳолаш кўрсаткичидан фойдаланиш, бошқарув қарорини тўғри қабул қилиш имкониятини беради, яъни: агар СДД >0, бўлса ушбу лойиҳага инвестицияларни киритиш мумкин;

агар СДД < 0 бўлса, инвестицияларни киритишнинг альтернатив вариантларини қидиришни давом эттириш лозим.

Шу жараёнда СДД >0 бўлган иккита лойиҳадан соф дисконтланган даромад ўлчами каттароқ бўлгани танланади. Ушбу кўрсаткич инвестицияларни киритиш устуворлигини аниқлаш имконини беради.

Дисконтланган қоплаш муддати ($Т_{док}$) соф пул оқимлари суммаси инвестицияларнинг тугаш давридаги дисконтланган суммасига тенг бўлган ҳолат билан аниқланади, яъни:

$$\sum_{t}^{t} \frac{\tilde{N}_t}{(1+R)^t} = \sum_{t}^{t} \frac{I_t}{(1+R)^t}, \tag{12}$$

бунда, t – инвестицияларнинг тугаш муддати.

Шундай қилиб, $Т_{док}$ – СДД мусбат ўлчам бўлиб қоладиган ва турадиган энг кам муддат ўтишидир.

Аммо, таъкидлаш ўринлики, дисконтланган қоплаш муддати ҳисоб-китоб қилиш жараёнида капитал оқимларни ҳисобга олмайдиган, яъни бутун инвестицион ҳаракат босқичларида уларнинг унумдорлигини ҳисобга олмаслик камчилигига эга. Шунга қарамасдан бу кўрсаткич инвесторларга ўз капитал қўйилмаларининг рискга эга бўлиш муддати тўғрисида тасаввурни беради. Чунки, ноаниқлик ва риск тегишли равишда давомли бўлган сари катта бўлади. Демак, қисқа қоплаш муддати кам риск ва инвестицияларнинг тезрок қайтишини англатади. Шунга боглиқ равишда дисконтланган қоплаш муддати инвестициялар бўйича қарор қабул қилиш мезони сифатида эмас, балки чегаралаш сифатида ишлатилади. Шундай қилиб, агар $Т_{док}$ белгиланган қоплаш муддатидан катта бўлса, бу ҳолатда ушбу объект инвестиция объекти сифатида қаралмайди.

Даромадлик индекси (ДИ) соф дисконтланган даромад билан бевосита боғлиқ ва дисконтланган пул оқимлари қийматининг бошлангич инвестицияга нисбати билан аниқланади, яъни:

$$\grave{E}\ddot{A} = \frac{\sum_{t}^{t} \frac{\tilde{N}_t}{(1+R)^t}}{I}, \tag{13}$$

ёки

$$\grave{E}\ddot{A} = \frac{\tilde{N}\ddot{A}\ddot{A} + I}{I}, \tag{14}$$

$$\frac{\tilde{N}\ddot{A}\ddot{A}}{I} \text{ – дисконтланган солиштирма даромад.} \tag{15}$$

Унга асосан, даромадлик индекси қуйидаги ҳолатларни олиши мумкин:

агар СДД = 0 бўлса, ИД = 1

СДД < 0 бўлса, ИД<1

СДД > 0 бўлса, ИД>1

Инвестициялар бўйича қарор қабул қилишда факат даромадлик индекси 1 дан катта бўлган объектлар қурилиши мумкин. Агар бир нечта "ўсиш нуқталари" танлаш зарурияти туғиладиган бўлса, унда инвестициялаш объектларини ДИ кўрсаткичининг ўсиши билан мос равишда териб чиқилади.

Ички даромад меъёри (ИДМ) – бу хўжалик пул оқимлари дисконтланган кўрсаткичлари суммаси бошланғич инвестиция қийматига тенг бўлган дисконтланган $R_0$ ставкаси сифатида қаралади, яъни:

$$\sum_{i}^{t} \frac{\tilde{N}_t}{(1+R)^t} = I, \qquad (16)$$

Агар инвестицияларнинг киритилиши бир вақтда содир бўладиган бўлса, ҳисоб-китоб (2.16) формуласи бўйича амалга оширилади, агар бир неча йил мобайнида бўладиган бўлса (2.17) формуласидан фойдаланилади:

$$\sum_{i}^{t} \frac{\tilde{N}_t}{(1+R)^t} = \sum_{i}^{t} \frac{I_t}{(1+R)^t}, \qquad (17)$$

Бошқача қилиб айтганда, R – лойиҳадаги соф дисконтланган даромадни нолга тенглаштирадиган дисконт ставка бўлиб ҳисобланади.

$$\tilde{N}\ddot{A}\ddot{A} = \sum_{i}^{t} \frac{\tilde{N}}{(1+R)^t} - I = 0, \qquad (18)$$

(2.18) формула ёрдамида дисконтланган пул оқимлари ва инвестицион харажатларнинг тенг бўлиб қоладиган R процент ставкасини топиш мумкин. R меъёри фирма кредит олиб, инвестициялар қарз маблағи ҳисобига амалга оширилганда пул оқимлари кредит ва фоизларни қоплаш учун фойдаланган максимал фоиз ставкасини кўрсатади. Инвестициялашнинг бу усулида фирма аниқ зарарсиз нуқтада бўлади. ИДМни аниқлаш усули қурилаётган инвестициялаш объекти бўйича даромад (яъни фоиз ставкаси)ни ЯИДни капиталга ва фоизларга таққослашни ўз ичига олади. Шундай қилиб, ички даромад меъёри хўжалик

юритувчи субъект учун зарарсиз фойдаланиши мумкин бўлган максимал фоиз ставкасини акс эттиради. Акс ҳолда эса ЯИД соф дисконтланган даромадни нолга олиб келадиган дисконтлаш ставкасини аниқлаш мумкин.

Инвестициялар бўйича бошқарув қарорини қабул қилишда бу кўрсаткич қуйидаги ҳолатларда ишлатилади: агар $R_0$ инвесторлар томонидан танланган дисконтланган R ставкаси ($R_0 > R$), СДД > 0 бўлса, у ҳолда ушбу лойиҳага инвестицияларни киритиш мумкин; агар $R_0 < R$, СДД < 0 бўлса, инвестицияларни бошқа альтернатив лойиҳаларга жўнатиш лозим (2.2.9- чизма).[55]




**2.2.9-чизма. Дисконтлаш ставкасининг таъсирида соф дисконтланган даромаднинг ўзгариш графиги**

Шуни таъкидлаш лозимки, ИДМ ўлчовини билиш инвестиция бўйича тўғри қарор қабул килиш учун етарли бўлиб ҳисобланмайди. Чунки, бу кўрсаткичнинг ишлатилиши дисконтлаш ставкасини аниқлаш ва танлаш муаммосини ечмайди.

---

[55] Гуськова Н.Д. Теория и практика инвестиционной деятельности в условиях транзитивной экономики: Федеральный и региональный аспекты. Специальность 08.00.05 Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Саранск, 2000. С.95

Бундан ташқари, ИДМ ва СДД бир хил бошқарув қарорини қабул қилишга олиб келади (инвестицияларни мазкур лойиҳага ёки бошқа лойиҳани амалга оширишга йўналтириш). ИДМнинг яна битта камчилиги шундан иборатки, агар пул оқимлари ўз ифодасини бир мартадан ортиқ ўзгартирган бўлса, бундай ҳолатда бир нечта ИДМни аниқлаш зарурияти пайдо бўлади.

Юқорида баён қилинган инвестиция муҳитини баҳолаш услубларининг асослилиги ва амалий аҳамиятига баҳо бериш учун чет эл тажрибасини ўрганиш, унинг илғор ва истиқболли ютуқларини татбиқ этиш бўйича илмий-амалий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё мамлакатларида инвестиция муҳитига баҳо бериш услублари бир-биридан фарқ қилади ва аксарият ҳолларда макроиқтисодий соҳага нисбатан баҳо берилади. Масалан, Японияда инвестиция муҳитининг баёний тавсифи берилиб, миқдорий баҳо қўлланилмайди. АҚШда эса бир-бирига боғлиқ тўртта кўрсаткич, яъни ишбилармонлик фаоллиги, хўжалик юритиш тизимининг ривожланганлик даражаси, инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги, солиқ сиёсатининг асосий ташкил этувчилари орқали аниқланади. АҚШда рейтинг натижалари ҳар йили «Йиллик статистик карта»да эълон қилинади. «Euromoney» журнали ривожланган мамлакатлар йирик банклари вакиллари бўлган экспертлардан маълумот тўплаш усулидан фойдаланиш билан бир қаторда у ёки бу омилнинг ҳолати ҳақида статистик ахборотни ҳам ҳисобга олади. Бу омиллар қаторида қуйидагилар мавжуд, яъни макроиқтисодий кўрсаткичлар, маҳсулотлар учун тўловни амалга оширмаслик риски, кредитларни қайтармаслик, дивидендларни тўламаслик, қарз кўрсаткичлари, мамлакатларнинг кредитларни қайтара олиш имкониятлари.[56]

Инвестиция муҳитини баҳолашнинг роли ва аҳамиятининг нечоғлик муҳимлигини ҳисобга олиб, биз ҳам қуйидаги фикрга тўлиқ қўшиламиз, яъни дарҳақиқат «...республикамизда

---

[56] Гуськова Н.Д. Теория и практика инвестиционной деятельности в условиях транзитивной экономики: Федеральный и региональный аспекты. Специальность 08.00.05 Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Саранск, 2000. С.103.

инвестиция муҳити борасидаги иқтисодий илмни тарғиб этишда энг зарур услубий йўриқномалар эътибордан четда қолмоқда».[57] Шу нуқтаи назардан инвестиция муҳитини баҳолашнинг халқаро тажрибаси шуни кўрсатадики, унинг объективлик даражасини ошириш учун замонавий иқтисодиёт фани томонидан ишлаб чиқилган бир қатор муҳим услубий қоидаларни ҳисобга олиш зарур. Жумладан:

1. Барча турдаги инвестициялар учун маълум инвестиция муҳити зарур. Амалда капитал (саноат, савдо, қарз, акциядорлик) инвестиция каби турлича бўлади, инвесторлар эса ўзаро мос келмайдиган мақсадларни кўзлайдилар. Масалан, қарз капитали қисқа вақт ичида максимум фойда олишга қаратилган бўлиб, молиявий инвестициялар орқали ҳаракат қилса, саноат капитали эса узоқ муддат давомида корхона фаолиятига барқарор таъсир ўтказишга интилиб, реал ва бевосита инвестициялар орқали ҳаракат қилади.

2. Инвестиция муҳити манфаатлар мувозанатига асосланган бўлиши керак, чунки инвестицияларни қабул қилувчи ҳам, инвестицияларни етказиб берувчи ҳам турлича мақсадларни кўзлайди, яъни уларнинг биринчиси минимум маблағлар асосида максимум мақсадларни кўзласа, иккинчиси – максимум фойда олиш ва маҳаллий бозорларни мумкин қадар тезроқ эгаллашга интилади.

3. Инвестиция муҳити, бир томондан, узоқ вақт давомида барқарор бўлиши лозим, иккинчи томондан, етарли даражада уддабурон тадбиркор мамлакатда шаклланаётган ижтимоий ишлаб чиқариш омилларига (илмий-техникавий, тадбиркорлик, бошқарув, технологик) нисбатан юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олабиладиган бўлиши даркор.

4. Инвестициялар инсон капитали ривожи, барча фаолият соҳаларидаги ишчи ва хизматчиларнинг малакаси юксалиши билан аниқ боғланган бўлиши лозим.

---

[57] Н.Ҳ.Ҳайдаров Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 2003. - 58 бет.

5. Инвестиция муҳити хўжаликнинг иқтисодий барқарорлиги ва ишлаб чиқариш тизимлари хавфсизлигини таъминлаши керак.

6. Инвесторлар ва инвестицияланаётган ижтимоий-иқтисодий тизим манфаатларининг мувозанати ва ўзаро мос келишини таъминлаш мақсадида, жалб қилинаётган инвестицияларнинг самарали эканлигини ва инвестиция муҳитининг қулайлигини комплекс баҳолаш талаб этилади. Шу сабабдан нафақат жалб қилинган инвестициялар ҳажми, балки улардан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган ижтимоий-иқтисодий, экологик ва бошқа оқибатларини ҳисобга олиш лозим.

Юқоридаги услубий қоидалар асосида инвестиция муҳитини баҳолаш усулларининг афзалликлари ва камчиликларига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, тор маъно ва таркибга асосланган ёндашув тарафдорлари инвестиция жозибадорлигининг асосий кўрсаткичи сифатида фойдаланилаётган активларнинг фойдалилик даражасини икки вариантда ҳисоблашни қабул қилади:

1) товарлар ва хизматлар реализациясидан келган фойданинг жалб қилинган активларнинг умумий суммасига нисбати;

2) баланс фойданинг фойдаланилаётган активларнинг умумий суммасига нисбати.

Ушбу услубий ёндашув содда ва ҳаммабоп бўлиб, тадбиркорлик фаолиятининг бош мақсади бўлган фойда ва қўйилмалар қайтимини ҳисобга олади. Уни турли хўжалик тизимларидаги инвестиция муҳитини тадқиқ қилиш учун қўллаш мумкин. Бироқ, бу ёндашувда манфаатлар мувозанати акс этмаган, инвестициялар билан ресурс омиллари ўртасидаги объектив боғлиқлик инкор этилади, қолаверса, инвестиция муҳити ривожланишининг инновацион тури ва иқтисодий барқарорлиги билан боғланмаган.

Инвестиция муҳитини баҳолашнинг кўп омилли усули услубий талабларга кўпроқ жавоб беради. Унинг афзаллик томонлари: ресурс-омилларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш: баҳо беришда субъективизмни камайтирадиган статистик маълумотлардан фойдаланиш; иқтисоднинг турли даражаларига алоҳида-алоҳида ёндашув; инвестицияларнинг барча мумкин бўлган манбаларини максимал даражада самарали қўллашни таъминлашга интилиш.

Риск даражаси билан боғлиқ баҳолаш усули эса энг аввало стратегик инвестор учун қизиқиш уйғотади. У нафақат инвестициялаш учун жозибадорликни аниқлаб қолмай, балки инвестициялар қўйиладиган янги объектга хос бўлган хавф даражаси билан ҳозирда мавжуд бўлган, инвестор учун бизнес юритишда одатий бўлган риск даражасини ўзаро қиёслаш имконини ҳам беради. Ушбу ёндашувда, шунингдек, инвесторнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий манфаатлари ҳисобга олинади.

Замонавий иқтисодий тафаккурнинг етакчи йўналишларидан бўлган институционализм инвестиция муҳити таҳлили учун янги имкониятларни очиб берганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, инвестиция муҳити иқтисодиётнинг институционал тизимида алоҳида тизим ости қисми бўлиб, у ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ва илмий-техникавий янгиланиш жараёнида фаол инвестиция фаолияти орқали ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан энг унумли фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш вазифасини бажаради. Мазкур тадкиқотларимиз мақсадларига ойдинлик киритиш учун кенгайтирилган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва охир-оқибатда иқтисодий юксалишни таъминлайдиган институционал шарт-шароитлар тавсифини билиш муҳим ўрин тутади.

## 2.3. Инвестиция жараёнларининг иқтисодий мазмуни ва унинг халқаро моделлари

Инвестициялар назариясида «инвестициялар» сингари «инвестиция жараёнлари» тушунчаси ҳам аниқ бир таърифга эга эмас. Айрим муаллифлар инвестиция жараёнларини тор маънода баҳолаб, инвестиция бозорларида амалга ошириладиган инвестиция келишувларига асосий эътиборларини қаратади. Аслини олганда, инвестиция жараёнлари келишувлар билан тугамайди, балки аксинча, иқтисодиётнинг моддий соҳасида даромадлар яратиш ва тақсимлаш билан давом этиб, у бир нечта босқичлардан иборат бўлади.

Жумладан, В.П.Ждановнинг фикрича, инвестиция жараёни капиталнинг келажакда ҳаракатланиши ва жойланиши босқичларини лойиҳалаштиришни ўз ичига олади. Алоҳида олиб борилган иқтисодий акт сифатида капитални жойлаштиришдан кейин инвестиция жараёни тугайди.[58] Г.И.Ивановнинг фикрича, «инвестиция жараёнлари – бу турли объектларда инвестицион ресурсларни қўйиш, шакллантириш ва уларни кетма-кет, босқичма-босқич трансформация қилишдан токи фикр ва ғояларни охиригача амалга ошириш»дир.[59] Муаллиф ўзининг ушбу таърифида «фикр ва ғоялар» сўзларига изох берар экан, айтадики, инвестиция жараёнлари муайян инвестиция лойиҳаларида, жумладан, инвестиция портфелини шакллантириш; янги техника ва технологияни яратиш; бошқарув ва ташкил этишни такомиллаштириш; моддий ишлаб чиқаришга тааллуқли объектларни қуриш, техник қайта қуроллантириш, кенгайтириш, қайта қуриш ва, шунингдек, номоддий ишлаб чиқаришга тааллуқли объектларни таъмирлаш ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Бу инвестиция лойиҳалари ўз навбатида мос равишда инвестиция ресурслари шаклланишини талаб этган ҳолда, фикр ва ғояларни кетма-кет трансформация этиш орқали босқичма-босқич амалга оширилади. Шунингдек, унинг қуйидаги фикр-мулоҳазаси ҳам диққатга сазовор, яъни "инвестиция жараёнлари – бу турли тармоқларда инвестиция ресурсларини қўйиш, шакллантириш ва капитални кўпайтириш мақсадида такрор ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларининг кўп қиррали фаолиятидир.

С.В.Валдайцев, П.П.Воробьев ва бошқа гуруҳ муаллифлар инвестиция жараёнлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдирашади: «Инвестиция жараёнлари инвестиция фаолиятини амалга оширишдаги босқичлар, ҳаракатлар ва жараёнларнинг кетма-кетлигини ўзида акс эттиради»[60]. Муаллифлар инвестиция жараёнларининг асосий босқичларини қуйидаги иккита: бирин-

[58] Жданов В.П. Инвестиционные механизмы регионального развития. – Калининград, БИЭФ, 2001. 15с.

[59] Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия «Учебники, учебные пособия». –Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.80.

[60] Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др. – М.: ТК Велби, изд-во Проспект, 2003. с.35.

чи, инвестициялаш тўғрисида қарорнинг қабул қилиниши ва иккинчи, қабул қилинган инвестиция қарорларини амалга ошириш ва ишлаб чиқариш жараёни босқичларига бўлади. Бизнинг фикримизча, инвестиция жараёнлари ҳақида аниқроқ ва кенгроқ тасаввурга эга бўлиш учун энг аввало инвестицияланаётган объект ҳақида маълумотларга эга бўлиш керак. Бу эса ўз навбатида инвестицияларнинг турлари (моддий, молиявий ёки номоддий) ҳақида гап бораётганини англатади.

Юқоридагилардан фарқли ўлароқ, Уильям Ф.Шарп ва бошқа гуруҳ муаллифлар инвестиция жараёнларига қимматли қоғозлар нуқтаи назаридан ёндашиб, қуйидаги фикрни олға сурадилар: «инвестиция жараёнлари инвесторларга қимматли қоғозларга нисбатан қарор қабул қилиш, инвестициялашни амалга ошириш, унинг ҳажми ва муддатини белгилаш каби йўналишларда ўз аксини топади.

Қуйидаги бешта босқич инвестиция жараёнларининг асосий таркибий қисмини ташкил этади:

1. Инвестиция сиёсатини танлаш.
2. Қимматли қоғозларни таҳлил этиш.
3. Қимматли қогозлар портфелини шакллантириш.
4. Қимматли қоғозлар портфелини кўриб чиқиш.
5. Қимматли қогозлар портфели самарадорлигини баҳолаш.[61]

*Биринчи босқичда* инвесторнинг мақсади ва ҳар бир молиявий инструмент бўйича даромадлилик ва риск даражаси, шунингдек, уни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар ҳажми аниқланади. Мазкур босқич молиявий портфелга кириши мумкин бўлган потенциал турдаги молиявий активларни аниқлаш билан тугалланади.

*Иккинчи босқичда* муайян даврда бозор коньюнктураси асосида айрим қимматли қоғозлар турларининг курс қиймати ва муайян фирма акциясининг истиқболдаги курс динамикаси аниқланади. Бундай ёндашув техник таҳлил деб номланади.

---

[61] Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. ИНВЕСТИЦИИ: Пер. с анг. – М.: ИНФРА-М, 2003. – XII, с.10.

Олинган маълумотларга асосан фундаментал таҳлил олиб борилади.

*Учинчи босқичда* инвестициялаш учун аниқ активлар танлаш мўлжалланади, шунингдек, инвестицияланадиган капитал доирасида активлар орасидан оқилона вариантлар, жами портфел бўйича рискларни диверсификациялаш ва операциялар вақти танланади.

*Тўртинчи босқич* инвестициялаш мақсадининг ўзгариши билан жорий портфел ва оптимал портфел ўртасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда жорий портфелни даврий баҳолашни ўз ичига олади. Шунга кўра илгари ва кейинги сотиб олинган қимматли қогозлар бўйича инвестицион қарорлар қабул қилиш мумкин.

*Бешинчи босқичда* ҳақиқатдаги даромадлар ва рисклик даражаси даврий баҳоланади ва улар мавжуд стандартлар бўйича таққосланади.

Н.В.Киселева, Т.В.Боровикова ва бошқа гуруҳ муаллифларнинг фикрича, инвестиция жараёни – бу инвестицияларнинг турли шакл ва даражалардаги ҳаракатлар мажмуидир.[62] Жамият иқтисодиётининг қайси типида бўлишидан қатъий назар инвестицион жараёнларни амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларнинг бўлишини тақозо этади. Улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

– инвестиция жараёнларини амалга ошириш қобилиятидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг мавжудлиги;

– инвестиция фаолияти объектлари орасида инвестиция ресурсларининг ҳаракатланиш механизмларининг яратилганлиги;

– инвестиция жараёнларини амалга ошириш учун мамлакат ўз ички манбалари ҳисобидан комплекс тўлиқ инвестиция ресурсларига эга бўлиши.

Юқорида санаб ўтилган инвестиция жараёнларини амалга оширишда талаб этилаётган шарт-шароитлар, бошқача қилиб айтганда, инвестиция фаолияти субъектларини, яъни инвестиция жараёнлари қатнашчилари ва улар орасидаги муносабат

[62] Инвестиционная деятельность: Учебное пособие /Н.В. Киселева. Т.В. Боровикова, Г.В. Захарова и др.; Под ред. Г.П. Подшиваленко и Н.В. Киселевой. –М.: КНОРУС, 2005. С.17.

предметлари ва шаклларини англатади. Инвестиция фаолияти қатнашчилари таркибига қуйидагилар киради: инвесторлар, буюртмачилар, пудратчилар, инвестиция объектидан фойдаланувчилар, материаллар ва жиҳозлар етказиб берувчилар, хорижий инвесторлар, давлат ва халқаро ташкилотлари, молия ва банк муассасалари, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари ва компаниялар.

Инвесторлар мулкчилик шаклларига қараб хусусий, давлат, хорижий ва қўшма инвестицияли субъектлар бўлиши мумкин. Жумладан, инвестиция жараёнларида давлатнинг роли ва аҳамияти мамлакат иқтисодиётида юз бераётган бир қанча омиллар асосида аниқланади. Бундай омиллардан асосийлари бўлиб мамлакатда муайян даврда бозор муносабатларининг ривожланиш босқичлари ва иқтисодий ривожланиш даражаси ҳисобланади.

Жаҳон амалиётининг гувоҳлик беришича, давлатларнинг иқтисодий ривожланиш тажрибасига кўра инвестиция жараёнларининг бир нечта моделлари мавжуд. Бу моделларнинг ҳар бири маълум бир мақсад ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда характерланиб, мамлакат иқтисодий тараққиётининг турли босқичлари ва ташқи иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Танланган ва амалга ошириладиган инвестиция модели муайян бир даврда иқтисодиётнинг истиқболдаги ривожини таъминлаши ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашиши ва шунингдек, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазифаларини ҳал этиши лозим.

Жумладан, академик Н.В.Игошин инвестиция жараёнларининг қуйидаги моделларини таклиф қилади:[63]

- иқтисодиётни тўлиқ эркинлаштириш шароитида давлат ҳимоясидаги протекционистик инвестиция жараёнлари модели;
- иқтисодиётни тўлиқ эркинлаштириш шароитида инвестиция жараёнлари ва очиқ дунё бозори модели;
- инвестицияларни четдан жалб этиш модели;

---

[63] Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.С.91-106.

- инвестиция жараёнларининг режали-тақсимот модели;
- аралаш иқтисодиёт учун инвестиция жараёнлари модели.

*Иқтисодиётни тўлиқ эркинлаштириш шароитида давлат ҳимоясидаги протекционистик инвестицион жараёнлар модели* иқтисодиётни тўлиқ эркинлаштириш шароитида давлат ҳимоясида протекционистик тартибда олиб борилади. Бундай модел етарли ички инвестицион ресурсларга эга бўлган ва айни вақтда бозор муносабатларини қонун устуворлигида тартибга солиб бораётган мамлакатларда фаолият кўрсатади. Рақобат курашида омадсиз ишлаб чиқарувчилар ва инвесторлар мағлубиятга учрайди ва жамиятда каттагина молиявий маблағлар ўз қўлида тўпланиб қолган, тор қатламдаги «ғолиблар» синфини келтириб чиқаради. Натижада эркин рақобат монополия билан алмашинади, шунингдек, рақобат кураши монополистлар ўртасида ҳам зўравонликни келтириб чиқаради ва ўзаро келишишга мажбур қилади ҳамда тор қатламдаги «ғолиблар»нинг капиталлари товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни яна ҳам кенгайтириш ҳисобига тўпланиб боради.

Бу эса ўта бой кишилар тор қатлами қўлида пул массасининг катта қисми тўпланиши ва натижада аҳоли катта қисмининг тўлов қобилиятининг пасайишига олиб келади. Рақобатга дош бераолмаган ишчи кучининг бир қисми ишлаб чиқаришдан сиқиб чиқарилади ва ишсизлар армияси вужудга келади. Узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни, жумладан ер ости бойликларини ўзлаштириш, устувор ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва бошқа соҳаларни хусусий сектор эплай олмайди. Бундай инвестицион лойиҳаларни давлат талаби билан давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш ҳисобига амалга ошириш мумкин. Бу эса иқтисодиётни эркинлаштириш эмас, балки ишлаб чиқариш ва бозорни давлат томонидан тартибга солиш ҳисобланади.

Умуман олганда, бундай модел билан иккинчи жаҳон урушидан кейин бир қатор давлатлар ўз иқтисодиётини бир қадар ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги кун учун бу модел таклиф этилмайди.

*Иқтисодиётни тўлиқ эркинлаштириш шароитида инвестицион жараёнлар ва очиқ дунё бозори модели* юқорида кўриб ўтилган моделнинг модификациялашган шакли

ҳисобланади. Бу модел ташқи бозорлар таъсири давлат ҳимоясида бўлмай, соф бозор иқтисодиёти модели ҳисобланади. Ушбу моделда инвестициялар ҳажми ва йўналиши нафақат миллий бозорда, балки дунё бозори талаб ва таклифларига асосланган ҳолда аниқланади. Бу моделни татбиқ қилишда ишлаб чиқаришни барпо этишга қаратилган миллий иқтисодиёт учун керак ва миллий бозор шароитида рентабелли ҳисобланган инвестициялар дунё бозори нуқтаи назаридан қараганда норентабелли бўлса, бундай инвестициялар ижобий типдаги, жозибадор инвестициялар ҳисобланмайди.

*Фавқулоддаги вазиятларда инвестицияларни четдан жалб этиш моделини* урушлар, бузилишлар, иқтисодий инқирозлар шароитларида, иқтисодиёт издан чиққан ҳолатларда қўллаш мумкин. Бундай вазиятларда давлат ташқи иқтисодий фаолиятни, пул ва бошқа турдаги ресурсларни ўз қўлида ушлашга, инвестициялар ва иқтисодиётни стратегик режалаштиришни тўлиқ монополлаштириб олади. Бу моделдан нисбатан узоқ муддатга фойдаланилмайди, фавқулоддаги вазиятлардан сўнг унинг самарадорлиги тезда йўқолади ва у бошқа моделга алмаштирилади.

*Инвестицион жараёнларнинг режали-тақсимот модели* хўжалик юритишни четдан жалб этиш (мобилизациялаш) моделидан келиб чиққан ҳолда, у асосан молия-хўжалик шакллари билан тўлдирилганлиги билан фарқ қилади. Яъни, четдан жалб қилиш (мобилизацион) моделида асосий ролни, ҳаттоки пассив даражада таъсир кўрсатсада, пул шаклидаги қиймат кўрсаткичлар ўйнайди ва улар режали-тақсимот қарорларини қабул қилишда биринчи навбатда эътиборга олинади. Бундай ҳолларда инвестицияларни молиялаштириш манбалари ўз маҳсулотларини бозорларда фаол реализация қила оладиган корхоналарда тўплана бошлайди. Умуман олганда эса инвестицион жараёнларнинг режали-тақсимот моделида деярли барча инвестицион лойиҳалар давлат томонидан қабул қилинади ва амалга оширилади.

*Аралаш иқтисодиёт учун инвестицион жараёнлар модели* бошқа моделлардан фарқли равишда бозор ва режали хўжалик юритиш механизмларининг ўзаро уйғунлашган шаклида намоён

бўлади. Шу ўринда муҳим бир хулосани келтириш лозимки, собиқ иттифоқнинг тарқалиб кетишидан олдинги 15–20 йиллик даврда хўжалик юритишнинг режали тақсимот механизмини бозор механизми билан тўлдириш чоралари кўрилган бўлсада, бироқ ўта марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизими бу ҳаракатларни деярли чиппакка чиқарди. Фақатгина собиқ иттифоқ республикаларининг эришган мустақиллиги бу жараённи янгидан, бозор механизмларини тадрижий йўл билан жорий қилишга йўл очиб берди ва икки типдаги хўжалик юритиш механизмларининг бир-бири билан интеграциялашувининг мумкинлигини асослаб берди. Бунга жумладан дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларидан ҳисобланган АҚШ, Германия, Япония ва бошқа давлатлар тажрибаси гувоҳлик беради. Режали-тақсимот механизмидан босқичма-босқич тадрижий йўл билан бозор механизмларини жорий қилиш тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистон учун ҳам хослигини таъкидлаш ўринлидир. Ва бу стратегия ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини мамлакатимиз иқтисодиётининг динамик равишда ўсиши ва кейинги йилларда давлат бюджетининг профицит билан ёпилаётгани ҳам исботламоқда.

Инвестиция жараёнларининг етуклик даражаси турли мамлакатларда қабул қилинган ва амал қиладиган молия тизимларига бевосита боглиқ. Молия тизимларининг тузилиши мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт даражаси, тарихий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий база ва бошқа шу каби омилларга боғлиқ бўлади. Уларнинг бир-биридан фарқини қуйидаги, яъни инвестицияланувчи объектларнинг очиқлик даражаси ва тўлов қобилиятлари, мулкчилик шакли, инвестицион қарорлар қабул қилиш устидан назорат қилишнинг устувор шакллари ва уларни молиявий таъминлаш усуллари каби мезонларга кўра аниқлаш мумкин.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили ва тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, жаҳон амалиётида бу мезонларга асосланган, бир-биридан кескин фарқ қиладиган молия бозорининг американча (инглиз-саксон) ва рейн (қитъа) германча моделлари мавжуд.

Жумладан, американча модел (АҚШ, Буюк Британия, Канада) ўзининг қуйидаги характерли белгилари билан ажралиб туради:

– акцияларнинг кенг тарқалганлиги ва катта миқдорда акцияларнинг жисмоний шахслар қўлида тўпланганлиги;

– асосий фаолияти молиявий фаолият бўлмаган компаниялар устав капиталида банклар иштирокининг чекланганлиги;

– корпоратив секторнинг қарздорлик даражаси қанча паст бўлса, кредитлар ҳисобидан молиялаштириш имкониятларининг ҳам шу қадар пастлиги.

Умуман олганда, бу мамлакатларда капитал асосан банк муассасаларида эмас, балки ишлаб чиқариш секторида жамланган бўлиб, инвестициялаш учун асосан ички ва жалб этилган молиявий манбалардан фойдаланилади. Иқтисодиётнинг бундай турини фонд ёки портфелли иқтисодиёт деб аташ мумкин.

Рейн модели (ГФР, Япония ва бошқ.) учун инвестициялашнинг қарзли механизмидан фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди. Компаниялар ўзининг ёпиқлиги ва мол-мулкининг бир жойда жамланганлиги билан фарқланадилар. Уларнинг назорат пакет акциялари одатда банклар ёки бошқа йирик мулк эгаларига тегишли бўлади. Ана шундай молия моделига эга бўлган давлатлар муҳофазага асосланган (протекционистик) сиёсатни амалга оширадилар. Фонд бозорларида кам миқдорда акциялар муомалада бўлади. Корпоратив акцияларга ҳамкорликда эгалик қилиниши натижасида молия ва саноат компаниялари йириклашиб боради. Бу эса улар эгаларининг «кутилмаганда» алмашиш имкониятини бермайди.

Бундай мамлакатлар компаниялари устав капиталида банкларнинг иштироки чекланмаганлиги сабабли, банклар кредит, инвестиция, тижорат ва бошқаларга бўлинмайди. Улар кўп ҳолларда молиявий бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция сиёсатини белгилаб берадилар. Чунки бу субъектлар, одатда, банк кредитлари кўринишида маблағ жалб қиладилар. Қарз типидаги иқтисодиётда кредит механизми фонд бозорига нисбатан оддий ва арзон бўлади, шунингдек, корпоратив қимматли қоғозлар капитал бозори фоизининг юздан бир улушини ташкил этади.

Жаҳон иқтисодиётида ушбу икки турдаги иқтисодиётнинг конвергенциялашуви кузатилмоқда. Ўтиш даври ва иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда молиявий бўлмаган компания-

ларнинг ички манбалари ҳисобидан молиялаштириш 32% га, ташқи манбалар ҳисобидан эса 68% га тенг. Америка моделини қабул қилган мамлакатларда бу рақамлар 61% ва 39%, рейн модели мамлакатларида эса 88% ва 12% дир. Шунингдек, дунёнинг кўпгина мамлакатларида Осиё, швед ва ёпиқ ислом моделлари ажралиб туради[64].

1997–йил Осиёда юз берган молиявий инқироз молиялаштиришнинг рейн моделини асос қилиб олган мамлакатларга (Тайвань, Филиппин) камроқ таъсир кўрсатди. Бу шундан далолат берадики, айнан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қўшимча ишчи ўринларини яратиб, истиқболли иқтисодий ўсишга олиб келади. Иқтисодиёти портфелли инвестициялар асосига қурилган мамлакатлар эса (Индонезия, Таиланд) анча жиддий зарар кўрдилар. Хорижлик портфелли сармоядорлар мутахассис сифатида инвестицияга хавф пайдо бўлган вақтда маблағларини олиб чиқиб кетадилар ва бу билан молиявий инқироз учун асос яратадилар. Сингапур ва Малайзия ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари орасида энг тараққий этганларидан ҳисобланади. Уларда фонд бозорлари асосан давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, бу ёндашиш кўпроқ инглиз-саксон модели тамойилларига мос келади.

Социализм шароитида бозор тизимини тараққий эттираётган Хитой тажрибаси ҳам алоҳида эътиборга молик. Мамлакат ҳам хорижий, ҳам ички инвесторларни жалб қилиш бўйича фаол сиёсат олиб бормоқда. Бунга маълум даражада халқ хўжалигининг режали-тақсимотга асосланганлиги ва давлат аралашуви халал беради. Компаниялар инвестициялар жалб этиш имкониятларининг етарли даражада бўлишига қарамай, ёпиқлиги ва давлат мулки эканлиги билан ажралиб туради. Кўплаб Хитой корхоналари зарар келтириб ишлайдилар, инвестиция фаолиятини таъминлайдиган инфратузилма ҳам етарлича ривожланмаган. Шу билан бирга давлат Хитойни «инвестициялар жалб этишнинг глобал марказига» айлантириш учун барча ҳаракатларни қилиб,

---

[64] Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской Федерации. /В.В. Аладьин. –М.: Социум, 2002. С.54.

депозитлар ставкасини камайтираяпти, реклама кампаниясини фаол юритмоқда ва ҳ.к.

Туркия учун асосан қарз модели хосдир. Инвестициялаш бу ерда банк ва давлат кредитлари ҳисобига амалга оширилади. Шу билан бирга кредитларнинг аксарият қисми қайтарилмай, банк тизими етарли даражада очиқ эмаслиги билан тавсифланади. Бу хорижий инвесторлар учун таваккалчилик эҳтимолини оширади. Шу билан бирга ички инвесторлар ихтиёридаги маблағ танқислиги кузатилиб, шу сабабли фонд механизми тараққий этмай, доимий инқирозга учраш хавфи мавжуд бўлиб туради.

Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатлари инвестицияларни, жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича тажрибаларини ўрганишга арзигулик жиддий ютуқларга эришдилар. Аммо етарли даражада ўз ички ресурсларига эга бўлмаган Лотин Америкасининг аксарият давлатлари ташқи қарз олиш ва унинг ошиб кетиши эвазига муайян бозорларга боғланиб қолди, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кўзда тутилмаган салбий ҳолатларни келтириб чиқарди. Ушбу мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инвестицион фаолликни ошириш усулларидан самарали фойдаланиш нафақат миллий иқтисодиётни ривожлантириш, балки миллий капитални халқаро бозорларга чиқариш имконини ҳам беради.

Бунга ўтиш даврида инқироз ёқасида туриб, иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантиришга қаратилган макроиқтисодий давлат сиёсатини танлаган Чили тажрибаси қўлланма сифатида яққол мисол бўла олади. Бу мамлакатда 1970 йилда бошланган социалистик ўзгаришлар йилига 600% га қадар пулнинг қадрсизланишига сабаб бўлди.[65] Бунга сабаб асосан хусусий мулкдорлар қўлидаги корхоналарни сотиб олиш сиёсати бўлди.

Трансмиллий компанияларга Чилининг қарамлиги ортди, кимнингдир манфаатлари пастга урилди, фуқаролар норозилиги келчб чиқди ва 1973–йилда ҳарбий режим ўрнатилишига олиб келди. Диктатор бошчилигидаги ҳукумат иқтисодий муаммоларни, шу жумладан асосий муаммо бўлган пул қадрсизланишини

[65] Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской Федерации. /В.В. Аладьин. –М.: Социум, 2002. С.57

тезда ҳал этиш у ёқда турсин, аҳволни янада оғирлаштирди. Мисол учун, мамлакат Марказий Банки раҳбарлигини қўлга олган генерал Э.Кано молиявий муаммоларни чекланмаган эмиссия ёрдамида ҳал қилишга интилиб, бу билан аҳволни яна ҳам танглаштирди. Ваҳоланки, ҳозирги босқичда Чилида амал қилаётган капитал жамғармаларни мувофиқлаштириш тизими ҳарбий ҳукумат бошқарувининг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилиб, жорий этилган эди. Ҳарбий режим бошчилигида йигирма йил мобайнида мамлакатда анча пухта ташкил этилган институционал тузилма барпо этилган бўлиб, ўз ичига янги корхоналар ва давлат хизматларини олди. Хорижий инвестициялар учун жозибадорлик кашф этган ва кафолатлар берган бир мунча қайишқоқ қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу қонунлар механизми халқаро экспертлар томонидан, асосан АҚШ иқтисодий маслаҳатчиларининг амалий тавсиялари билан ишлаб чиқилганди. Унинг асосий мазмуни, ҳам миллий, ҳам хорижий инвестицияларни қўшимча рағбатлантиришга қаратилган эди.

Чили раҳбарияти 1977–йилда қонун қабул қилиб, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, капитал олиб кириш ва олиб чиқиш тартибларини, солиққа тортиш ҳамда даромадларни ўтказиш шарт-шароитларини белгилаб қўйди. Шунингдек, хорижий инвесторларга қонунлар доирасида тўлиқ фаолият эркинлиги берилиб, ҳуқуқлари миллий компания ҳуқуқларига тенглаштирилди, валюта бозорига бемалол чиқиш имкони берилди. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланган даврдан бошлаб, ўн йил давомида барқарор солиқлар тўлови кафолатланди. Иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун қўшимча имтиёзлар берилди. Уларнинг валюта даромадлари экспорт бўйича қарзлари тўлиқ тўлангунига қадар хорижий ҳисоб-рақамларида қолиши мумкин эди.

Юқорида қайд этилган ва бошқа чора-тадбирлар натижасида мамлакатга инвестициялар оқиб кела бошлади. Шунингдек, Чили ҳукумати хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш чора-тадбирлари билан биргаликда, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан стратегик муҳим тармоқларни ҳимоялаш сиёсатини ҳам амалга оширди. Асосий давлат идораси сифатида хорижий

инвестициялар бўйича қўмита капитал импортини бошқариб, бир қатор ҳолларда махсус рухсатлар берар эди. Банк ва сугурта соҳаларида фаолият кўрсатаётган норезидентларга масъулияти чекланган компаниялар ташкил этиш тақиқлаб қўйилди.

Амалга оширилаётган сиёсат оқибатида Чили учун ҳаддан ташқари кўп келаётган хориж капиталининг салбий самара бериш хавфи пайдо бўлди. Бу биринчи навбатда пул (монетар) сиёсатини мувофиқлаштиришнинг мураккаблашуви ва миллий валютани ревальвация қилиш зарурати билан боғлиқ. Шуни айтиб ўтиш керакки, Чилида даромадни чет элга ўтказишда хорижий сармоядорлардан 35% миқдоридаги қўшимча солиқ ундирилади, ишлаб чиқариш воситаларини импорт қилишда эса улар ҚҚС дан озод этиладилар. Умуман, Чилида икки ўн йиллик мобайнида хорижий инвестициялар учун шарт-шароитлар бирмунча эркин бўлиб қолди.

Россияда 1998–йил август молиявий кризисларининг келиб чиқиш сабабларини изоҳлашда В.С.Бард ва бошқа муаллифларнинг гувоҳлик беришларича, 1992–йилдан бошлаб Россия иқтисодиётидаги ислоҳотлар вертуал тартибда олиб борила бошланди. Молия бозорининг моддий ишлаб чиқариш соҳасидан айри фаолият кўрсатиши, пул муомаласи ва рублнинг долларга алмаштирилишидаги бузилиш, вертуал молиявий инструментлар зачетлар, бартер ва фьючерсларнинг киритилиши, ички хўжалик алоқаларининг узилиши айни вақтда миллий молия бозорининг жаҳон молия инқирозига қўшилиши юз берди. Шу тариқа 1997–йилнинг охирларига келиб, Россия молия бозорларининг барча жабҳаларида кучли «қизиб» кетиш ҳолати рўй берди ва мамлакат миқёсида инқироз юз бериши учун кичкина бир туртки етарли эди.[66]

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида келтирилган мавжуд фактларни Ўзбекистон шароитига таққослайдиган бўлсак қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлик сиёсатига амал қилинаётганлигини изоҳлаш мумкин. Банк тизимини ривожлантириш иқтисодиётнинг мустаҳкам фаолият юритишига, мамлакатда самарали инвестиция

---

[66] Бард В.С. и др. Инвестиционный потенциал Российской экономики –М.: Издательство «Экзамен», 2003. С.22–23.

ва ишбилармонлик муҳити шаклланишига шарт-шароит яратилди. Инвестиция жараёнларини ресурслар билан таъминловчи бозор инфратузилмаси институтлари фаолияти йўлга қўйилди. Бироқ, маҳаллий тадбиркорлар инвестиция ресурсларининг танқислиги туфайли бу механизм тўлиқ кўзда тутилган натижаларни бермаяпти. Шунга қарамасдан, Фонд бозорига хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича кўмак ва имтиёзлар берилмоқда. Бизнингча, шу ўринда 1997–йили Осиёда юз берган молиявий инқирозни акция пакетлари қўлида бўлган хорижий инвесторлар янада чуқурлаштирганларини эсда тутиш лозим.

# III БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ МАНБАЛАРИ ЎЗГАРИШЛАРИ ТЕНДЕНЦИЯСИ ТАҲЛИЛИ

## 3.1. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни молиявий таъминлаш механизмлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларини бозор муносабатлари асосида ташкил қилиш босқич ва жараёнларида хўжалик юритишнинг турли мулкчилик шаклларидаги ташкилий-ҳуқуқий субъектлари ривожланиб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) қийматида давлат мулкининг салмоғи камайиши, нодавлат сектори улуши эса ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Натижада, ЯИМ қийматида даромадлар таркиби ўзгариб, капитал маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестициялашнинг бозор шаклларига ўтиш жараёнига нодавлат корхона ва ташкилотларини, шунингдек, хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри инвестиция фаолиятларга кенгроқ жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Бунинг самараси ўларок Ўзбекистон иқтисодиётида инвестиция фаолиятни тобора фаоллаштиришда давлатнинг бевосита инвестор сифатидаги роли ва ўрни камайиб, хусусий инвесторларнинг тараққий этиб боришида кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида янги институционал тузилмаларнинг пайдо бўлиши, инвестиция инфратузилма субъектлари, яъни тижорат банклари, махсус молия-кредит инвестиция институтлари кабиларнинг шаклланиши билан ифодаланади.

Таҳлилларимизнинг гувоҳлик беришича, республикамиз иқтисодиётининг хусусий секторида инвестиция фаолиятни молиялаштириш тизими такомиллашиб, инвестициялаш шакл ва манбаларининг кўпайиши кузатилмоқдаки, бу ҳолатни ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим. Шуни эътиборга олиб, бозор муносабатлари шароитида инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантиришнинг асосий, қулай шарт-шароитлари, бизнинг фикримизча, қуйидагича, яъни:

• инвестиция фаолиятини амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг сезиларли даражада кўпайиши;

• хусусий капиталнинг давлат капитали устидан устуворлигининг ошиб бориши;

• инвестиция фаолиятида иштирок этувчи мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва объектлар сонининг муттасил ўсиш суръатига эга бўлаётгани;

• бўш турган пул маблағларини жамлаш ва уларни инвестиция фаолиятига жалб қилиш орқали инвестициялар билан боғлиқ талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган инвестиция бозорнинг шаклланганлиги, шунингдек, унинг институтларини ташкил қилиш жараёнининг ривожланаётганлиги каби йўналишларда ўз ифодасини топмоқда.

Ушбу жараёнлар тадрижий йўл билан босқичма-босқич равишда инвестиция капиталини шакллантириш тизимини мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш учун катта имкониятлар яратади, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга инвестиция капитали таркиби ва инвестициялаш субъектлари ташкилий тузилмаларининг бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ўзгариши инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва диверсификациялаш жараёнини янада такомиллаштириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиши табиийдир. Давлатнинг инвестиция фаолиятини амалга оширишдаги иштирокининг пасайиши ўтиш даврида инвестиция фаолият турларига жалб этиладиган давлат даромадлари ҳажмининг камайиши оқибатида юз беради. Демак, иқтисодиётнинг устувор, айниқса реал тармоқларини давлат бюджети ҳисобидан инвестициялаш талабларининг пасайиб бориши молиялаштириш билан боглиқ муаммоларни хусусий сектор орқали ҳал этиш мумкинлигини объектив ҳақиқатга айлантиради. Бироқ, ҳозирча хусусий сектордаги корхоналар, банклар ва аҳолининг молиявий ресурслари кўпайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, уларнинг жорий мавжуд имкониятлари инвестиция фаолиятидаги барча муаммоларни ҳал этиш учун етарли эмас.

Давлат бюджети ҳисобидан инвестиция фаолиятини молиялаштиришда устувор тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қисқариши давлат инвестиция сиёсатининг эътибори хусусий тузилмалар: корхоналар, банклар ва аҳоли зиммасига кўчишини шарт қилиб қўйиши табиийдир. Бироқ, ҳозирча хусусий сектордаги инвестиция фаолият субъектлари миқдори ва сони ортганига қарамай, уларнинг инвестиция фаолиятлардаги ўрни ва мавқеи давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини боса олмаяпти.

Мулкчилик шаклларининг ўзгариб бориши билан инвестиция фаолиятини молиялаштиришдаги давлат манбалари ўрнини тобора турли-туман хусусий инвестиция манбалари эгаллаб бориши, бу эса инвестиция фаолиятининг кенг кўламда номарказлашувига ва, пировардида, инвестиция фаолияти кўлами ва самарасининг ортишига олиб келиши лозим. Бугунги кунда бу жараён асосан давлат мулкини хусусийлаштириш ҳисобига амалга ошмоқда ва натижада инвестиция фаолияти молиявий захира имкониятларини шакллантириш муаммоси юзага чиқди.

Ушбу муаммога оид иқтисодиёт инвестиция-молия ресурсларининг реал, даставвал ишлаб чиқариш секторлари кесимида таҳлил қилиш, жамғармаларни инвестицияларга айлантириш механизмини тараққий эттириш каби муҳим жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ишлаб чиқариш инвестицияларини молиялаштиришнинг барча мавжуд имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш бозор шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари тузилмаси ва мутаносиблигининг ўзгариши билан боғлиқ.

Иқтисодий адабиётларда ички инвестиция манбалари ҳисобига миллий манбалар, шу жумладан корхоналарнинг ўз маблаглари, молия бозори ресурслари, аҳоли жамғармалари, бюджетдан ажратиладиган инвестиция маблағлари тилга олинади. Хорижий инвестициялар, кредитлар ва заёмлар ташқи манбалар деб ҳисобланади. Ушбу тасниф ички ва ташқи манбалар тизимини уларнинг шаклланиш ҳамда умуман миллий иқтисодиёт даражасида қўллаш нуқтаи назаридан акс эттиради. Бироқ, у

мазкур жараёнларни макроиқтисодий даражада таҳлил қилиш мақсадида қўлланиши мумкин эмас.

Зотан, нисбийлик нуқтаи назаридан корхона (фирма) даражасида бюджет инвестициялари, кредит ташкилотлари, суғурта компаниялари, нодавлат нафақа ва инвестиция фондлари ва бошқа шу каби инвесторларнинг маблағлари ички эмас, балки ташқи манбалар ҳисобланади. Шунингдек, корхонанинг ташқи молиявий манбалари бўлиб, аҳолининг инвестиция фаолиятга йўналтириши мумкин бўлган пул жамғармалари ҳам ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимининг аста-секин нодавлат сектори зиммасига ўзгариши ўз навбатида хусусий, жамоа, қўшма корхоналарни ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳамда инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларининг таркибий таснифига ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, хусусий ёки жамоа мулки бўлган корхоналар учун корхона эгаларининг шахсий жамгармалари ички манба вазифасини ўташи мумкин. Хорижий фирмалар билан биргаликда улушли эгалик қилинаётган корхоналар учун хорижий мулкдорнинг инвестициялари мазкур корхона учун ички манба деб қаралади. Демак, бозор муносабатлари тараққий этиб боргани сари корхоналар инвестиция фаолиятининг молиявий манбалари ҳам тобора ранг-баранг бўлиб бораверади.

Шундай қилиб, макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада инвестиция фаолиятини молиявий таъминлашнинг ички ва ташқи манбалари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларининг классификацияси (таснифи)га аниқлик киритиш зарурати инвестициялашнинг бозор моделига ўтиш жараёнидаги объектив ўзгаришлар, инвестиция жараёнларида давлат ва корхоналар функцияларининг тақсимланиши, инвестиция бозори, шунингдек, асосий вазифаси сармояларни жамлаш, сўнг уларни тадбиркорлиак фаолиятига жойлашдан иборат бўлган институтлар тизимининг тараққиётига боглиқ.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвестицияларни молиявий таъминлаш манбаларининг таҳлили шундан далолат берадики, умумий инвестиция ресурслари ҳажмида ички манбалар улуши турли мамлакатларда кўплаб объектив ва

субъектив омилларга боглиқ равишда жиддий фарқланиб туради. Иқтисодий адабиётларда ғарб мамлакатларида инвестицияларнинг ички ва ташқи манбалари ўртасидаги нисбат турлича баҳоланади. Жумладан, Л.Л.Игонинанинг илмий ишларида таъкидланишича, баъзи иқтисодчилар урушдан кейинги даврда турли мамлакатларда молиявий бўлмаган корпорациялар инвестицияларини молиявий таъминлашда ички ва ташқи манбалар ўртасида икки хил кўринишдаги нисбат шаклланди деб ҳисоблайдилар. Улардан бири умумий молиялаштириш манбаларида ўз маблағининг кўплиги билан ажралиб, асосан АҚШ ва Буюк Британияга хос бўлса, асосан жалб этилган ва қарзга олинган маблағ қиёсий ҳажми кўплиги билан ажралиб турадиган яна бири – ГФР ва Японияда учрайди.[67] Одатда, тадбиркорлик даврига боғлиқ равишда инвестицияларни молиявий таъминлаш манбаларининг таркиби ҳам ўзгариб туради, яъни инвестиция фаоллиги ошган жонланиш даврида, масалан, ички манбалар улуши камаяди ва, аксинча, иқтисодий тушкунлик вақтида кўпаяди. Бу инвестициялар кўламининг қисқариши, пул таклифининг озайиши ва кредитлар қимматлашуви билан боғлиқ бўлган ҳолатларнинг у ёки бу даврга тўгри келиши билан изоҳланади.

Масалан, собиқ иттифоқ республикалари иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштириш манбалари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бунинг асосий сабабини инвестициялашнинг ички ва ташқи манбалари нисбатининг ўзгаришига хос бўлган бозор моделига ўтиш даврида аксарият корхоналарнинг бир томондан ссуда ва фонд бозори капиталларидан фойдалана олиш имкониятларининг чекланганлиги билан, иккинчи тарафдан эса, инвестиция фаолиятини молиявий таъминлашда ўзларининг етарли маблағларига эга эмасликлари билан боғлаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ишлаб чиқариш кўламининг тушиб кетиши, тўлов қобилиятининг инкирозга юз тутиши, ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши бир томондан даромад массасини кескин камайтирса, иккинчи томондан катта солиқлар корхоналарга даромаднинг қолган қисмидан инвестиция манбаи сифатида ишлатиш имконини

---

[67] Игонина Л.Л. Инвестиции: учеб. пособие /Л.Л. Игонина; под ред. д-ра экон. наук, проф. В.А. Слепова. – М.: Экономистъ, 2005.

бермаяпти. Зеро, даромаддан инвестиция мақсадларида фойдаланиш кўп жиҳатдан солиқ сиёсатининг таъсири билан боғлиқ. Маълумки, корхоналар даромадларини шакллантириш ва уларнинг массасини кўпайтириш имкониятлари охир оқибатда солиққа тортиш тизимининг бош иктисодий нуқсони, яъни хўжалик юритиш субъектлар зиммасидаги солиқ юкининг оғирлиги билан изоҳланади. Бу бир томондан. Иккинчи томондан эса, корхоналар моддий-техника базасининг заифлиги ва шу боисдан ҳам уни замонавий техника ва технологиялар билан қайта қуроллантириш учун катта ҳажмда ажратиладиган амортизация жамғармаларига бориб тақалади.

Хўжалик юритиш субъектларида амортизация ажратмаларидан инвестиция манбаи сифатида фойдаланиш иқтисодчилар томонидан турлича талқин қилинади. Жумладан, проф.Н.Ҳ. Ҳайдаров ўз илмий изланишларида амортизация ажратмаларини инвестиция жараёнини молиялаштириш манбаси сифатида қараб, асосий фондлар ва уларнинг қийматлари, амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усуллари ва тартиблари ҳақида фикр юритган.[68]

Амортизация сиёсатини амалга ошириш, бир томондан, амортизация ажратмалари ҳажмининг ортиши билан ижобий баҳоланса, иккинчи томондан эса, корхоналар ихтиёрида ўз ресурслари тақчиллиги шароитида муомалада пул етишмаслиги ва тўловсизлик инқирози, мавжуд маблағлардан кўзланган мақсадларда эмас, балки айланма маблағлар ўрнини қоплаш, тўловлар бўйича қарзларни тўлаш каби муаммоларни келтириб чиқаради.

Айтиш керакки, хориж амалиётида тезкор амортизациядан фойдаланиш давлат томонидан хусусий инвестицияларни рағбатлантириш механизмининг ўта муҳим ташкилий қисмларидан бири ҳисобланади. Амортизация қилинаётган капиталдан фойдаланишнинг фойдали муддати қисқарганида унинг тўлиқ тикланиши учун амортизация меъёрлари орттирилади. Амортизация жамғармасига ҳисоблаб ўтказилаётган даромад суммаси солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланганлиги ўз навбатида амортизация ҳисобидан чиқариладиган солиққа тортиш базаси

---

[68] Н.Ҳ.Ҳайдаров Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т., 2003. 104–125-бетлар.

бўлган баланс даромадининг мувофиқ равишда камайиши ҳамда корхона ихтиёрида қолаётган даромаднинг ортишига олиб келади. Бироқ, иқтисодиёти барқарор мамлакатларда қўлланиладиган бундай услубий ёндашувни ўзгача иқтисодий шароитли давлатларнинг инвестиция сиёсатига кўр-кўрона кўчириш мақсадга мувофиқ эмас.

Шунингдек, амортизация ажратмалари айланма маблағлар ўрнини тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилмаслиги, айланма маблағларни шакллантириш муаммосини ўзгача асосда, биринчи навбатда тўлов айланмасини таъминлаш орқали ҳал қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Амортизация сиёсатининг таъсирчанлигини ошириш аксарият ҳолатларда асосий капиталнинг реал қийматини марказлашмаган тамойиллар ёрдамида, бироқ ягона услубий асосда муайян даврдаги мавжуд асосий фондларни рўйхатлаш билан бирга уларнинг бозор қийматини баҳолаш орқали аниқлашни кўзда тутади. Бунда уларнинг фойдаланилаётган ва ҳаракатсиз ётган қисмини ажратиб, қолган қисмини амортизация ажратмалари миқдорини мувофиқлаштириш ва корхона мулкидан камроқ солиқ тўлаш мақсадида хўжалик айланмасидан чиқариш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Бундай шароитда асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш жуда қийин кечади ва бу ўз навбатида хўжалик юритиш субъектларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатади. Ваҳоланки, бозор муносабатлари ва рақобати шароитида ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш, сифатли маҳсулотлар экспорти ҳажмини кўпайтириш масалаларини тезкорлик билан ҳал этишни асосий воситаларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган инновацион техника ва технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам республикамизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг негизида ҳам асосий капиталларга имкон даражасида кўпроқ инвестициялар жалб қилиш ғояси ётади.

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳажми ўзгаришини акс эттирувчи жадвал маълумотлари таҳлили 2015–2020 йилларда Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳажмида ижобий ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатмоқда (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳажми ўзгариши тўғрисида**

## МАЪЛУМОТ

млрд. сўм

| № | Макроиқтисодий кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | Фарқи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | |
| 1. | Ялпи ички маҳсулот | 210 183,1 | 242 495,5 | 302 536,8 | 406 648,5 | 510 117,2 | 580 203,2 | +370 020 |
| 2. | Саноат маҳсулоти | 97 598,2 | 111 869,4 | 148 816,0 | 235 340,7 | 322 535,8 | 367 078,9 | +195 196 |
| 3. | Истеъмол товарлари, | 42 085,5 | 48 253,8 | 59 690,4 | 83 512,6 | 110 321,0 | 119 159,8 | +77 074 |
| 4. | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги [2)] | 103 302,0 | 119 726,7 | 154 369,4 | 195 095,6 | 224 265,9 | 260 306,8 | +156986 |
| 5. | Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 44 810,4 | 51 232,0 | 72 155,2 | 124 231,3 | 195 927,3 | 202 000,1 | +157 190 |
| 6. | Қурилиш ишлари | 25 423,1 | 29 413,9 | 34 698,0 | 51 129,3 | 71 156,5 | 87 823,8 | +62 400 |
| 7. | Чакана товар айланмаси | 71 184,1 | 88 071,6 | 105 229,9 | 133 195,2 | 164 184,2 | 194 843,5 | +123 659 |
| 8. | Хизматлар жами | 78 530,4 | 97 050,0 | 118 811,0 | 150 889,8 | 193 697,8 | 218 853,5 | +140 323 |
| 9. | Ташқи савдо айланмаси, *млн. АҚШ долл.* | 24 924,2 | 24 232,2 | 26 566,1 | 33 429,9 | 41 751,0 | 36 299.3 | 11 375 |
| 10. | экспорт | 12 507,6 | 12 094,6 | 12 553,7 | 13 990,7 | 17 458,7 | 15 127,7 | +2 620 |
| 11. | импорт | 12 416,6 | 12 137,6 | 14 012,4 | 19 439,2 | 24 292,3 | 21 171,5 | +8 715 |
| 12. | Салдо(+;-) | 91,0 | -43,0 | -1 458,7 | -5 448,5 | -6 833,6 | -6 043,8 | х |

Хусусан, 2015–йилга нисбатан ялпм ички маҳсулот ҳажми ушбу даврда ялпи ички маҳсулот ҳажми 377 020 млрд. сўмга, саноат маҳсулоти 195 196 млрд. сўмга, истеъмол товарлари 77 074 млрд.сўмга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 156 986 млрд. сўмга, асосий капиталга киритилган инвестициялар 157 190 млрд. сўмга, қурилиш ишлари 62 400 млрд. сўмға, чакана товар айланмаси 123 659 млрд. сўмга, хизматлар ҳажми 140 123 млрд. сўмга ошган. Шунингдек, ташқи савдо айланмаси 11 373 млн. АҚШ долларига ошганлигини кузатишимиз мумкин.

Шу ўринда яна бир ижобий характерга эга тенденцияни алоҳида қайд этиш лозим. Яъни, шу йиллар давомида асосий капитални молиялаштириш манбалари таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлганини ва шу жараёнга йўналтирилаётган давлат бюджети маблағлари улушининг камайиш, корхона ва бошқа нодавлат мақомидаги хўжалик юритиш субъектлари улушининг эса ўсиш суръатига эга бўлаётганини кузатиш мумкин.

Инвестиция ҳажмларининг молиявий манбалар ва уларнинг таркибига, шунингдек, инвестицияларни жойлаш шарт-шароитининг ўзгаришига боғлиқлиги истиқболини илмий-амалий нуқтаи назаридан белгилашни регрессион моделлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Чунки, ўтиш даврининг ўзига хос шарт-шароитлари хар бир мамлакат иқтисодиётида инвестициялар, шунингдек, уларнинг турларига бўлган талабни олдиндан башоратлашни тақозо этиши билан бирга, тараққий этган бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни бошқариш услубиётининг ғарб тажрибасидан кўр-кўрона фойдаланишни инкор қилишни заруриятга айлантиради.

Бундай ҳолатларни, бир томондан, фойдаланилмаётган ва эскирган асосий капиталнинг тўпланиб қолганлиги ва, иккинчи томондан, инвестицияларга бўлган талабни қондириш учун тўлов имкониятларининг тушиб кетганлиги натижасида баъзи даврларда соф инвестицияларнинг салбий кўриниш олиши билан изоҳлаш мумкин. Бу эса асосий капиталга соф

инвестициялар жойлашга қаратилган инвестиция функцияларидан фойдаланишга тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, катта миқдордаги фойдаланилмаётган қувватларнинг мавжудлиги инвестиция параметрларини аниқлашда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш индексини ҳисобга олиш заруратини келтириб чиқаради. Инвестиция функцияларининг экзоген ўлчовларини танлашда чекловлар келтириб чиқарадиган асосий сабаблардан бири статистика нуқтаи назаридан репрезентатив ҳисобот маълумотлари қаторини қуришнинг реал имкони йўқлигидир. Ушбу маълумотларнинг омилли ва натижавий белгилари ўртасидаги мослашувчи алоқани ишончли баҳолаш учун эса статистик база сифатли, реал ва презентатив бўлиши шарт.

Корхоналар даражасида инвестициялашнинг ташқи манбалари, яъни марказлаштирилган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, хусусий инвесторлар (аҳоли, тижорат банклари, инвестиция фондлари ва компаниялари кабилар) фаолиятини фаоллаштириш ва хорижий инвестицияларни, имкон даражасида тўғридан-тўғри, жалб этиш устувор вазифалар сифатида қаралиши ва ҳал этилиши лозим. Шунинг билан бирга давлатнинг инвестиция фаолиятидаги иштирокининг фаоллашуви инвестиция танқислигини енгиб ўтишнинг энг муҳим манбаи ва омили эканлигини ҳам унутмаслик керак. Бу, айниқса бўлиб ўтган молиявий-иқтисодий инқирозлар шароитида давлатнинг иқтисодиёт соҳаларига аралашувининг кучайиши бозор механизмини шакллантириб бўлган мамлакатлар учун ҳам хосдир. Бироқ давлатнинг инвестиция фаолиятидаги иштироки турли шаклда, масалан, инвестициялашнинг марказлашмаган ва хусусий молиялаштириш манбаларини ривожлантириш ва улар фаолиятини рағбатлантириш асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Жумладан, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг бевосита йирик инвесторлик роли асосий ҳаётий таъминот ва хусусий капитал учун жозибадор бўлмаган ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, муҳим давлат аҳамиятига эга

тармоқларга нисбатан сақланиб қолади. Мисол учун, ҳозирги пайтда товарларнинг илмий асосда яратилиши ва рақобатдошлигини таъминлайдиган номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари давлатнинг алоҳида кўмагидан фойдаланмоқдалар. Бир қатор ғарб давлатларида ЯИМ нинг 30–50% га қадар қисми бюджет орқали шу йўналишларга тақсимланади. Шу билан бирга давлатнинг инвестицияларни молиялаштиришни таъминлашини нафақат марказлашган манбалар ҳажми нуқтаи назаридан, балки давлат кафолатлари, суғурталаш ва хусусий сармоядорлар учун тадбиркорлик майдони яратиш нуқтаи назаридан ҳам роли ва аҳамияти ортади. Ўзбекистон иқтисодиётида давлатнинг халқ хўжалиги реал тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини инвестициялаш жараёнидаги ролини фаоллаштириш зарурати яна шу билан асосланадики, бир қатор объектив-иқтисодий шарт-шароитлар туфайли хусусий капитал ишлаб чиқариш соҳаларига камдан кам йўлланади (баъзи тармоқларни истисно қилганда) ва у деярли бутунлай хусусий маблағлар ҳисобига инвестицияланиши натижасида вужудга келадиган сармоя танқислиги инвестициялар ҳажмининг тобора қисқаришига олиб келади.

Марказлаштирилган инвестициялаш манбалари маблағларини шакллантириш жараёнида инвестиция ва жорий харажатларни алоҳида ажратиш, бюджет маблағларини аниқ мақсад ва манзилли ишлатиш, хусусан ғазначилик тизими орқали назорат қилишни кучайтириш, марказлашган инвестициялар самарадорлигини оширадиган янги механизмлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Фаол давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш корхоналарнинг самарали ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талабларига мос фаолият юритишларини таъминлайдиган инвестиция механизмларини жонлантириш, маҳаллий рақобатбардош, биринчи навбатда, юқори технологияли, жаҳон бозорида етакчи ўринларга интиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, давлат буюртмалари, кафолат ва инвестиция дастурлари тизими асосида мақсадли инновация ва инвестиция

лойиҳалари бозорини шакллантириш, уларнинг биргаликда молиявий таъминланишини кўзда тутади.

Шу билан бирга, инвестициялашнинг бозор моделини шакллантиришдаги давлатнинг инвестиция жараёнидаги иштироки фаоллашуви асосида сармоя фаолиятини иқтисодий мувофиқлаштиришни кучайтириш, инвестиция инфратузилмасининг ривожига кўмаклашиш, хусусий сармояларнинг ўсишини рағбатлантирадиган маъмурий-ҳуқуқий ва иқтисодий муҳит яратиш кабилар ётади.

Хусусий инвесторлар маблағларини инвестиция манбаи сифатида жалб этиш иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида ўта муҳим вазифалардан биридир. Таҳлиллар ҳали ҳамон ишлаб чиқаришни инвестициялаш мақсадларида фойдаланилмаган катта ҳажмдаги ресурслар мавжудлигидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан энг муҳим ресурслардан бири аҳоли жамгармалари бўлиб, бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда улар жамғарма тузилмасининг деформациялашуви, пулни хорижий валюта шаклида сақлаш, кредит ва фонд ташкилотларига ишончнинг пастлиги каби омиллар таъсирида реал эмас, балки потенциал инвестиция сифатидаги манбалар ҳисобланади.

Даромадлар дифференциациясининг кучайиши оқибатида аҳоли пул маблағлари жамғармасининг ўртача нормаси ортди, чунки юқори даромад оладиган гуруҳлар жамғармаси ва даромади нисбат камдаромад ва ўрта даромадли гуруҳларникига нисбатан каттароқ бўлиб, бунда жамғармаларнинг ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар бўйича тузилмаси ўзгариб кетди. Аҳолининг учдан бир қисмини ташкил этган кам даромад олувчилар жамғармалари умумий ҳажмда 2,8% ни ташкил этган бир пайтда, аҳоли салмогининг бор-йўғи 5 % га тенг бўлган юқори даромад эгалари 77% жамғармага эгалик қиладилар. Жамғармаларнинг асосий массаси юқори даромадли шахслар қўлида эканлиги уларни реал ишлаб чиқариш инвестицияларига ўтказиш имкониятини кўриб чиқишни тақозо этади.

Жамғармаларнинг бош субъекти бўлган юксак даромад эгалари тўпланган маблағни кредитлаш таваккалчилиги ортиб бораётган реал секторга эмас, балки муомала (воситачилик, фонд, валюта амалиёти, ташқи савдо ишлари ва ҳ.к.), хорижий банк ҳисоб-рақамларига, хорижда кўчмас мулк харид қилишга сарфлайдилар. Жамғармалар тузилмасининг таркибий ўзгариши шунда ифодаланадики, уюшган жамғармаларнинг пул қўйилмалари ва қимматли қоғозлардаги улуши қисқариб, «ишончлилик-ликвидлилик» мезони нуқтаи назаридан анча жозибадор кўринган накд хорижий валютага пул жойлаш ҳажми ортишида намоён бўлади.

Тижорат банклари ва бошқа турдаги молиявий воситачилар (нафақа фондлари, инвестиция фондлари ва компаниялари, суғурта жамиятлари ва бозор иқтисодиётида жамғармалардан инвестициялар тарзида фойдаланишда муҳим ўрин тутган бошқа молия-кредит институтлари) инвестиция фаолиятини фаоллаштириш вазифасини ҳал қилиш қулай шарт-шароит, имтиёзлар ва кафолатлар яратиш бўйича чоралар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назарда тутади. Бу эса инвестиция жараёнига тижорат банкларининг ҳам шахсий, ҳам мижозларга қарашли хорижий валюта, хорижий валютадаги қимматли қоғозларга жойланган ва хорижда банк ҳисоб-рақамларига ўтказилган валюта ресурсларидан ҳам сармоя сифатида фойдаланишнинг муҳим шартларидан биридир. Шу боисдан ҳам, бизнингча, тегишли шарт-шароитларни яратиш асосида мазкур валюта активларидан бошқа капиталлар сингари инвестиция фаолиятини жонлантириш мақсадида фойдаланиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

## 3.2. Инвестиция жараёнларини молиявий таъминлаш манбалари таркибий тузилмалари ўзгаришлари таҳлили

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида, бозор механизми ҳамда тамойилларига мос

келадиган турли мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллари пайдо бўлиши натижасида давлат мулки улушининг салмоғи камайиб, ЯИМ қийматида нодавлат сектори ҳиссасининг ўсиш тенденцияси таъминланди. Натижада, ЯИМ қиймати, шунингдек, давлат бюджетининг даромад қисмида ҳам молиявий тушум манбаларининг таркиби ўзгариб, капитал маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестициялашнинг марказлашмаган манба ва бозор субъектларини шакллантириш механизмларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди Бунинг самараси ўларок Ўзбекистон иқтисодиётида инвестиция фаолиятини тобора фаоллаштиришда давлатнинг бевосита инвестор сифатидаги роли ва ўрни камайиб, хусусий инвесторларнинг тараққий этиб боришини кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида янги институционал тузилмаларнинг пайдо бўлиши, инвестиция инфратузилма субъектлари, яъни тижорат банклари, махсус молия-кредит инвестиция институтлари кабиларнинг шаклланиши билан ифодаланади (3.2.1-жадвал).[69]

Марказлашган ва марказлашмаган молиявий ресурсларнинг йиллар давомида динамик ўзгаришларини кузатганимизда қуйидагича ҳолатни кўрамиз (3.2.1-жадвал). 2020–йил мамлакатимиз инвестиция фаоллиги пасайгани кузатилиб, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 91.8 фоизни ташкил этди.

2020 – йил 202.0 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, уларнинг 65.4 фоизи ёки 132.0 трлн. сўми жалб этилган маблаглар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 34.6 фоизи ёки 70.0 трлн. сўми молиялаштирилди. Жами инвестициялар ҳажмида, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, 2020 йилнинг мос давридаги улушига нисбатан 8.0 фоизга камайиб, 19.5 фоизни ёки 39 310.2

[69] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, stat.uz

млрд. сўмни ташкил этди. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 162 289.9 млрд. сўм ёки жами инвестицияларнинг 80.5 фоиз инвестициялари ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 8.0 фоизга кўпайди. 2020–йилда корхона ва ташкилотларнинг ўз маблаглари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар 51 911.3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 25.7 фоизини ташкил этди. Аҳоли маблаглари ҳисобидан жами асосий капиталга инвестицияларнинг 8.9 фоизи ёки 18 077.8 млрд. сўми ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 28 740.5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019–йилга нисбатан 5.3 фоиз камайиб, 14.2 фоизни ташкил этди.

Шуни эътиборга олиб, бозор муносабатлари шароитида инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантиришнинг асосий, қулай шарт-шароитлари, бизнинг фикримизча, қуйидагича, яъни:

- инвестиция фаолиятини амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг сезиларли даражада кўпайиши;
- хусусий капиталнинг давлат капитали устидан устуворлигининг ошиб бориши;
- инвестиция фаолиятида иштирок этувчи мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва объектлар сонининг муттасил ўсиш суръатига эга бўлаётгани;
- бўш турган пул маблағларини жамлаш ва уларни инвестиция фаолиятига жалб қилиш орқали инвестициялар билан боғлиқ талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган инвестиция бозорининг шаклланганлиги, шунингдек, унинг институтларини ташкил қилиш жараёнининг ривожланаётганлиги каби йўналишларда ўз ифодасини топмоқда.

Ушбу жараёнлар тадрижий йўл билан босқичма-босқич равишда инвестиция капиталини шакллантириш тизимини мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларига мос ҳолда

такомиллаштириб бориш учун катта имкониятлар яратади деб ҳисоблаймиз.

**3.2.1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби**

(% ҳисобида)

| Т/р | Молиялаштириш манбалари | йиллар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| | **Асосий капиталга инвестициялар** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **100** | **100** |
| | *Шу жумладан:* | | | | | |
| 1. | **Марказлашган инвестициялар** | **20.5** | **22,3** | **29.7** | **27.5** | **19.5** |
| 1.1. | Бюджет маблағлари | 4.3 | 4.8 | 4.6 | 9.0 | 6.5 |
| 1.2. | Давлат мақсадли пул маблағлари | 4.6 | 3,3 | 4.7 | 3.4 | 2.9 |
| 1.3. | Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси | x | x | x | 0.9 | 1.0 |
| 1.4. | Болалар спортини ривожлантириш фонди | 0.6 | 0.2 | 0.2 | x | x |
| 1.5. | Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | 6.4 | 7.9 | 6.4 | 3.4 | 0.9 |
| 1.6. | Хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар | 6.4 | 6.1 | 13,8 | 14.2 | 11.1 |
| 2. | **Марказлашмаган инвестициялар** | **79.5** | **77.7** | **70.3** | **72.5** | **80.5** |
| 2.1. | Корхона маблағлари | 29.5 | 29.2 | 30.6 | 21.3 | 25.7 |
| 2.2 | Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлар | 10.8 | 12.7 | 17.8 | 13.8 | 14.1 |
| 2.3. | Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар | 14.3 | 17.7 | 10.5 | 29.4 | 14.2 |
| 2.4 | Аҳоли маблағлари | 24.9 | 18.1 | 11.4 | 8.0 | 8.9 |

Шу билан бирга инвестиция капитали таркиби ва инвестициялаш субъектлари ташкилий тузилмаларининг бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ўзгариши инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва диверсификациялаш жараёнини янада такомиллаштириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиши табиийдир. Давлатнинг инвестиция фаолиятини амалга оширишдаги иштирокининг пасайиши ўтиш даврида инвестиция фаолияти турларига жалб этиладиган давлат даромадлари ҳажмининг камайиши оқибатида юз беради. Демак, иқтисодиётнинг устувор, айниқса реал тармоқларини давлат бюджети ҳисобидан инвестициялаш талабларининг пасайиб бориши молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни хусусий сектор орқали ҳал этиш мумкинлигини объектив ҳақиқатга айлантиради. Бироқ, ҳозирча хусусий сектордаги корхоналар, банклар ва аҳолининг молиявий ресурслари кўпайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, уларнинг жорий мавжуд имкониятлари инвестиция фаолиятидаги барча муаммоларни ҳал этиш учун етарли эмас.

Ушбу муаммоға оид иқтисодиёт инвестиция-молия ресурсларининг реал, даставвал ишлаб чиқариш секторида таҳлил қилиш, жамғармаларни инвестицияларга айлантириш механизмини тараққий эттириш каби муҳим жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ишлаб чиқариш инвестицияларини молиялаштиришнинг барча мавжуд имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш бозор шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари тузилмаси ва мутаносиблигининг ўзгариши билан боғлиқ.

Инвестиция фаолиятини амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг таҳлили бўйича иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазалари турли хиллигини кўриш мумкин. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини назарий жиҳатлари тўғрисида проф. Я.Миркин[70], инвестицияларни молиялаштиришнинг реал, истиқболли шакли

[70] Миркин Я. Рынок ценных бумаг России: воздействие фундаментальных факторов, прогноз и политика развития. – Москва: Альпина Паблишер. 2002. – С. 117.

компанияларнинг жамгармаларини иккиламчи бозордан акциядорлик капиталига жойлаштиришни кўпайтириш ҳисобланади, аммо инвестицияларни молиялаштиришнинг бу манба даражаси жуда пастлигини қайд этади. Таникли иқтисодчи олимлар У.Шарп[71] ҳам инвестиция фаолиятини фонд бозори орқали молиялаштириш механизмига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрига кўра, қимматли қоғозларнинг даромадлилиги ва рисклилиги ўртасидаги тўғридан-тўгри алоқага эга бўлган оқилона инвестиция стратегия ва сиёсати инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг асоси ҳисобланади. Молиявий воситачилар (тижорат банклари, жамғарма ва кредит уюшмалари, кредит иттифоқлари, суғурта компаниялари, ўзаро ёрдам фондлари, пенсия фондлари) эса, корпорацияларни фонд бозоридан қўшимча маблағлар жалб қилиш имкониятини билвосита таъминлайди.

Бизнинг фикримизча, Я.Миркиннинг фонд бозори орқали инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизми хусусидаги фикри алоҳида илмий-амалий аҳамият касб этади. Бунинг боиси шундаки, кўпчилик МДҲ мамлакатларида корпоратив акция ва облигацияларга қилинадиган инвестицияларнинг риск даражаси юқорилиги ва инвесторлар ишончининг пастлиги фонд бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар эканлиги қатор илмий изланишларда ўз ифодасини топган. У.Шарп томонидан таъкидланганидек, инвестиция фаолиятини молиялаштиришда молиявий воситачиларнинг роли ва улар манбалари давлатнинг оқилона инвестиция стратегияси ҳамда сиёсатига боғлиқдир. Чунки инвесторлар ўз маблаглари самарадорлиги юқори ва ҳимояланган ҳудудларга инвестиция киритишни мақбул кўрадилар.

Иқтисодий адабиётларда ички инвестиция манбалари ҳисобига миллий манбалар, шу жумладан корхоналарнинг ўз маблағлари, молия бозори ресурслари, аҳоли жамғармалари, бюджетдан ажратиладиган инвестиция маблаглари тилга олинади.

Хорижий инвестициялар, кредитлар ва заёмлар ташқи манбалар деб ҳисобланади. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви шароитида хорижий инвестицияларни кенг

[71] Шарп У. идр. Инвестиции. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2001. – С. 9-10.

кўламда жалб қилиш ва самарали ўзлаштириш масаласи ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Хорижий инвестициялар ривожланаётган мамлакатлар учун ташки молиялаштиришнинг зарурий ва муҳим манбаи бўлгани ҳолда, ўзи билан бирга, жуда кўп пайқаладиган ва сезилмайдиган активлар, турли-туман технологик, ахборот, молия оқимларини, менежмент малакаларини, жаҳон бозорларидаги иш тажрибаларини ва бошқаларни олиб киради.

Хорижий инвестицияларни, шу жумладан тўгридан-тўгри хорижий инвестицияларни жалб этмасдан туриб Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш бўйича 2017–2021 йилларда ривожлантириш стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни тўлик бажариш қийин кечади. Инвестицияларни молиялаштиришда турли манбаларнинг ўзаро нисбатлари моҳият эътибори билан инвестициялар қийматини сақлаш ва уларни капиталлаштириш бўйича тегишли рисклар мажмуини тавсифлайди. Шу нуқтаи-назардан, молиялаштириш манбаларида хорижий инвестициялар ролини ошириш банд этиладиган, боғланадиган ресурслардан самарали фойдаланиш гарови ҳисобланади.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизими доирасида соликларнинг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади. Тўгридан-тўгри хорижий инвестициялар оқимини кенгайтириш мақсадида, хорижий инвесторларни ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунларига қадар барча кўринишдаги божхона тўловлари, солиқлар, йиғимлардан имтиёзлар ва преференциялар қўллаш тажрибада синалган самарали усул ҳисобланади.

Шу мақсадда ҳозирда мамлакатимизда ҳозирда тўгридан-тўгри хорижий инвестицияларни киритишда имтиёзли солиққа тортиш тартиби қўлланилиб келинмоқда

Зотан, нисбийлик нуқтаи-назаридан корхона (фирма) даражасида бюджет инвестициялари, кредит ташкилотлари, суғурта компаниялари, нодавлат нафақа ва инвестиция фондлари ва бошқа шу каби инвесторларнинг маблаглари ички эмас, балки ташқи манбалар ҳисобланади. Шунингдек, корхонанинг ташқи молиявий манбалари бўлиб, аҳолининг инвестиция фаолиятига

йўналтириши мумкин пул жамғармалари ҳам ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимининг аста-секин нодавлат сектори зиммасига ўзгариши ўз навбатида хусусий, жамоа, қўшма корхоналарни ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳамда инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларининг таркибий таснифига ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, хусусий ёки жамоа мулки бўлган корхоналар учун корхона эгаларининг шахсий жамгармалари ички манба вазифасини ўташи мумкин. Хорижий фирмалар билан биргаликда улушли эгалик қилинаётган корхоналар учун хорижий мулкдорнинг инвестициялари мазкур корхона учун ички манба деб қаралади. Демак, бозор муносабатлари тараққий этиб боргани сари корхоналарнинг инвестиция фаолиятини молиявий таъминлаш манбалари ҳам тобора ранг-баранг бўлиб бораверади.

Шу ўринда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш эвазига корхоналар томонидан иқтисодиётга киритилган инвестициялар ички ёки ташқи манба ҳисобланиш масаласи эътибордан четда қолаётганлигини кўриш мумкин. Инвестиция манбаларига баҳо беришда ушбу тоифадага маблағларга ҳам баҳо беришимиз мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, ушбу манба ташқи манба ҳисобланади. Чунки ушбу инвестиция маблағлари давлат бюджетига тушадиган даромад ҳисобига шаклланган. Давлат иқтисодий жараёнларни тезлаштириш ва улар самарадорлигини ошириш мақсадида инвесторларга ўз даромади бир қисмини мақсадли ажратмокда. Шунингдек, ушбу маблағлар бухгалтерия ҳисобида ҳам алоҳида счетларда ҳисобга олинади ва мақсадли ишлатилиши назорат олинади. Агар маблаглар мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланса, солиқ имтиёзлари ҳисобидан жамланган маблағ бюджетга олиб қўйилади.

Шундай қилиб, макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада инвестиция фаолиятини молиявий таъминлашнинг ички ва ташқи манбалари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларининг классификацияси (таснифи)га аниқлик киритиш зарурати инвестициялашнинг бозор моделига ўтиш жараёнидаги объектив ўзгаришлар, инвестиция

жараёнларида давлат ва корхоналар функцияларининг тақсимланиши, инвестиция бозори, шунингдек, асосий вазифаси сармояларни жамлаш, сўнг уларни тадбиркорлик фаолиятига жойлашдан иборат бўлган институтлар тизимининг тараққиётига боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвестицияларни молиявий таъминлаш манбаларининг таҳлили шундан далолат берадики, умумий инвестиция харажатлари ҳажмида ички манбалар улуши турли мамлакатларда кўплаб объектив ва субъектив омилларга боғлиқ равишда жиддий фарқланиб туради. Иқтисодий адабиётларда ғарб мамлакатларида инвестицияларнинг ички ва ташқи манбалари ўртасидаги нисбат турлича баҳоланади.

Жумладан, Л.Л.Игонинанинг илмий ишларида таъкидланишича, баъзи иқтисодчилар урушдан кейинги даврда турли мамлакатларда молиявий бўлмаган корпорациялар инвестицияларини молиявий таъминлашда ички ва ташқи манбалар ўртасида икки хил кўринишдаги нисбат шаклланди деб ҳисоблайдилар. Улардан бири *умумий молиялаштириш манбаларида* ўз маблағининг кўплиги билан ажралиб, асосан АҚШ ва Буюк Британияга хос бўлса, асосан жалб этилган ва қарзга олинган маблағ қиёсий ҳажми кўплиги билан ажралиб турадиган яна бири – ГФР ва Японияда учрайди.[72] Одатда, тадбиркорлик даврига боғлиқ равишда инвестицияларни молиявий таъминлаш манбаларининг таркиби ҳам ўзгариб туради, яъни инвестиция фаоллиги ошган жонланиш даврида, масалан, ички манбалар улуши камаяди ва, аксинча, иқтисодий тушкунлик вақтида кўпаяди. Бу инвестициялар кўламиниг қисқариши, пул таклифининг озайиши ва кредитлар қимматлашуви билан боғлиқ бўлган ҳолатларнинг у ёки бу даврга тўғри келиши билан изоҳланади.

Масалан, ўтиш даврини бошидан кечиртган собиқ иттифоқ республикалари иқтисодиётида инвестицияларни молиялаш-

---

[72] Игонина Л.Л. Инвестиции: учеб. пособие /Л.Л. Игонина; под ред. д-ра экон. наук, проф. В.А. Слепова. - М.: Экономистъ, 2005. С. 35–36.

тириш манбалари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бунинг асосий сабабини инвестициялашнинг ички ва ташқи манбалари нисбатининг ўзгаришига хос бўлган бозор моделига ўтиш даврида аксарият корхоналарнинг бир томондан ссуда ва фонд бозори капиталларидан фойдалана олиш имкониятларининг чекланганлиги билан, иккинчи тарафдан эса, инвестицион фаолиятни молиявий таъминлашда ўзларининг етарли маблагларига эга эмасликлари билан боғлаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Тажрибадан маълумки, ишлаб чиқариш кўламининг тушиб кетиши, тўлов қобилиятининг инкирозга юз тутиши, ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши бир томондан даромад массасини кескин камайтирса, иккинчи томондан, катта солиқлар корхоналарга даромаднинг қолган қисмидан инвестиция манбаи сифатида ишлатиш имконини бермайди. Зеро, даромаддан инвестиция мақсадларида фойдаланиш кўп жиҳатдан солиқ сиёсатининг таъсири билан боғлиқ. Маълумки, корхоналар даромадларини шакллантириш ва уларнинг массасини кўпайтириш имкониятлари охир оқибатда солиққа тортиш тизимининг бош иқтисодий нуқсони, яъни хўжалик юритиш субъектлар зиммасидаги солиқ юкининг оғирлиги билан изоҳланади. Бу бир томондан. Иккинчи томондан эса, корхоналар моддий-техника базасининг заифлиги ва шу боисдан ҳам уни замонавий техника ва технологиялар билан қайта қуроллантириш учун катта ҳажмда ажратиладиган амортизация жамғармаларига бориб тақалади.

Шу ўринда яна бир ижобий характерга эга тенденцияни алоҳида қайд этиш лозим. Яъни, йиллар давомида асосий капитални молиялаштириш манбалари таркибида жиддий ўзғаришлар содир бўлганини ва шу жараёнга йўналтирилаётган марказлаштирилган *(бюджет)* маблағлари улушининг камайиш, марказлаштирилмаган *(корхона ва бошқа нодавлат мақомидаги хўжалик юритиш субъектлари)* улушининг эса ўсиш суръатига эга бўлаётганини кузатиш мумкин.

Ушбу жараёнлар тадрижий йўл билан босқичма-босқич равишда инвестиция капиталини шакллантириш тизимини мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларига мос ҳолда

такомиллаштириб бориш учун катта имкониятлар яратади деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга инвестиция капитали таркиби ва инвестициялаш субъектлари ташкилий тузилмаларининг бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ўзгариши инвестицион фаолиятни ривожлантириш ва диверсификациялаш жараёнини янада такомиллаштириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиши табиийдир. Давлатнинг инвестицион фаолиятни амалга оширишдаги иштирокининг пасайиши ўтиш даврида инвестицион фаолият турларига жалб этиладиган давлат даромадлари ҳажмининг камайиши оқибатида юз беради. Демак, иқтисодиётнинг устувор, айниқса реал тармоқларини давлат бюджети ҳисобидан инвестициялаш талабларининг пасайиб бориши молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни хусусий сектор орқали ҳал этиш мумкинлигини объектив ҳақиқатга айлантиради (3.2.2-жадвал).

Мамлакат инвестицион фаолияти таҳлил қилинганда ҳудудий (вилоятлар) таксимоти ҳам назарда тутилади.

Корхоналар даражасида инвестициялашнинг ташқи манбалари, яъни марказлашган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, хусусий инвесторлар (аҳоли, тижорат банклари, инвестиция фондлари ва компаниялари кабилар) фаолиятини фаоллаштириш ва хорижий инвестицияларни, имкон даражасида тўғридан-тўғри, жалб этиш устувор вазифалар сифатида қаралиши ва ҳал этилиши лозим. Шунинг билан бирга давлатнинг инвестиция фаолиятидаги иштирокининг фаоллашуви инвестиция танқислигини енгиб ўтишнинг энг муҳим манбаи ва омили эканлигини ҳам унутмаслик керак. Бу, жумладан, айниқса молиявий-иктисодий инқирозлар шароитида давлатнинг иқтисодиёт соҳаларига аралашувининг кучайиши бозор механизмини шакллантириб бўлган мамлакатлар учун ҳам хосдир. Бозор муносабатларига ўтиш босқичларини бошдан кечираётган Ўзбекистон шароитида эса давлатнинг инвестиция жараёнига аралашуви долзарб ва зарурият бўлиб қолаверади. Бироқ давлатнинг инвестиция фаолиятидаги иштироки турли шаклда, масалан, инвестициялашнинг марказлашмаган ва хусусий молиялаштириш манбаларини ривожлантириш ва улар фаолиятини рагбатлантириш асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

**3.2.2-жадвал[73]**

## 2020 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши

| | *Млрд. сўм* | *Ўсиш суръати, % да* | *Жамига нисбатан % да* |
|---|---|---|---|
| **Асосий капиталга инвестициялар** *шу жумладан:* | **107333,0** | **118,1** | **100,0** |
| **Марказлашган инвестициялар** | **34448,4** | **159,9** | **32,1** |
| бюджет маблағлари | 4124,1 | 88,7 | 3,8 |
| Давлат мақсадли жамғармалари | 5468,7 | 170,6 | 5,1 |
| Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси | 271,2 | 129,0 | 0,3 |
| Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | 7894,8 | 103,7 | 7,4 |
| Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар | 16689,6 | 2,8р | 15,5 |
| **Марказлашмаган инвестициялар** | **72884,6** | **105,3** | **67,9** |
| корхона маблағлари | 30062,9 | 106,5 | 28,0 |
| аҳоли маблағлари | 12127,8 | 104,1 | 11,3 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 14660,4 | 85,8 | 13,7 |
| тижорат Банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 16033,5 | 131,3 | 14,9 |

[73] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2020 йил”

Жумладан, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг бевосита йирик инвесторлик роли асосий ҳаётий таъминот ва хусусий капитал учун жозибадор бўлмаган ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, муҳим давлат аҳамиятига эга тармоқларга нисбатан сақланиб қолади.

Мисол учун, ҳозирги пайтда товарларнинг илмий асосда яратилиши ва рақобатдошлигини таъминлайдиган номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари давлатнинг алоҳида кўмагидан фойдаланмоқдалар. Бир қатор ғарб давлатларида ЯИМ нинг 30-50% га қадар қисми бюджет орқали шу йўналишларга тақсимланади. Шу билан бирга давлатнинг инвестицияларни молиялаштиришни таъминлашини нафақат марказлашган манбалар ҳажми нуқтаи назаридан, балки давлат кафолатлари, суғурталаш ва хусусий сармоядорлар учун тадбиркорлик майдони яратиш нуқтаи назаридан ҳам роли ва аҳамияти ортади.

Таҳлилларимизнинг гувоҳлик беришича, республикамиз иқтисодиётининг хусусий секторида инвестицион фаолиятни молиялаштириш тизими такомиллашиб, инвестициялаш шакл ва манбаларининг кўпайиши кузатилмоқдаки, бу ҳолатни ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим. Шуни эътиборга олиб, бозор муносабатлари шароитида инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларни сезиларли даражада кўпайтириш;
- хусусий капиталнинг давлат капитали устидан устуворлигининг ошиб боришини таъминлаш;
- инвестицион фаолиятда иштирок этувчи мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва объектлар миқдорининг муттасил ўсиш суръатини таъминлаш;
- бўш турган пул маблағларини жамлаш ва уларни инвестицион фаолиятга жалб қилиш орқали инвестициялар билан боғлиқ талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган инвестицион бозорни шакллантиришда ўз ифодасини топада.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инвестиция сиёсатининг таъсирини янада кучайтиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакат иқтисодиётига сарфланаётган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш, технологик, тармоқ, минтақа, молиялаштириш манбалари, мулк шакллари таркибларини такомиллаштириш мақсадида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларини янада чуқурлаштириш учун инвестиция фаоллигини ошириш зарур.

2. Хом ашё, ярим фабрикатлар билан тугалланган тайёр, қўшилган қийматни ўзида мужассамлаштирган истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбатни юқори технологияли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига ўзгартириш мақсадида инвестицияларни капитал сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқлар (ёқилғи энергетика, металлургия ва кимё саноати)дан қайта ишлаш тармоқларига устун даражада йўналтириш.

3. Корхоналарнинг инвестиция фаоллигини ошириш учун уларнинг молиялаштириш манбалари ва имкониятларини бозор муносабатларининг ривожланиши билан боглиқ бўлган банк кредитлари, бюджетдан ташқари жамгармалар маблаглари ҳисобидан кўпайтириш.

4. Аҳолининг жамғармаларини банк тизимига бўлган ишончни кўпайтириш асосида инвестицион фаоллигини янада ошириш. Кичик бизнес корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида банк кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уй-жой қурилиши, оилавий тадбиркорликни кредитлашни рағбатлантириш зарур.

5. Инвестиция манбалари маблағларини ошириш ва улар самарадорлигини ошириш мақсадида солиқ тизимига инвестиция кредити механизмини жорий этиш ҳамда ундан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Тавсияларни амалиётга жорий этилиши инвестиция ресурсларининг кўпайиши ҳамда уларнинг самарадорлиги ошишига хизмат қиладиган омиллар ҳисобланади.

## 3.3. Давлат инвестиция дастурларига мувофиқ инвестицияларни молиялаштириш манбаларидан самарали фойдаланиш йўллари

Маълумки, фаол инвестиция сиёсати тўғри йўлга қўйилган мамлакатда ривожланиш кузатилади, ишлаб чиқариш салоҳияти ўсади, жаҳон талабларига мос келадиган рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарилади.

Иқтисодиётни трансформация қилишнинг муҳим талабларидан бири инновация ва инвестиция фаолияти турларини кенгайтириш ва уларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат. Бунинг учун мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш керак. Қулай инвестиция муҳити давлат олиб бораётган инвестиция сиёсатининг ташкил этувчилари бўлган молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари *(солиқ, суғурта, субсидия, субвенция, амортизация ажратмалари, кредит ва бошқалар)* орқали амалга оширилади. Мамлакатдаги қулай инвестиция муҳити ва уни шакллантириш омиллари тўғрисидаги қарашларимиз ишнинг 2-бобида батафсил баён этилган. Инвестиция фаолиятини тартибга солишда солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларидан самарали фойдаланиш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади.

Пировардида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолият йўналишларини инновациялар асосида мустақил ва эркин белгилаш муаммолари бозор муносабатларига мос ҳолда ҳал этилади.

Мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти, иқтисодий ривожланиш даражалари, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш сифатлари ва ҳажмининг ўсиши, ишлаб чиқариш инфраструктурасининг тараққиёти кўп жиҳатдан инвестиция сиёсатига боғлиқ бўлиши 3.1-параграфда асослаб берилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг самарали механизмлари жорий этилиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага инвестицияларни жалб этишни таъминлаш мақсадида Инвестиция дастури қабул қилиниб, муайян молиялаштириш манбалари асосида амалга

ошириш амалиёти йўлга қўйилди. Шу сабабли ишда давлат дастурларининг инвестиция ҳолатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва унинг натижаларига кўра дастурлар самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдик.

Инвестиция дастурининг самарадорлиги унинг тўрт таркибий қисми ҳисобланган *назария-услубиёт, ҳуқуқий база, давлатнинг роли ва молиявий (инвестиция) институтларининг* мувофиқлаштириш даражасига боғлиқ бўлади (3.1-чизма).




**3.3.1-чизма. Инвестиция дастури самарадорлигини белгиловчи таркибий қисмлар[74]**

Инвестиция дастурлари таркибий қисмларини ўзаро уйғунлиги ва мувофиқлаштиришни таъминлаш унинг тўлиқ ижроси учун хизмат қилади. Масалан, батафсил ишлаб чиқилган назария ва услубиёт, ҳуқуқий ва меъёрий база, кучли давлат институтлари мавжуд бўлиб, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун молиявий ресурслар бўлмаса, лойиҳа самарадорлиги жуда паст бўлади. Шунингдек, молиявий институтларнинг ўрни белгиланган шароитда ҳуқуқий-меъёрий базанинг тўлиқ шакллантирилмаганлиги инвестор маблағи ҳамда мулкининг ҳимояси кафолати таъминланмай қолиш хавфини оширади.

[74] Чизма муаллиф томонидан тайёрланган

Натижада мавжуд маблағ белгиланган соҳага йўналтирилмайди. Инвестиция ресурслари ва унинг таркиби тўғрисидаги қарашлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар таҳлили натижасида мазкур масалада олимларнинг яхлит тўхтамга келмаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикасида белгиланган меъёрларда молиявий (инвестиция) ресурслари таркибига:[75]

пул маблағлари (шу жумладан, чет эл валютаси) ва бошқа молиявий маблағлар, шу жумладан кредитлар, пайлар, улушлар, акциялар ва бошқа қимматли қогозлар;

кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликлар) ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар;

интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан у ёки бу турдаги ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида чизмайиллаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимлар;

ер участкаларига ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, мулк ҳуқуқларидан келиб чиқувчи бошқа ашёвий ҳуқуқлар киритилган.

Мамлакатимизда шаклланган амалиётга кўра инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари фондларидан амалга оширилади. Бу пул маблағлари фондларининг таркиби қайси манбалардан ташкил топганлиги билан фарқ қилади.

Инвестиция дастурини молиялаштириш манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Марказлаштирилган пул маблағлари, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– давлат бюджети маблағлари;
– давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари;
– ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар;
– ҳукумат қарорларига кўра белгиланадиган бошқа манбалар.

---

[75] Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги 2019 йил 25 декабрда қибул қилинган Қонуни

**3.3.1-жадвал**

**2019-2020 йилларда иқтисодиёт соҳаларига йуналтирилган инвестиция манбалари ўзгаришлари таҳлили**[76]

| Кўрсаткичлар | млрд. сўм | ўсиш суръати %да | умумий ҳажмга нисбатан, %да | |
|---|---|---|---|---|
| | | | 2019 й. | 2020 й. |
| | | | | |
| **Жами** | **138106,6** | **91,3** | **100,0** | **100,0** |
| **марказлашган инвестициялар:** | **30178,7** | **70,3** | **28,5** | **21,8** |
| – республика бюджети | 8987,5 | 69,9 | 8,5 | 6,5 |
| – Молия вазирлиги ҳузуридаги сув билан таъминлаш ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси | 1365,5 | 99,7 | 0,9 | 1,0 |
| – жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси | x | x | x | x |
| – тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари | 1365,7 | 20,7 | 4,4 | 1,0 |
| – шу жумладан, млн. АҚШ долларида | 137,4 | 20,2 | x | x |
| –Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар | 18460,0 | 83,4 | 14,7 | 13,3 |
| шу жумладан, млн. АҚШ долларида | 1857,0 | 81,6 | x | x |
| **марказлашмаган инвестициялар:** | **107927,9** | **99,6** | **71,5** | **78,2** |
| – корхона маблағлари | 37916,3 | 116,3 | 21,6 | 27,5 |
| – аҳоли маблағлари | 12157,2 | 79,8 | 9,8 | 8,8 |
| – тўғридан-тўғри, бошқа ва кафолатланмаган хорижий кредитлар | 38132,7 | 103,3 | 24,4 | 27,6 |
| – шу жумладан, млн. АҚШ долларида | 3835,9 | 101,0 | x | x |
| *шундан:* | | | | |
| – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | 15086,1 | 63,0 | 15,9 | 10,9 |
| – шу жумладан, млн. АҚШ долларида | 1517,6 | 61,5 | x | x |
| – тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 19721,7 | 83,4 | 15,7 | 14,3 |

[76] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (www.stat.uz).

Марказлаштирилмаган пул маблаглари фондлари, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар маблағлари;

– тижорат банкларининг, шу жумладан хорижий тижорат банкларининг кредитлари;

– жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий жисмоний шахслар маблағлари;

– қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

Марказлаштирилган пул маблаглари фақат республика иқтисодиётининг устувор йўналишларига давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш учун уй-жой қурилишига, сув хўжалиги қурилишига, аҳоли яшайдиган жойларнинг муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга, давлат бошқаруви органлари, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига, умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва табиий офатлардан ҳимоя қилиш иншоотлари қурилишига ажратилади.

3.3.1-жадвал маълумотларини таҳлил қилсак, корхоналар маблағлари ҳисобидан, 37.9 трлн. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 12157.2 млрд. сўм инвестициялар амалга оширилган. Тўгридан-тўғри хорижий инвестициялар хисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 15 086,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,0 % пунктга камайиб, 10,9 % ни ташкил этди.

Юқорида келтирилган марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган молиявий манбаларнинг таркибини (*элементларини*) таснифий белгиларига кўра кўриб чиқамиз.

Иқтисодий адабиётларда молиявий манбаларнинг таснифий белгиларига кўра таркибий элементлари қуйидагича фарқланади.

Давлат бюджети маблағларисиз ижтимоий соҳа тармоқлари самарали ривожлана олмайди. Давлат давлат бюджетидаги марказлаштирилган молия ресурсларининг 80 % га қадар маблағ-

ларини таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан, турар-жой ва давлат қурилиши каби соҳаларнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини қондиришга йўллайди.

Марказлаштирилган молия маблағларининг қолган 20 % қисмидан маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни ишлаб чиқариш жабҳаларида рағбатлантириш мақсадида фойдаланилади.

Инвестиция фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиши ҳозирги вақтда асосан молия ресурсларини давлат мақсадли дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа давлат эҳтиёжларига йўллаш орқали амалга оширилади. Умуман давлат инвестициялари самараси камроқ деб ҳисобланади, чунки улар аксарият ҳолларда ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга йўлланади. Ундан ташқари, ҳозирги шароитда бюджет маблаглари чекланганлиги сабабли уларни катта миқдорда амалга оширишнинг имкони йўқ. Давлатнинг бюджет ресурслари биринчи навбатда мамлакат ва ҳудудларни ривожлантиришнинг мақсадли инвестиция дастурларини бажаришга йўналтирилади. Инвестиция дастурини марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши қуйидаги мақсадларга қаратилган бўлмоғи лозим:

* экспортга йуналтирилган товарлар ишлаб чиқарувчи лойиҳалар ва инновация дастурларини бюджет маблағлари ҳисобидан *(танлов асосида жойлаштириш)* кўллаб-қувватлаш;

* Инвестиция дастурининг ижтимоий йўналишдаги лойиҳаларини амалга оширишда марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан таъминлаш *(қисман ёки тўлиқ)*. Бу лойиҳалар биринчи навбатда ҳаётий таъминот эҳтиёжларининг долзарблиги, шунингдек, ижтимоий соҳада инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш заруратидан келиб чиқиб шакллантириш;

* техник мураккаб лойиҳалар, жумладан турли табиий офат ва бошқа турдаги фалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларнинг (атом электр станциялари, транспорт, сув хўжалик объектлари фаолияти ва ҳ.к.) олдини олишга қаратилган тадбирлар хавфсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни молиявий таъминлаш;

* мамлакатнинг баъзи кам тараққий этган субъектларининг минтақавий дастурларини минтақа иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган Президентнинг махсус Фармонлари ёки

ҳукумат қарорларига биноан истисно тариқасида молиявий таъминлаш.

Айтиб ўтиш жоизки, марказлаштирилган маблағлар давлат манфаати учун тараққий этиши зарур бўлган ҳудудий лойиҳаларга, бошқа манбалар ҳисобига ривожлантириш имкони бўлмаган лойиҳаларни бажариш учун ажратилиши мақсадга мувофиқ. Уларнинг ҳажми, одатда, фақат ҳудуд манфаати учунгина эмас, балки бошқа ҳудудлар манфаатларини ҳам кўзлашдан келиб чиқиб белгиланади.

Давлат бюджети маблағлари ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш учун субсидия, субвенция ва трансфертлар шаклида йўлланади. Давлат субсидиялари ва субвенциялари биринчи навбатда маблаг талаб, кам даромад, асосан янги ўзлаштирилаётган, қолоқ ва тараққий этмаган ҳудудлардаги дастурлар учун жалб этилади. Зотан, инвестицияларни мақсадли йўналтиришдан фарқли ўлароқ танлов асосидаги инвестиция лойиҳаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши давлат бюджети маблағларидан манзилли тарзда самарали фойдаланишни таъминлашга замин яратади.

Корхоналарнинг инвестиция фаолиятига маблағ жойлашлари учун уларнинг ўз жамгармалари асосий манба вазифасини бажариб, улар барча молиявий манбаларнинг асосий қисмини ташкил қилади.

Маълумки, 2019 йил 14 майдан бошлаб, Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтилди. Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришнинг амалдаги тизими истиқболли инвестиция лойиҳаларини босқичма-босқич тайёрлашни, лойиҳа ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқилишини таъминламади, бу эса молиялаштиришнинг очилиши, маблағлар ўзлаштирилиши, оқибатда эса қувватлар ишга туширилиши кечиктирилишига олиб келди. Инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш жараёнига илғор ахборот-коммуникация технологиялари татбиқ этилмади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан

янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5717-сонли Президент фармони 2019 йил 14 май куни қабул қилинди.[77]

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурларида назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва халқ фаровонлиги даражасини оширишнинг ғоят муҳим омили ҳисобланади.

2020 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган концепциялари ва дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида унинг асосий кўрсаткичларини ҳар йили аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади.

Дастурни молиялаштириш халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва бошқа марказлаштирилмаган манбалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бугунги кунда коронавирус пандемияси сабаб давлат иқтисодий сиёсатидаги номувофиқлик юзага келди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам пандемия ўз оқибатларини кўрсатмасдан қолмади. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида инвестицион фаолликнинг пасайгани кузатилиб, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 91.3 % ни ташкил этди.[78]

2020 йил 138.1 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, уларнинг 63.7 % и ёки 88.0 трлн. сўми жалб этилган маблаглар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 36.3 % ёки 50.1 трлн. сўм молиялаштирилди. Жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган

---

[77] http://www.lex.uz (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими). Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5717-сонли Президент фармони 2019 йил 14 май.

[78] https:www.gazeta.uz/uz/economy/. 26 январ 2021. Иқтисодиёт

молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, ўтган йилнинг мос давригадаги улушига нисбатан 6.7 % пунктга пасайиб, 21.8 %ни ёки 30 178.7 млрд. сўмни ташкил этди. Мос равишда марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107 927,9 млрд. сўм ёки жами инвестицияларнинг 78.2 % инвестициялари ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичларга нисбатан 6.7 % пунктга кўпайди.[79]

Коронавирус пандемияси сабабли дунёнинг етакчи давлатлари инқирозга қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқиб, мазкур дастурларда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбаларини шакллантирди. Хусусан, коронавирус инфекцияси тарқалиши энг кўп кузатилган АҚШда инқирозга қарши курашиш дастурига 2,3 трлн. (ЯИМнинг 11%), Германия 189,3 млрд. (ЯИМнинг 4,9%), Хитой 168,7 млрд. (ЯИМнинг 1,2%), Канада 145,4 млрд. (ЯИМнинг 8,4%), Австралия 133,5 млрд. (ЯИМнинг 9,7%), коронавирус инфекцияси нисбатан кам тарқалган Япония 5,2 млрд., Аргентина 4.45 млрд. ва Индонезия 2,2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган маблағларни ажратди. Вақт ўтиши билан G 20 гуруҳига кирувчи давлатларнинг инқирозга қарши курашиш дастурлари қандай натижа берганлигига баҳо берамиз.[80]

Дарҳақиқат, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам пандемия ўз оқибатларини кўрсатмай қолмади. Энг йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархи пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашуви глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам таъсир қилишини ҳисобга олиб, салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўриш мақсадида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси (10 трлн. сўм) ташкил этилди.[81]

---

[79] https:www.gazeta.uz/uz/economy/. 15 май 2019. Иқтисодиёт

[80] Тухлиев Б.К. Особенности инвестиционной привлекательности в условиях пандемии.Электронное научно-практическое периодическое издание «Экономика и социум» №12(79) 2020. www.iupr.ru Российская Федерация, г.Саратов

[81] COVID-19 пандемияси ва глобал иқтисодий инқирозга қарши кураш: "Тараққиёт стратегияси" Маркази, www.strategy.uz

Пандемия шароитида йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархи пасайиши эвазига иқтисодиётни қайта тиклаш учун йирик ҳажмдаги маблағлар сарфланиши мамлакатда инфляция суръатининг ўсиши ва ишсизлар сони ошишига олиб келмоқда. Бу ҳолат ЯИМга ўз таъсирини кўрсатиб, ҳар ой мамлакат ЯИМнинг 2 фоизгача пасайишига олиб келиши мумкин.[82]

Марказлаштирилган инвестициялар фақат республика иқтисодиётининг устувор йўналишларига давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш учун уй-жой қурилишига, сув хўжалиги қурилишига, аҳоли яшайдиган жойларнинг муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга, давлат бошқаруви органлари, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустахкамлашга, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига, умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва табиий офатлардан ҳимоя қилиш иншоотлари қурилишига ажратилади.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ҳозирги даврда иқтисодий ўсиш учун фақат жамғариш ва инвестицияларнинг юқори суръатларигина етарли эмас. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида жамғарманинг камлиги, ялпи инвестицияларда аҳоли маблағлари ҳиссасининг озлиги туфайли инвестицияларни молиялаштиришнинг ташқи манбаларини жалб этиш, инвестиция фаолиятини тартибга солиш объектив заруратга айланади. Бу амалдаги қонунчиликни соддалаштириш ва барқарорлаштириш томон такомиллаштириш, мамлакатга янги лойиҳалар ва қўшма корхоналар ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари келишини рағбатлантиришни талаб қилади.

---

[82] COVID-19 пандемияси ва глобал иқтисодий инқирозга қарши кураш: "Тараққиёт стратегияси" Маркази, www.strategy.uz

# IV БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МУВОФИҚЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

## 4.1. Аграр соҳада инвестициялардан фойдаланишни давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг концептуал асослари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг аграр секторни ривожлантириш давлат сиёсати қайта кўриб чиқилди. Соҳанинг асосий йўналишлари бозор муносабатлари талаблари асосида босқичма-босқич стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиб борилмоқда. Зеро, марказлашган режалаштириш ва маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиш сиёсатининг стратегик йўналишлари мамлакат иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилишни изчил такомиллаштириш ва қулай ижтимоий-иқтисодий ҳамда инвестициявий муҳит яратиш маълум бир даврни талаб қилади.

Мамлакат аграр сиёсатининг дастлабки қадамлари, аввало аҳолини турар-жой бинолари қуриш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида қишлоқ хўжалик экинлари структурасини қайта кўришдан бошланди. Шу жараёнда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга устуворлик берилди. Бу тадбир ўз навбатида мустақилликнинг дастлабки даврида нафақат иқтисодий, балки мамлакатимиздаги собиқ иттифоқ тизимидан қолган салбий асоратларни, яъни ижтимоий-иқтисодий соҳадаги мураккаб вазиятни кескин юмшатиш ва ҳал қилишда муҳим роль ўйнади.

Ушбу босқичда суғориладиган ерларнинг бир қисми пахтадан бўшатилиб галла, сабзавот, картошка, полиз ҳамда чорвачилик тармоқлари учун озуқа экинлари экишга, шунингдек, боғ ва токзорлар майдонларини кенгайтиришга ажратилди. Шу асосда мамлакат аҳолисини асосан ўзимизда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш сиёсатини амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Дон мустақиллиги дастури ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш негизида ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам сиёсий характердаги мураккаб вазифалар

самарали ҳал қилинди. Аграр секторни ислоҳ қилиш борасида шу тариқа мантиқий кетма-кетликда амалга оширилган чора-тадбирлар пировардида мамлакатимиз агросаноат мажмуида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида тўпланиб қолган жуда кўплаб муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш имкониятини берди. Натижада соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни йилдан-йилга янада ортиб борди .

Аграр сиёсатни бозор тамойилларига мос такомиллаштиришнинг мазкур дастлабки босқичига хос яна бир муҳим томони шундан иборатки, таркибий ва ташкилий-иқтисодий ислоҳотлар ўз вақтида меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб ва такомиллаштириб борилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодиётни эркинлаштириш ва хусусий секторнинг устуворлигини таъминлашга қаратилган ҳамда мақсад ва сифат жиҳатдан янги чора-тадбирларни ўз ичига олган республика Президенти ва ҳукуматининг стратегик аҳамиятга эга Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш орқали мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини собиқ иттифоқ аграр сиёсати даврида юзага келган, яъни узоқ муддат давом этган стагнация ҳамда мураккаб ва оғир депрессия ҳолатидан босқичма-босқич чиқариш имкониятлари яратилиб борилди. Аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг кейинги босқичларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш асосан нодавлат сектори хўжалик юритиш субъектлари зиммасига юклатилиб, уларни ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий, моддий-техник ва ижтимоий-ҳуқуқий асослари яратилиб, улар иқтисодиётнинг ҳар бир ривожланиш босқичлари талабларига мос равишда такомиллаштириб борилмоқда. Бозор муносабатлари шароитида самарали ва рақобатга чидамли фаолият юрита оладиган хўжалик юритиш субъектларини танлаб олиш мақсадида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида уларнинг ўндан ортиқ шакллари синовдан ўтказилиб, ҳозирги кунда деҳқон ва фермер хўжаликлари истиқболли деб танлаб олинди. Хўжалик юритишнинг бу шаклларида ер, мулк, етиштирган маҳсулот ва олинган даромадга эгалик қилиш, улардан фойдаланишда эркинлик бериш бош

мезонлар қилиб олинди. Шу ўринда бу мезонларнинг бозор муносабатлари талабларига тўла мос келишини алоҳида эътироф этиш лозим.

Зеро, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр сиёсатни такомиллаштиришнинг асосий мақсадларидан бири сифатида қишлоқда мулкчилик муносабатлари ва шаклларини қарор топтириш, сафи тобора кенгайиб бораётган мулкдорлар синфининг мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг моддий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда шу каби устувор вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу ўз навбатида иқтисодиёт тармоқларини, хусусан қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг ҳозирги, айниқса кейинги босқичларида сезиларли ижобий самара беришини эътироф этиш мумкин.

Бироқ, тан олиш лозимки, қишлоқ хўжалигининг мавжуд ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятларидан фойдаланиш самарадорлиги, соҳада қулай инвестиция муҳитини яратиш, унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш борасида ҳанузгача ўз ечимини топмаган ва истиқболда ҳал этилиши лозим бўлган стратегик аҳамиятга мансуб бир қатор ташкилий-иқтисодий ва молиявий муаммолар сақланиб қолмоқда. Аграр соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантириш ва уни давлат томонидан мувофиқлаштириш стратегияси биринчи навбатда мазкур тармоқда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан энг асосийси унинг табиий-иқлим ва тупроқ омиллари, шунингдек, суғорма деҳқончилик агротехнологияларига бевосита чамбарчас боғлиқлиги, пировард натижаларга эришиш бир йиллик даврга тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши, бунинг учун эса унинг асосий йўналишларини белгилаш илмий-назарий ва услубий жиҳатлардан чуқур ўрганилган ва асосланган бўлиши керак. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳалари фаолиятига кенг қиррали таъсир этувчи, уларнинг ривожланишида такрорлаб бўлмас роль ўйновчи агросаноат мажмуаси, шу жумладан қишлоқ хўжалигида мажмуавий характердаги ташкилий-таркибий, ижтимоий-иқтисодий, техник-технологик ва ҳуқуқий-меъёрий муаммоларни мукаммал бозор муносабатлари талабларига мос

ҳал этиш босқичма-босқич амалга оширилиши ва бу жараёнда ҳар бир босқичда эришилган тараққиёт даражасига қараб стратегик чора-тадбирлар ишлаб чиқишда унинг муайян йўналишларига устуворлик берилиши мақсадга мувофиқ.

Лекин, у ёки бу ривожланиш босқичида эришилган пировард натижалар даражасидан қатъий назар, энг асосий стратегик вазифа, бизнинг назаримизда, қишлоқ хўжалиги тармоқларини модернизациялаш учун жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмини кескин ошириш, молиялаштириш манбаларини кенгайтириш ва улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ўз аксини топиши лозим.

Мамлакат иқтисодиётининг реал сектор тармоқлари бўйича инвестициялар таркибининг 2015–2020 йиллар ҳолати таҳлили саноат соҳасига жалб этилган бўйича инвестициялар 2015 йилда 32.6%ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич пасайган, яъни 28,6%ни ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги бўйича эса бу кўрсаткич 2015 йилда 25%ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 22,9%га камайиб, 3,1%ни ташкил этган (4.1.1-жадвал). 2015 йилда саноат секторида жами инвестицияларнинг 32.6 фоизи ўзлаштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2018 йилдан бошлаб пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Ушбу ҳолат қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам кузатилган. Қурилиш ҳамда транспорт ва алоқа соҳаларида ижобий ўзгаришлар мавжуд.

Қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этмасдан туриб, халқ хўжалигининг аксарият тармоқларини хом ашё ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини муттасил ошириб бўлмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шу боисдан ҳам, бизнинг назаримизда, ҳозирги даврда нафақат кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, балки қишлоқ хўжалиги, қолаверса унинг қуйи тар-моқларининг инвестицион жозибадорлиги ва ишлаб чиқариш салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш учун стратегик йўналишлар сифатида қуйидаги устувор вазифаларни ҳал этишга асосий эътибор қаратиш лозим бўлади.

**4.1.1-жадвал**

**Иқтисодиётнинг реал сектор тармоқлари бўйича инвестициялар таркиби, %да**

| Иқтисо-диёт тармоқ-лари | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2015-2019[83] йиллардаги ўзгариш-лар, (+), (-) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Жами | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| Саноат | 32,6 | 34,3 | 37,6 | 30,0 | 28,4 | 28,6 | -4.2 |
| Қишлоқ хўжалиги | 4,4 | 4,1 | 3,4 | 3,1 | 3,1 | 3,1 | -1.3 |
| Қурилиш | 0,9 | 1,2 | 1,2 | 2,2 | 2,8 | 2,0 | 1.9 |
| Транспорт ва алоқа | 24,1 | 21,9 | 21,6 | 26,3 | 31,4 | 29,2 | +7.3 |
| Бошқалар | 38 | 38,5 | 36,2 | 38,4 | 34,3 | 37,1 | -3.9 |

Яъни, биринчидан, аграр соҳани давлат томонидан инвестициявий қўллаб-қувватлаш механизм ва имтиёзлар тизимини такомиллаштириш, иккинчидан, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва уларга инвестицияларни жалб қилиш учун ташқи ва ички инвесторларга имтиёзлар бериш ҳамда уларни рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш, учинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган саноат товарлари нархлари ўртасидаги тавофут (диспаритет)ни босқичма-босқич бартараф этиш механизмларини оқилона ишга солиш, тўртинчидан, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва унинг ютуқларини ишлаб

[83] Пандемия сабабли маълумотлар ўзгаришлари таҳлили натижаларига баҳо бериш мақсадида 2015 ва 2019 йиллар ўзаро таққосланди.

чиқаришга кенг татбиқ этиш, бешинчидан, агросервис хизматлари тизимини диверсификациялаш ва нархларини муқобиллаштириш, олтинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ишчи ходимларини моддий рағбатлантириш кўламини кенгайтириш ва ҳ.к.

Бизнинг фикримизча, ўтиш даври иқтисодиёти шароитида юқорида қайд этилган стратегик вазифалар ичидан, ҳозирги қишлоқ хўжалигини модернизациялаш босқичида, тармоқни давлат томонидан инвестициявий қўллаб-қувватлаш ва шу жараёнда имтиёзлар бериш масаласини устувор йўналиш сифатида тан олиш ва ҳал қилиш мақсадга мувофиқ. Зеро, аввал таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигига етарли ҳажмда инвестициялар йўналтирмасдан туриб, уни ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятдан олиб чиқиш қийин кечиши ва узоқ даврни талаб қилиши ҳаммага маълум хулосадир.

Умумий хулоса қилиб айтганда, агросаноат мажмуи, айниқса унинг ядроси ҳисобланган қишлоқ хўжалигининг истиқболдаги тараққиётини таъминлаш, уни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тармоқнинг инвестицион стратегияси ва уни амалга оширишнинг Давлат дастурини ишлаб чиқиш зарурияти, бизнинг фикримизча, ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Чунки, биринчидан, индустриал аграр давлат мақомини олиш босқичига кирган республикамиз иқтисодиётининг деярли барча реал тармоқлари ва инфратузилма соҳалари истиқбол тараққиётининг бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқлик тенденцияси янада кучайса, иккинчидан, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳолисини эса шу маҳсулотларга бўлган талабларини ички ресурслар билан таъминлаш борасидаги мазкур тармоқнинг роли ва ўрни ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмаслиги аниқ ва равшандир. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган мажмуавий характердаги ислоҳотларнинг барча йўналишлари (аграр, иқтисодий, таркибий-ташкилий, институционал, ижтимоий-экологик ва ҳ.к. ислоҳотлар)ни ягона бир стратегияга, яъни изчил равишда тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш ва инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратишни тақозо қилади.

Қишлоқ хўжалигининг инвестицион жозибадорлиги ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, хўжалик субъектларининг инвестицион фаолияти ва фаоллигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш стратегияси қуйидаги асосий олтита блок (таркибий қисм)ни, яъни иқтисодий-молиявий, ташкилий-таркибий, ҳуқуқий-меъёрий, ижтимоий-демографик, табиий-экологик ва техник-технологик йўналишларни қамраб олиши лозим. Иқтисодий-молиявий йўналишда, биринчидан, қишлоқ хўжалигининг нафақат давлат эҳтиёжи учун пахта ва дон маҳсулотлари етиштирувчи тармоқларини, балки бошқа тармоқларини ҳам молиялаш тизимини такомиллаштириш ва барча манбалардан ажратиладиган молия маблағлари ҳажмини кўпайтириш, иккинчидан, солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ва солиқлар юкини камайтириш, учинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғурталашнинг ноанъанавий усулларини жорий этиш, тўртинчидан, инвестиция жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш ва шу жараёнда инвесторларни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, бешинчидан, махсулот, ресурс ва хизматлар баҳоларини мувофиқлаштириш ва бошқалар.

Шу ўринда республикамизда аграр-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараён ва босқичларида қишлоқ хўжалигининг инвестицион жозибадорлиги ва ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш стратегиясининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилиб, мантиқий кетма-кетликда амалга оширилиб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Лекин, ҳозирда ҳам коронавирус сабабли юзага келган инқироз таъсирида, юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, маълум бир давр мобайнида аграр сиёсатни такомиллаштиришнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, давлатнинг мазкур соҳадаги инвестицион стратегияси қуйидаги чора-тадбирларни қамраб олиши зарур:

– шароити оғир худудларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва рағбатлантириш учун давлат бюджетидан маълум бир муддатга дотация ва субсидиялар бериш;

– фермер ва деҳқон хўжаликларига моддий-техника ресурслари харид қилиш ва уларга кўрсатиладиган агросервис хизматлари тўловларини ўз вақтида амалга оширишлари учун имкон берадиган имтиёзли ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳамда уларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш;

– қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ва бу борада давлатнинг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш;

– инвестицияларни жалб қилиш учун қулай иқтисодий-молиявий ва ҳуқуқий-меъёрий муҳит яратиш;

– инвестициялар жалб қилган ички ва ташқи инвесторларни рағбатлан-тирувчи иқтисодий-ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш ва амалиётга жорий қилиш;

– қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳамда моддий-техника ресурслари таъминоти ва сервис хизмати кўрсатиш тизимида инновация жараёнларини жадаллаштириш;

– қишлоқ хўжалигига инновация ютукларини жорий қилиш ва уларнинг муаллифларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича махсус давлат дастурини қабул қилиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш;

– инвесторлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш субъектларининг моддий манфаатларини инвестицияланган объектнинг пировард натижасига боғлаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

Ташкилий-таркибий йўналишдаги давлатнинг инвестицион стратегиясининг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

– қишлоқ хўжалиги минтақаларида уларнинг табиий-иқлим, тупроқ ва қишлоқ хўжалиги экинзорларининг таркибий тоифалари (ҳайдаладиган, суғориладиган ва лалми ерлар, яйловлар, пичанзорлар, боғлар, узумзорлар ва ҳ.к.)ни эътиборга олган холда деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини мақбул

жойлаштириш, мазкур тармоқларда эса ички ихтисослаштириш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш;

– моддий-техника ресурслари таъминоти ва сервис хизмати кўрсатиш тузилмалари объектларини ташкил этишда маъмурий ёндашувга барҳам бериш, бу борада қуйи бўғин ташаббусини қўллаб-қувватлаш, яъни ҳудудлардаги тегишли хизматларга бўлган ҳақиқий талабни инобатга олган ҳолда ташкил этиш;

– марказлаштирилган тақсимот тизимидан босқичма-босқич воз кечиш ва соғлом рақобатга асосланган ресурслар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

– сервис хизмати кўрсатувчи, моддий техника ресурслари билан таъминловчи корхоналардаги ишчиларнинг малакасини ошириш ва маркетинг, менежмент ҳамда бошқа зарурий соҳалар бўйича энг замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш ва улар билан таъминлаш;

– қишлоқ хўжалиги учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи монопол корхоналар яккаҳокимлигига барҳам бериш ва ушбу йўналишда рақобат муҳитини яратувчи альтернатив (муқобил) кластер ва кооперация тизимларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– қишлоқ хўжалик корхоналарига сифатли, арзон ва ўз вақтида зарурий моддий-техника ресурслари ва хизматларни етказиб бериш бўйича турдош шохобчалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

– уруғчилик, селекция ва наслчилик ишларини яхшилаш, ушбу масалалар бўйича таъминот тизимини такомиллаштириш, мазкур йўналишга ихтисослашган хўжаликларни ривожлантиришга давлат томонидан кўмаклашиш;

– кўрсатиладиган хизматлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ҳар бир тур қишлоқ хўжалиги маҳсулоти кесимида интеграция ва кооперация механизм ҳамда тамойилларига асосланган агрокластерларни ташкил қилиш ва ривожлантириш;

– саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларнинг ўзаро ихтиёрий бирлашувининг турли кооперация шаклларини барпо этиш ва қўллаб-қувватлаш;

– таъминот, хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш йўналишлари бўйича алоҳида ва уларни комплекс қамраб олувчи кооперативларни тузиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу занжирли тизимни мувофиқлаштирувчи логистика марказларини, шунингдек, терминаллар тизимини ташкил қилиш ва ривожлантириш.

Ҳуқуқий-меъёрий нуқтаи назаридан давлатнинг инвестицион стратегияси қуйидаги асосий йўналишларни ўзида мужассамлаштириши зарур:

– ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда ишлаб чиқарувчилар, таъминот ва хизмат кўрсатиш субъектларининг манфаатларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига боғловчи механизмларни кўпроқ акс эттириш ва ушбу логистик занжирда фаолиятлари ўзаро боғлиқ бўлган хўжалик юритиш субъектларини тезкор ахборотлар билан таъминлаш мақсадида консалтинг, ахборот-ресурс марказлари, мониторинг ва маркетинг тизимларини шакллантириш ва такомиллаштириш;

– Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалигини инвестицион ривожлантириш тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш. Чунки, шу ўринда таъкидлаш лозимки, республикамизда айнан қишлоқ хўжалигига инвестиция жалб этиш ва уни рағбатлантиришнинг қонуний асослари бозор иқтисодиёти талаблари даражасида такомиллашмаган. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида инвестиция фаолиятини тартибга солиш айрим қонунларда акс этган бўлсада, бироқ, бизнинг фикримизча, «Қишлоқ хўжалигини инвестицион ривожлантириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигида инвестицион муҳитни яхшилаш ва инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнининг бошқа соҳаларга нисбатан турли ташқи ва ички субъектив омиллар таъсирида тез талафот кўриши, кутилмаган (форс-мажор вазиятлар) ҳодисаларнинг содир бўлишини олдиндан билишнинг қийинлиги, суғурталанувчи субъектларнинг бошқа соҳалар субъектларидан фарқ қилиши каби ҳолатларни инобатга олган

ҳолда қишлоқ хўжалиги учун суғурта тизими тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Соҳани ривожлантиришнинг ижтимоий-демографик йўналишида давлатнинг инвестицион стратегиясининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз, яъни:

– қишлоқда меҳнат ресурсларини шакллантириш, тармоқлараро тақсимлаш ва бандлик муаммоларини ҳал этиш мақсадида меҳнат бозорини ривожлантириш ва унинг таркибида меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш билан доимий шуғулланувчи бандлик ва мониторинг хизмати субъектлари фаолиятини кенгайтириш;

– фермер ва деҳқон хўжаликларида ноқишлоқ хўжалик фаолиятларини шакллантириш, шунингдек, улар фаолияти билан боғлиқ корхоналарда ноанъанавий хизмат турларини кенгайтиришга инвестициялар жалб қилиш орқали аҳолининг бандлик даражасини ошириш ҳамда ишчи ходимлар даромадларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– ишлаб чиқариш, моддий-техника ресурслари таъминоти ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларининг юксак унумли меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароит яратиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини такомиллаштириш;

– мулкчилик шаклидан қатъий назар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг қишлоқни ижтимоий ривожлантиришдаги иштироки механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ва ҳ.к.

Планетар миқёсда аномал иқлимий ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш стратегиясида қуйидаги табиий-экологик йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

– фермер ва деҳқон хўжаликлари, таъминот ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолиятида экологик зарарсиз бўлган ва табиий мувозанатни сақлаш усулларини қўллашни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш лозим. Чунки, минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар билан ишлов берилганда тупроқ таркибида зарарли химиявий элементларнинг кўпайиши,

уларнинг оқова сувларга ўтиши ва атроф-муҳитни, айниқса ҳавони ифлослантириши, ундан инсон нафас олиши, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида углерод ва нитрат моддалари миқдорининг тобора кўпайиб бориши оқибатида инсонлар саломатлигига келтириладиган зарарни, турли хил касбий касалликларни кескин камайтириш зарурияти ҳозирда ва истиқболда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммога айланмоқда;

– соҳада экологик мувозанатни сақлаш механизмини жорий этиш учун амалдаги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, мавжуд меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, таъминот, хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш, сақлаш корхоналарини экологик мувозанатни сақлаганликлари ёки яхшилаганлари учун рағбатлантириш, аксинча ҳолларда, яъни зарар келтиргани учун катъий жазо чоралари кўришга устуворлик бериш лозим;

– аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш мақсадида махсус йўналишдаги ўқув курсларини ташкил қилиш ва ушбу тизимга керакли бўлган тегишли қўлланмалар, ашёвий материаллар ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларга етарли миқдорда инвестициялар ажратиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги йўналишларда қишлоқ хўжалигида инвестицион жозибадорлик ва фаоллигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш стратегияси комплекс тарзда, биринчидан, айнан агросаноат мажмуаси, унинг энг асосий ўзаги ҳисобланган қишлоқ хўжалигининг истиқболли тараққиётини таъминлаш, иккинчидан, мазкур тармоқнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини ҳудудларнинг табиий-иқлимий, ресурс, шу жумладан меҳнат салоҳиятларининг ҳозирги кундаги эришилган даражасини эътиборга олган ҳолда инвестиция ресурсларини жалб қилиш орқали ҳал этиш, учинчидан, йўналтириладиган инвестицияларни ҳудудлар, шу жумладан мазкур минтақалардаги қишлоқ хўжалиги корхоналари, моддий-техника таъминоти ва агросервис хизматлари кўрсатиш субъектларининг шаклланиш ва ривожланиш ҳолатлари доирасида муқобил тақсимлаш каби чора-

тадбирларни ишлаб чиқиб, амалиётга изчил жорий этиб боришни талаб этади.

## 4.2. Инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш

Маълумки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар жараёнида инвестицияларнинг роли ва аҳамиятини янада ошириш ҳисобига иқтисодиётни босқичма-босқич эркин бозор муносабатлари ва талабларига мос ривожлантириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш чора-тадбирларига катта эътибор берилмоқда. Давлат инвестицион сиёсатининг асосий йўналишларида, жумладан, хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ҳозирги вақтга келиб ривожланган мамлакатларда иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига инвестициялар жалб этиш бўйича катта тажриба тўпланган. Шунингдек, ушбу мақомдаги мамлакатларда иқтисодиётни таркибий ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш ижтимоий-иқтисодий тараққиёт стратегиясини амалга оширишнинг энг самарали ва истиқболли йўлларидан бири сифатида қаралмоқда. Зеро, мамлакат ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфраструктура тизимларини такомиллаштириш ҳамда улардаги мавжуд муаммоларни муттасил ўсиб бораётган замон талабларига мос равишда бартараф этиб бориш айнан инвестиция сиёсатининг тўғри амалга оширилишига боғлиқ.

Шунга кўра ҳам, ўтиш даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ўтказилаётган таркибий ўзгаришларни шу йўналишдаги жаҳон андозаларига мос ривожлантириб бориш энг муҳим ва долзарб вазифалардан биридир. Кейинги ўн йиллик даврда иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлган Осиё-Тинч океан минтақаси давлатлари хорижий капитални ўзлаштириш бўйича истиқболли андозалар яратиш устида тинмай иш олиб бормоқдалар ва улар, айниқса ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлар жараёнида, яхши самара бермоқда. Масалан, 50-йилларда

Японияниң шиддат билан ривожланиши, 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошида Тайван, Гонконг, Сингапур ва Жанубий Кореянинг иқтисодий тараққиёт суръатларидаги кескин сакрашлар,
80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида Хитой иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ўсиши, сўнгги йилларда Вьетнам иқтисодиётининг юксалишига бир қатор омиллар, шу жумладан ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлар сабаб бўлди дейишга асос бор. Шунингдек, кейинги йилларда шарқий Европа мамлакатлари ҳам иқтисодиётнинг таркибий ўзгариш босқичларини кечирмоқда. Улар иқтисодиётида жам бўлган инвестициялар умумий ҳажмининг катта қисми 1990 йилдан кейинги даврга тўғри келади.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай инвестицион муҳит яратиш мамлакат ичкарисида бозор механизмини шакллантириш ва жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви жараёнида мустаҳкам асосда иштирок этиш имкониятларини узлуксиз кенгайтириб боради.

АҚШ, Япония ва ГФР каби дунёнинг иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлари таркибий ўзгаришларни инвестициялар ёрдамида бошқариш ҳамда мувофиқлаштиришда катта тажрибага эгалар. Ана шу ўзгаришларнинг икки муҳим даврини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Биринчиси, бу бевосита иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр бўлса, иккинчиси, иқтисодиёт мавжуд тизимининг кенг кўламда қайта қурилиши билан ажралиб турган XX асрнинг 70-йилларидир.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида иқтисодиёти тараққий этган хорижий давлатлар инвестиция билан боглиқ масалаларни халқаро иқтисодий интеграциялашув босқичларининг ўзига хос хусусият ва талабларига мос равишда турлича ҳал этган эдилар. Масалан, Японияда иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш ишлаб чиқариш тармоқлари бандлигини ошириш ва уларни қайта қуришга етарли ҳажмда маблаглар ажратиш орқали амалга оширилди. Хорижий технологияларни қарзга олиш асосида эскирган дастгоҳ ва ускуналар ишлаб чиқаришдан олиб ташланди ва шу йўл билан ишлаб чиқариш тармоқларини

модернизациялаш эвазига муттасил ўсиш суръатига эга бўлган капитал-ресурслар жамғармаси шакллантирилди. Давлат мамлакатнинг умумий тараққиётини кўтариш ва унинг иқтисодий ҳамда ишлаб чиқариш имкониятларини ошириш учун устувор тармоқ ва ишлаб чиқаришларга инвестициялар жойлашни рағбатлантириш сиёсатини амалга оширди. Умуман таркибий қайта қуришнинг япония сиёсати катта миқдорда капитал жамланиши, устувор ишлаб чиқариш ва тармоқларга инвестиция оқимларининг рағбатлантирилиши билан таъминланди.

Япония иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш йилларида АҚШдан катта миқдорда ёрдам олди. Шуни эътироф этиш керакки, бу ёрдам пул билан эмас, товарлар шаклида амалга оширилди. Айнан шу ҳол пул қадрсизланишининг олдини олиш имконини берди. Бу ёрдамнинг шарти товарлар сотишдан тушган маблағлар инвестицияларга йўлланиши керак эди. У махсус бюджет ҳисобрақамига ўтказилиб, 50-йилларда давлат тараққиёт банки орқали иқтисодиётни соғломлаштириш мақсадида ишлатилди. 1962 йилдан кейин Япония АҚШ га ўн йил ичида ундан олган барча кўмагини (пул кўринишида) қайтарди.

ГФР учун иқтисодиётни урушдан кейинги тиклаш давлатнинг фаол иштироки остида ушбу жараённи ташкил этиш ва бошқариш хусусияти билан ажралиб туради. Бу эса биринчи навбатда капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштиришга эришишда ўз аксини топди. Хорижий товар кредитлари ҳали ишга солинмаган мавжуд захиралардан фойдаланиш имконини берди. Капитал қўйилмаларнинг молиявий таъминланишида иштирок этадиган турли давлат фондлари ташкил этилиб, тадбиркорлик ва хусусий секторда капитал жамланишини тезлаштириш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

АҚШ иқтисодиётида иккинчи жаҳон урушидан кейин ялпи ишсизлик ва иқтисодий тушкунлик хавфи юзага келди. Ўтказилган иқтисодийислоҳотлар ҳарбий ишлаб чиқаришларни конверсиялаб, янги қурилишлар ва ресурс тежовчи замонавий технологик асбоб-ускуналарга катта инвестициялар жойлашга имкон берди. Шу билан бирга амалдаги ишлаб чиқаришлар қайта қурилди ва модернизациялаштирилди. Экспортнинг ярми федерал ҳукумат томонидан молиявий таъминланди. Давлат уй-жой

қурилишини бу соҳадаги хусусий кредитларни суғурталаш ҳисобига рағбатлантириб борди. Бошланган «совуқ уруш» ҳарбий қайта қуролланишни бюджет орқали молиявий таъминланишини белгилаб қўйди. Бундан ташқари, ушбу давр аҳоли даромадларининг барқарор ошиши, истеъмол талабларининг қондирилиши ва бошқа қатор омиллар билан ажралиб турди.

Ўтган аср 70-йилларининг иккинчи ярмида деярли барча мамлакатларда ишлаб чиқариш жараёнлари бузилди. Бу ҳол биринчи навбатда уларда асосий капиталнинг ортиқча жамлангани туфайли юз берди. Нефть нархининг ошиши натижасида мамлакатлар ва нефть экспорти билан шуғулланувчи давлатлар ўртасида халқаро айирбошлаш мутаносиблиги бузилди. Даромад нормасининг пасайиши ортидан жамғарма улуши ҳам тушиб, бу иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келди.

Буларнинг бари давлатлардан капитални қайта ишлаб чиқаришнинг ҳам қиймат, ҳам моддий номутаносибликлар муаммосини ҳал этишга қаратилган таркибий ўзгаришларнинг узоқ муддатли сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилди. Бунда асосий вазифа ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, даромадларни кўпайтириш ва рақобатдошликни оширишга ҳамда мавжуд ресурсларни тежашга қаратилган иқтисодиётни модернизациялашга ўтиш бўлди. Бундай таркибий қайта қуришнинг биринчи босқичи хом ашё, энергияни тежашни таъминлайдиган, илмий-техника имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш имконини берадиган ташкилий чораларга таянди. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида тараққий этган капиталистик давлатларда илғор технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этиш ҳисобига асосий капитални ялпи янгилаш жараёни бошланди. Шу аснода иқтисодиётда чуқур ва фаол таркибий силжишларга эришилди. Ушбу жараёнларнинг амалга ошишида ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг қисқа вақт ичида илмий-техника тараққиёти ютуқларини ўзлаштиришга қодирлиги асосий ўрин тутди.

Янгича инвестиция сиёсатининг моҳияти дастлаб ишлаб чиқаришни янги технологиялар асосида техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга мўлжалланган капитал қўйилмаларнинг анъанавий, имкониятлари чегараланган ишлаб чиқариш воситаларидан воз

кечишдан иборат бўлди. Умумий ўсиш суръатлари пастлигига қарамай, техник тараққиётни илгари етаклайдиган тармоқларга инвестиция жойлаш юқори суръатлар билан ўсди. Бу биринчи навбатда инвестицион фаолият турларининг энг асосий йўналишларидан ҳисобланган электроника ва алоқа воситалари саноатини ўз ичига олди.

Инвестицион муҳитнинг яхшиланишида ўтган асрнинг 80-йилларидаги солиқ ислоҳотлари катта ўрин тутди. Улар тадбиркорлик фаоллигини ошириб, корпорациялар ихтиёрига келиб тушаётган маблағ миқдорини кўпайтирдилар ва охир-оқибатда барча ривожланган мамлакатларда кенг кўламли инвестициялар учун замин ҳозирладилар.

Инвестиция жараёнларининг давлат томонидан мувофиқлаштирилишини ўрганишда Франция тажрибаси муайян аҳамиятга эга. 1990–1996 йилларда бошқа Европа давлатларидан фарқли тарзда Францияда ишсизликнинг мислсиз ошиб кетиши, ишлаб чиқариш ҳажмларининг тушиб кетиши ва барча макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ёмонлашуви юз берди.[84] Инвестициялаш жараёнлари ўтган асрнинг 90-йиллари бошига келиб сусайди. Шу ҳолат ва ҳодисалар билан боғлиқ равишда ҳукумат инвестицияларни рағбатлантиришга оид қатор чора-тадбирлар кўришга мажбур бўлди. Айтиш жоизки, Францияда 1983 йилдан бери ўтказилаётган пул қадрсизланишига қарши ўтказилаётган сиёсат 1992 йилга келиб давлат бюджети дефицитини камайтириш ва инфляция суръатини сусайтириш имконини берди. Фоиз ставкасини қатъий монетар сиёсат асоси сифатида бошқариш ҳам муайян натижа берди. Шу билан бирга нарх-навонинг яширин равишда тушишида мойиллик кузатилди. Энг арзон товар ва хизматлар истеъмоли ортиб борди. Аксарият француз иқтисодчилари инвестициялар танқислигини тайёр саноат товарлари нархининг пастлиги билан изоҳлайдилар.

1993–1995 йилларда Франция хукумати уй-жой қурилишини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва инвестицияларни рағбатлантириш, ишсизликнинг олдини олиш ҳисобига иқтисодиётни

---

[84] Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской федерации. /В.В. Аладьин. –М: Социум, 2002. С.63.

жонлантириш дастурини амалга оширди. Капитал ва уй-жой қурилиши кредитлари олиш имконияти енгиллаштирилди, қурилиш ишларига давлат буюртмалари киритилиб, қатор солиқ имтиёзлари ва жисмоний шахслар жамғармаларини рағбатлантириш чоралари амалга оширилди. Аммо, 1996 йилда тахмин қилинган инвестицияларнинг кескин ўсиши амалга ошмай, корхоналар фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари ёмонлашди. Ўтган асрнинг 90-йилларида Францияда инвестиция инқирози рўй берди. Шу даврнинг ўзида ҳукумат солиқ имтиёзлари, шу жумладан имтиёзли солиқ кредитлари бериш, грантлар, шу жумладан ер грантлари бериш орқали катта миқдорда хорижий инвестицияларни жалб этишга мажбур бўлди.

Бошқа ривожланган мамлакатлардаги каби ишлаб чиқариш ва инвестицияларни рагбатлантириш усуллари Францияда асосан солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиқ имтиёзлари беришдан иборат бўлди. Шунинг билан бирга бу тадбирларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам эътироф этиш лозим. Мисол учун, ялпи ички маҳсулот таркибидаги даромад солиғи улушининг камлиги ўрнини қўшилган қиймат солиғидан келган катта тушум қоплайди. Бундан ташқари, даромад солиғига, даромад даражасига боғлиқ равишда, дифференциациянинг юксак даражаси хосдир. ЕИ (Европа Иттифоқи)нинг бошқа давлатларидан фарқли ўлароқ Франция давлат бюджетига корхоналарнинг фойда солигидан келиб тушаётган тушум жуда оз ва камайиб бориш хусусиятига эга. Франция солиқ қонунчилиги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, солиқ базасини ўзгартириш мақсадида муайян ишларни амалга ошириш имконини берди. Инвестициялар ва инновация фаолиятини рағбатлантириш учун ҳатто солиқлардан бутунлай озод қилишни ҳам ўз ичига олган имтиёз ва кредитларнинг жуда кенг рўйхати мавжуд. Бу янги яратилган компаниялар, кичик корхоналар, венчур фирмаларига оид эди.

Маълумки, собиқ совет иттифоқи кўп йиллар давомида дунёда энг қудратли иқтисодиётга эга бўлган давлатлардан бири бўлганлиги шубҳасиз. Унинг қулашига асос бўлган кўплаб сабаблардан бири сифатида халқ хўжалигида узоқ вақт давомида йиғилган иқтисодиётдаги таркибий номутаносибликларни кўрсатиш мумкин. Шу ўринда, и.ф.д., проф. Н.Ҳ.Ҳайдаров

хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишнинг даврий босқичлари устида олиб борган илмий изланишларида қуйидагиларни маълум қилади. Муаллифнинг эътироф этишича, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ривожлантириш тадбирлари уч босқичга бўлинади. Биринчи босқич собиқ социалистик тузумнинг дастлабки даврларини, яъни 1920–1936 йилларни ўз ичига олади. Иккинчи босқич, 1987–1991 йилларни ёки бошқача қилиб айтганда қайта қуриш даврини ўз ичига олади. Учинчи босқич, бу – мустақиллик даври. Муаллифнинг гувоҳлик беришича, биринчи босқичдан кейинги 1937–1986 йилларда хорижий инвестицияларни жалб этиш бутунлай чеклаб қўйилган. Бизнингча, худди мана шу оралиқда иқтисодиёт ўз қобиғида ўралиб қолди. Жаҳон ҳамжамияти билан алоқалар узилди. Кейинги йилларга келиб «совуқ уруш» сиёсати амалга оширилди. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилмади ва охир оқибат мустабид тизимнинг қулашига замин яратилди.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш шундан далолат берадики, давлат иқтисодиётида таркибий ва сифат ўзгаришларни мунтазам равишда фаол амалга ошириш муҳим ўрин эгаллаб келган.

Бизнинг назаримизда, самарали таркибий-инвестицион сиёсатни шакллантириш қуйидаги тамойилларга асосланган бўлиши лозим: а) бевосита давлат инвестицияларини бериш ёки уларни камайтиришнинг асоси сифатида тармоқ ишлаб чиқараётган маҳсулот (товар)нинг стратегик тақдири, бозорбоплигига катта аҳамият бериш; б) ресурсларнинг чекланганлиги шароитида ёрдамни алоҳида тармоқларга эмас, балки инвестицион аҳамиятга эга бўлмаган корхоналарнинг эскиларидан воз кечиб, янгиларига эга бўлишга қаратилган тадбирларни қўллаб-қувватлаш; в) ҳар бир устувор йўналиш бўйича давлат дастури ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; г) инвестицион фаолият қонун ҳимояси ва таъминотига эга бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан ҳисобланиб, унинг ривожланиш даражаси халқ хўжалигининг бошқа тармоқ ва соҳаларининг ривожланишига ҳам бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиши жиҳатидан алоҳида тадқиқ этишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан аввалambор

мазкур тармоқ ишлаб чиқаришини инвестиция ресурслари билан таъминлашнинг хориж тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг республикамиз шароитига мос келадиган йўналишларини татбиқ этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, жаҳонда аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшайдиган кўпгина мамлакатлар мавжуд бўлиб, улар жумласига, масалан, Хитой, Испания, Россия каби давлатларни келтириш мумкин. Шунингдек, бизнинг мамлакатимизда ҳам аҳолининг (2009 йил маълумотлари бўйича 27,8 млн.га яқин) 64 фоизи, яъни 17,0 млн.дан ортиқроғи қишлоқ жойларида яшайди ва иқтисодиётда жами банд бўлган ишчи ходимларнинг деярли чорак қисми (25 % атрофида) қишлоқ хўжалиги ҳисобига тўғри келади.

Бироқ, 2009 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг (12642,6 млрд. сўм) мамлакат умумиқтисодиёт ялпи ички маҳсулотидаги (48097,0 млрд. сўм) улуши 26,3 фоизга ва қишлоқ жойларида яшайдиган 1 киши ҳисобига яхлитланган ҳолда 750 минг сўм (460 АҚШ доллари)дан кўпроқ қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, шунингдек, ҳайдаладиган 1 га ерга 60,0 минг сўм (35-37 АҚШ доллари) атрофида инвестициялар тўғри келишини эътиборга оладиган бўлсак, бу кўрсаткичлар айниқса ривожланган хорижий давлатлар кўрсаткичларидан ниҳоятда кам эканлигининг шоҳиди бўламиз.

Кейинги кўрсаткични таққослайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун, масалан, 2009 йилда ҳайдаладиган 1 га ҳисобига Европа Иттифоқига кирган давлатлар бўйича ўртача 300, Японияда 480, АҚШда 330 ва Канадада 200 АҚШ доллари миқдорида инвестициялар сарф қилинган. Демак, бу кўрсаткич даражалари бўйича ушбу давлатларда республикамизга нисбатан 1 га ҳайдаладиган ер ҳисобига қўпол ҳисоблаганда ҳам 10 бараварлан кўп инвестиция ресурслари йўналтирилган. Шунингдек, масалан, Норвегияда қишлоқ хўжалигида тўлиқ банд бўлган бир кишига тўғри келадиган давлат томонидан ажратилган маблағ 1999 йилда (ҳаттоки бундан 10 йил аввал) ўртача 33 минг АҚШ доллари, Японияда 21 минг, АҚШда 19 минг, дунёнинг 24 та ривожланган мамлакатлари

бўйича ўртача 18 минг АҚШ долларига тенг бўлган ҳолда бу кўрсаткич Ўзбекистонда 30 АҚШ долларини ташкил қилган (Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки ҳисоботи маълумотлари).

Юқорида келтирилган таҳлил маълумотлар республикамиз қишлоқ хўжалигининг кейинги истиқболли тараққиётини таъминлаш учун катта ҳажмда инвестициялар жалб қилиш, ҳаттоки маълум бир даврда (масалан, энг камида 5 йиллик муддатда) қишлоқ хўжалиги корхоналарини самарали молиялаш тизимига ўтказиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу борада хорижий мамлакатларнинг аксариятида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос механизм ва ёндашувлари мавжуд. Масалан, Хитойда саноат корхоналари фойдасининг 30 фоизи қишлоқ жойларини ривожлантириш ва хўжалик юритиш субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Чунки, ҳозирги пайтда Хитой қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларга нисбатан олганда молиялаш нуқтаи назаридан энг заиф тармоқлардан бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида 2004 йилдан ҳозирга қадар ХКП Марказий қўмитаси ва Давлат кенгаши томонидан махсус тўртта стратегик аҳамиятга эга ҳужжатлар қабул қилинган. Шулардан қишлоқ жойлари ва қишлоқ хўжалигининг истиқболини белгиловчи 8 қисмдан иборат 2010 йилда қабул қилинган "Ҳозирги қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни фаоллаштириш ва янги социалистик қишлоқ қурилишини жадаллаштириш бўйича айрим мулоҳазалар" номли қарори "1-сонли ҳужжат" сифатида тан олинган ва ҳозирги кунга қадар ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қарорнинг энг муҳим қисмлари сифатида қишлоқ хўжалиги ва қишлоқни ривожлантиришга инвестициялар жалб қилиш динамикасини юксалтириш, ҳозирги қишлоқ хўжалигининг инвестицион таъминоти тизими ва механизмларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси қурилиши ва фаолиятини янада кенгайтириш, тармоқнинг моддий-техника базасини замонавий техника ва технологиялар билан қайта янгилаш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш ва шунга ўхшаш бошқа йўналишларини эътироф этиш лозим.

Жумладан, ушбу қарор асосида қабул қилинган инвестицион чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида давлат тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигини кимёвий ва ёқилғи-мойлаш воситалари билан таъминлаш, соҳа учун тежамкор кўп функцияли техника ва жиҳозларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш вазифалари қўйилган. Шуниси диққатга сазоворки, кейинги йилларда Хитойда асосий воситаларга йўналтирилаётган инвестицияларнинг асосий манбаси корхоналарнинг ўз маблағлари бўлиб, уларнинг улуши 32 фоиздан кўпроқни ташкил қилган ҳолда инвестицияларнинг қолган улуши деярли давлат бюджети ва марказлашган молия институтлари ҳисобига тўғри келмоқда. 2009 йилда хорижий инвестициялар улуши эса 15,2 фоизга камайган. Шунга қарамасдан хитойлик иқтисодчилар қишлоқ хўжалигини иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан заиф тармоқ сифатида тан олишиб, унинг ва умуман қишлоқнинг истиқбол тараққиётини таъминлаш давлатнинг бевосита ёрдамисиз ва молиявий дотациясиз амалга ошириб бўлмаслигини эътироф этишади.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқадиган асосий хулоса шундан иборатки, соҳадаги хўжалик юритиш субъектлари доимий равишда имтиёзли кредит ресурслари билан таъминланади ва уларнинг шакллари ҳар бир давлатда ўзига хос хусусият ва ёндашишларга эга. Имтиёзли кредитлар беришдан кўзланган асосий мақсад фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятида максимал даражада ҳар томонлама қулайлик яратишдир. Бундаги асосий тамойилнинг моҳияти ажратиладиган кредитлар фоиз ставкаларининг маълум бир қисмини давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш ҳисобланади.

Масалан, Францияда фермерларга максадли 6 хилдаги имтиёзли кредитлар йиллик 3,75 дан то 8,25 фоизгача, ёш фермерлар, яъни янгидан иш бошлаган фермерларга эса 2,75-4,0 фоизлик ставкалар даражасида ноқулай табиий-иқтисодий минтақаларнинг мавжуд шароитларини ҳисобга олган холда 7-12 йилга ва бошқа минтақалардаги 300-800 минг франк суммасига эга бўлган фермерларга эса 5-9 йил муддатга

ажратилади. Францияда фермерларга бериладиган имтиёзли кредитларнинг фоиз ставкалари қатъий белгиланган бўлса, масалан, Австрияда уларнинг даражаси бевосита кредитор банклар томонидан белгиланади, яъни кредитнинг фоиз ставкаси аниқ фиксация қилинмайди (белгилаб қўйилмайди). Ушбу давлатда имтиёзли инвестицион кредитларни қайтариш муддати 10 йилни, механизация воситалари харид қилиш учун берилган кредитларни қоплаш муддати эса 6 йилни ташкил қилади.

Имтиёзли кредитлаш тизими қишлоқ хўжалиги фаолиятининг барча йўналишларини қамраб олиб, уларнинг устувор ривожланишига мустаҳкам молиявий замин яратади. Масалан, Австрияда имтиёзли кредитларнинг 40 фоизига яқини фермаларни ташкилий-таркибий такомиллаштириш, 25 %и атрофида уй-жой ва хўжалик биноларини қуриш ва таъмирлаш, 12 %и қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тадбирларини механизациялаш ва 5 %и атрофида маҳсулотларни реализация қилиш учун йўналтирилади.

Францияда имтиёзли ссудаларнинг 70 фоизидан ортиқроғи қишлоқ хўжалиги корхоналарини модернизациялаш ва ривожлантириш мақсадида ажратилади. Давлат қишлоқ хўжалигини имтиёзли кредитлаш тизимини олиб бораётган иқтисодий сиёсатнинг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда мувофиқлаштириб боради. Кредитлашнинг энг имтиёзли режими кўпроқ янгидан фаолият бошлаётган ёш фермерларга, илмий-техника янгиликларини жорий қилаётган хўжаликлар ва кооператив ташкилотларига нисбатан қўлланилади. Шунинг билан бир қаторда имтиёзли кредит олишнинг маълум бир шартлари ҳам мавжуд. Яъни, имтиёзли кредит олишга талабгор фермер профессионал малакага эга бўлиши ва стандарт шаклдаги бухгалтерия ҳисоботини юритиши, шунингдек, ёш фермерларнинг ёши 21 дан кам бўлмаслиги ва 35 дан ошмаслиги шарт. Бундан ташқари фермерлик асосий фаолият бўлиши, фермерлар асосий иш вақтининг камида 50 фоизини фермер хўжалиги фаолиятига сарф қилиниши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан олинадиган даромад умумий даромадининг ярмини ташкил қилиши талаб қилинади.

Чунки, ривожланган хорижий мамлакатларда фермерлар фақаттина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланиб қолмасдан, балки ноқишлоқ хўжалиги фаолиятларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишади. Бундай давлатлар жумласига АҚШ, Хитой, Франция, Австрия, Германия, Япония ва бошқа кўплаб мамлакатлар номини келтириш мумкин. Масалан, фермер хўжаликларининг ноқишлоқ хўжалиги фаолият турларидан оладиган даромади АҚШда 83 %, Хитойда 40, Францияда 36, Японияда 74, Канадада 68 ва Германияда 70 % ни ташкил этишининг ўзиёқ фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар ажратишда ушбу ҳолатларни ҳисобга олишни тақозо этиши тушунарлидир. Шунга қарамасдан, Англия, АҚШ, Германия, Испания, Норвегия, Франция, Япония каби мамлакатларда қишлоқ хўжалигини имтиёзли кредит ресурслари билан таъминлаш билан бирга бошқа иқтисодий механизмлар асосида қўллаб-қувватлаш тадбирларига ҳам кенг ўрин берилган. Масалан, Европа иттифоқи таркибидаги давлатларда 2015 йилдан бошлаб бозор конъюктурасидаги жорий ҳолатлардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини қоплаб беришни 50 фоизга етказиш режалаштирилган.

Аграр сектор тараққиётини давлат томонидан турли иқтисодий унсурлар, жумладан дотациялаш ёрдамида рағбатлантириш тизимида кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулот турлари даражасида ҳам алоҳида амалга оширилади. Масалан, Канадада сут етиштириш учун ажратиладиган дотация ҳажми 90 %ни ташкил қилади. Ғарбий Европа мамлакатларида имтиёзли молия ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларини қишлоқ хўжалиги юритиладиган ҳудудларнинг табиий-иқлимий шароитларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш усули кенг қўлланилади. Бу тадбирда табиий-иқлим шароитлари оғир бўлган ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектларга кўпроқ ва шароити қулай бўлган ҳудудлардаги хўжаликларга эса аксинча, камроқ имтиёзли воситалар тўлиғича етказиб берилади.

Масалан, Францияда шу мақсадда ажратиладиган субсидиялар ҳажми мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 7,1 %ини, Австрия ва Германияда 13,7; Ирландияда 14,8; Данияда 17,7; Англияда 27,5 ва Норвегияда 32,5 %ни ташкил қилади. Давлат

томонидан ажратиладиган субсидияларнинг нечоғлик катта ҳажмдалигини тасаввур қилиш учун қуйидаги, яъни давлат субсидияларининг фермер ва ишлаб чиқариш кооперативларининг фойдасидаги улуши, масалан, АҚШда 30,0 %, Швецияда 59, Финландияда 71 ва Японияда 75 %ни ташкил этишини қайд этишнинг ўзиёқ кифоядир. Умуман олганда, ривожланган хорижий давлатларда қишлоқ хўжалиги техникаларини модернизация қилиш, замонавий илмий-техника янгиликларини жорий қилиш ва аграр соҳанинг экологик муаммоларини ҳал этиш учун ажратиладиган мақсадли дотация ва субсидиялар ҳажми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг 40 %идан то 80 %игача бўлган даражани ташкил қилади.

Хорижий давлатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига кенг миқёсда турли тоифадаги молия институтлари кредит манбаларидан ўзларининг зарурий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш имкониятлари яратиб берилган. Шу мақсадда аграр соҳага хизмат қиладиган жуда кўплаб тижорат ва кооператив банклари, суғурта компаниялари, махсус ихтисослашган молиялаш ташкилотлари ва шу кабилар ташкил қилинган. Масалан, АҚШда қишлоқ хўжалиги кредит манбаларини шакллантирувчи кредит ташкилотлари гуруҳига 12800 дан ортиқ банк ва уюшмалар кирган. Шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатларда айниқса фермер хўжаликларига микромолиявий хизматлар кўрсатувчи кредит ташкилотлари фаолиятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, фақат шу тоифадаги кооператив банклар сони Германияда 1255 ва Италияда 584 тани ташкил қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 2010 йил 1 январь ҳолатига республика бўйича 183 та банкдан ташқари кредит ташкилотлари рўйхатга олинган.

Чет эл давлатларининг аксариятида аграр секторни кредит ресурслари билан таъминлашда кооператив банклар улуши салмоқли ўринни эгаллайди. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, кооператив мақомидаги кредит муассасалари даврий содир бўлиб турадиган молиявий-иқтисодий инқирозлар таъсирига тижорат

банкларига нисбатан камроқ учрайди. Бунинг энг асосий сабаби уларда пул маблағлари фақатгина ички айланиш хусусиятига эга бўлиб, унга ташқи омиллар таъсири сезиларсиз даражада бўлади. Шу боисдан ҳам, жумладан, қишлоқ хўжалигига жалб қилинган барча инвестициялардаги кооператив банкларининг ҳиссаси Францияда 75 %, ГФР да 44 ва АҚШда 26 %ни ташкил қилади. Давлат тижорат банклари орқали қишлоқ хўжалигига инвестиция ресурсларини жалб қилиш ҳажми эса хорижий давлатларда ҳар хил улушга эга. Масалан, бу кўрсаткич АҚШда 32 %ни ташкил қилса, ФРГ ва Францияда эса мос равишда 8 ва 2 %га тенгдир.

Бинобарин, тадқиқотларимизнинг гувоҳлик беришича, хорижий давлатларда аграр секторни, шу жумладан қишлоқ хўжалигини молиялаш тизимида банкдан ташқари кредит муассасаларини ривожлантиришга устуворлик берилган. Масалан, Америкада банкдан ташқари кредитлаш манбаси сифатида асосан иккита, яъни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги Фермерлар ишлари бўйича Маъмурият ва Товар-кредит корпорацияси салмоқли ўринни эгаллайди. Шунинг билан бирга мамлакат Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фермерларга ўз маҳсулотларини реализация қилишларига кўмаклашиш, уларни сотиш билан шуғулланувчи кооперативларни қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобатга бардош беришлари учун жаҳон бозорларидаги барча маълумотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини ҳам амалга оширади.

Хитойда эса қишлоқни кредит ресурслари билан давлат томонидан самарали ва қатъий мақсадли таъминлаш вазифаси Қишлоқ хўжалиги тараққиёт Банки зиммасига юклатилган. Аграр соҳада давлат сиёсатини ифодаловчи мазкур Банкнинг асосий функциялари сифатида қуйидагилар, яъни қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кредитлашни амалга ошириш, шунингдек, тармоқ тараққиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида молия ресурсларини тўплаш (аккумуляция қилиш) белгиланган бўлиб, улар, жумладан, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек, улгуржи савдо звеносини кредитлаш; ночор қишлоқ районларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурсларини мажмуавий равишда ўзлаштириш тадбирларини

кредитлашга йўналтирилади. Банк ресурсларининг асосий манбалари бўлиб молия органлари томонидан чиқариладиган облигациялар, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш бюджет жамғармаси, тайёрлов ташкилотларининг маблағлари ва марказий банкнинг қайта молиялаш (рефинансирование) сиёсати туфайли вужудга келадиган ресурслари ҳисобланади.

Хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарини банкдан ташқари кредит ташкилотлари орқали инвестициялаш сиёсати кейинги пайтларда Россия Федерацияси ва унинг субъектларида ҳам амалга оширилмоқда. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, Россияда қишлоқ жойларидаги иқтисодий-молиявий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда мазкур инвестициялаш субъектларини янада кенгайтириш ва ривожлантиришга алоҳида ўрин ажратилмоқда.

Бу тадбирни давлат даражасида ҳал этиш Россия Федерацияси аграр сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида тан олинмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, қишлоқ кредит кооперативлари – бу фермер хўжаликлари, шунингдек, муайян бир қишлоқ ҳудудида яшовчи ва фаолият юритувчи бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий равишда киритган пай улушларидан ташкил топувчи жамғарма шакллантириш ва ундан бир-бирларига ўз фаолиятларини ривожлантириш учун қарз бериш тамойилларига асосланган инвестиция институти (уюшма)дир. Бу кооперативларнинг банклардан фарқли жиҳатлари шундан иборатки, улар, биринчидан, тижорат ташкилоти ҳисобланмайди ва иккинчидан, уларнинг асосий мақсади ўз аъзоларининг маблағларини сақлаш ва кўпайтириш, улардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва қишлоқ аҳолиси фаровонлигини юксалтиришга қаратилгандир.

Қишлоқ хўжалигини устувор тармоқ сифатида ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида катта ҳажмдаги инвестиция ресурслари жалб қилиш, ушбу жараёнда иқтисодий-молиявий имтиёзлар тизимини такомиллаштириш, инвестицияларни молиялаштириш манба ва субъектларининг турли шаклларини, жумладан нодавлат кредит муассасалари сонини кўпайтириш, хорижий инвестициялардан

самарали фойдаланиш учун қулай инвестицион муҳит яратиш каби устувор вазифалар Украина, Қозоғистон ва бошқа МДҲ давлатларида ҳам кенг кўламда амалга оширилаётганлигини эътироф этиш лозим.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда республикамиз шароитида қишлоқ хўжалигида инвестицион фаолиятни инвестиция ресурслари билан етарли миқдорда таъминлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, инвестицияларни молиялаштириш манба ва субъектларини янада ривожлантириш, молиялаш тизимида имтиёзлар механизмини илмий-амалий асосланган ҳолда қўллаш бўйича қуйидаги иқтисодий-молиявий чора-тадбирларни жорий этиш мақсадга мувофиқ:

– фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш фаолиятини асосан ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириш даражасини ошириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талаблари доирасида фаолият юритишларини таъминлаш учун маълум бир даврда (масалан, камида 5 йиллик муддатда) дотациялаш механизмини жорий этиш ва ушбу мақсадда ажратиладиган бюджет маблагларини қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва ҳудудларининг табиий-иқлимий, ер ва сув, коммуникация ва бошқа шароитларини ҳисобга олган ҳолда табақали тақсимлаш тадбирларига эътибор қаратиш;

– Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналари, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фойдасининг камида 15 %ни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида инвестиция манбаи сифатида шакллантириш ва фойдаланиш;

– фермер ва деҳқон хўжаликларига тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкаларини пасайтириш имкониятларини ишга солиш, шунингдек, техника, технология ва шунга ўхшаш асосий воситалар сотиб олиш учун бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ҳажмини кўпайтириш;

– ҳудудларда нотижорат мақомидаги кредит кооперативлари сонини кўпайтириш ва уларни дастлабки 3 йиллик даврда давлат

томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий қилиш;

– фермер хўжаликларида ноқишлоқ хўжалик фаолиятларини ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш ва уларни 3 йиллик ишлаб чиқариш фаолиятидан кейин қайтариш механизмларини татбиқ этиш;

– тижорат банклари ва қишлоқ кредит кооперативларининг молия ресурсларини кўпайтириш мақсадида аҳоли, турли нотижорат ташкилотлари, хорижий инвесторлар ва шунга ўхшаш бошқа жисмоний ва юридик шахслар маблағларини жалб қилишни рагбатлантириш механизмларидан кенгроқ фойдаланиш чораларини қўллаш;

– турли даража ва турлардаги кластер шаклларини ташкил қилиш, улар таркибига кирувчи хўжалик субъектлари даромадларини ошириш ва уларнинг тайёр истеъмол товарларини экспорт қилиш ва хорижий валюталар туширишга кенг имконият яратувчи инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш, кластер фаолиятининг якуний натижалари (*молия ресурслари*)*ни таркибий субъектларнинг инновацияга* асосланган фаолиятларини ривожлантириш ва рағбатлантиришга йўналтириш ва ҳ.к.

Юқоридаги илмий-амалий асослаб берилган инвестициявий характерга эга бўлган чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этиш, фикримизча, биринчидан, қишлоқ хўжалигини жадал ва барқарор ривожлантириш, иккинчидан, унинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини муттасил юксалтириш, учинчидан, қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларининг бандлик даражасини ошириш, тўртинчидан, тармоқни етарли ҳажмда инвестиция ресурслари билан таъминлаш, бешинчидан, қишлоқ аҳолисининг моддий-маънавий яшаш шароитларини яхшилаш ва, энг муҳими, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади.

## 4.3. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни инвестициялар орқали мувофиқлаштиришнинг хориж тажрибалари

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, давлатнинг иқтисодиётга аралашув механизмларининг ўзгариши таъсирида давлат бошқаруви амалиёти, шакл ва услублари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги вақтда давлат бошқаруви тизимида маъмурий ва ҳуқуқий бошқарув, бевосита ва билвосита иқтисодий бошқарув усуллари алоҳида ажратиб кўрсатилмоқда. Маъмурий восита ва усуллар давлат ҳокимияти кучига асосланган бўлиб, у чеклаш ва тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш (лицензиялаш ва квоталаш, баҳо ва нархлар, тушумлар ва фойдалар, валюта курси ва бошқалар устидан назорат ўрнатиш) чора-тадбирларини ўз ичига олади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бошқаришнинг маъмурий усуллари жуда кам миқдорда қўлланилади. Бу воситалар асосан атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ҳамда кам таъминланган аҳоли қатламларига нисбатан минимал даражадаги турмуш шарт-шароитларини яратиш соҳасига қўлланилган холос. Давлатнинг ҳуқуқий бошқарув усуллари одатда ўрнатилган меъёрлар ва тартиб-қоидалар тизими орқали тегишли қонун ва қонуности актлари доирасида амалга оширилади. Бозор муносабатларига ўтиш рақобатнинг кучайиши ва давлатнинг иқтисодиётдаги ролининг пасайишини тақозо этади. Бироқ, фақатгина бозор муносабатлари асосида ишлаб чиқаришнинг юксак илмий-техник даражасини таъминлаб бўлмайди. Илмий-техника, таркибий-ташкилий, инвестиция ва инновация соҳаларида олиб бориладиган сиёсатнинг баъзи бир функциялари, бизнинг фикримизча, давлат бошқаруви объекти сифатида қолмоғи лозим. Чунки бундай масалаларни бевосита давлатнинг аралашувисиз ҳал қилиб бўлмайди ва улар бюджет сиёсати воситалари билан ҳал қилинади. Маълумки, давлат бюджети – бу марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг даромад ва харажатлар қисмларидан иборат. Бевосита ва тўғридан-тўғри иқтисодий бошқариш мақсадида устувор йўналишлар, ҳудудлар ва корхоналарни қайтаришсиз-мақсадли-молиявий таъминлашнинг

турли шакллари қўлланилади. Булар тўғридан-тўғри бевосита субсидиялар бўлиб, улар ўз ичига турли хил дотацияларни олади. Буларга имтиёзли кредитлар ҳам тааллукли. Юқоридагилардан асосий мақсад давлат бошқарувининг бевосита иқтисодий ричагларни ишга тушириш бўлиб, бу нарса ўз навбатида самарали таркибий сиёсат юритиш, Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим бўлган ишлаб чиқаришлар ҳамда истиқболли тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Бевосита иқтисодий бошқарув мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини мувофиқлаштириш, молиявий ҳолатларини барқарорлаштириш ва иқтисодиётнинг кучсизланган тармоқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг устувор мақсадларига эришишга йўналтирилади. Айни вақтда шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, бевосита иқтисодий бошқарув шаклига зўр бериш бозор муносабатларининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиш мумкин.

Инвестицион сиёсатнинг билвосита иқтисодий бошқариш шакллари қаторига молия-кредит, солиқ, амортизация, валюта, ташқи иқтисодий фаолият ва, шунингдек, божхона-тариф сиёсати ва бошқалар киради. Давлат ушбу воситалар ёрдамида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг иқтисодий манфаатлари ва инвестицион фаолияти рағбатлантирилишига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон иқтисодиётида узоқ муддатга мўлжалланган инвестицион фаолиятнинг кредитли усулларини янада такомиллаштириш бозор муносабатларининг асосий талабларидан бўлиб ҳисобланишини эътироф этиш ўринлидир. Бизнингча, кредит тизимининг ўтмишда шаклланган ва ҳозирда охиригача бартараф этилмаган камчиликларини таҳлил қилиш ва уларни ҳал этиш механизмларини такомиллаштириш ҳозирги иқтисодий ислоҳотларнинг асосий талабларидан биридир. Бу камчиликларга, энг аввало, кредитнинг асосий принциплари бўлган муддатлилик, қайтариш ва фойда кўриш кабиларнинг бузилиши киради. Молия-кредит тизимини такомиллаштириш орқали инвестицион фаолиятни самарали иқтисодий бошқариш учун энг аввало Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкасини изчил пасайтириш лозим, бу нарса ўз навбатида кредит ресурсларининг

арзонлашуви ва уларни инвестиция соҳасига қайта йўналтиришга хизмат қилади. Ҳозирги вақтда таркибий ўзгаришларга хизмат қилишга мўлжалланган узоқ муддатли кредитлар МБ нинг қайта молиявий таъминлаш умумий ҳажмида айтарли катта бўлмаган улушга эга. Кредит фоизининг кўтарилиши корхоналар инвестицион фаоллигини пасайтиради.

Инвестицион фаолиятни давлат томонидан бошқаришда солиқлар иккита вазифани бажаради: биринчидан, улар давлат харажатларини молиявий таъминлашнинг асосий манбаи ва таркибий ўзгаришларнинг моддий асосидир, иккинчидан, у юқорида кўрсатиб ўтилганларни бошқариш воситасидир. Ғарб иқтисодиётида ҳар қандай фирма таомил бўйича бир хилда солиққа тортилади, бироқ, бу фирмалар юритаётган фаолиятни рағбатлантириш заруриятига қараб, ҳар хил имтиёзлар, чегирмалар ва бошқалардан фойдаланилади. Мазкур тизимни шакллантиришнинг хориж тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида ҳам ташкилий-иқтисодий ислоҳотларнинг кейинги босқичлари талабларига мос равишда солиқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда бизнингча, солиқ ёрдамида бошқарув усуллари қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга, яъни:

– фойдани қайта тақсимлаш механизмини ўзгартириш;

– саноат ишлаб чиқариши, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий кичик тадбиркорликни ривожлантириш;

– корхонанинг ўз маблаглари ҳисобига инвестиция фаолиятини рағбатлантириш;

– солиқ юкининг оғирлик марказини маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан тижорат воситачиларига ўтказиш;

– устувор тармоқларни маблағлар билан таъминлаш мақсадида мамлакат ички ва чет эл инвесторларини рағбатлантириш;

– давлат шартнома буюртмаси асосида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаларига устувор инвестицион лойиҳаларни ўзлаштириш учун кўмак уюштиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Амортизацион тизим – инвестицион сиёсатни билвосита иқтисодий бошқаришнинг муҳим услубидир. Амортизация

ажратмалари асосий капитални қайта ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асосий молиявий манба сифатидаги ролини қайта тиклаш ва ривожлантириш зарур. Шу муносабат билан инфляция суръатидан келиб чиқиб, даврий равишда асосий фондларни баҳолашнинг халқаро амалиёти бўлган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида баҳолашни тўлиқ йўлга қўйиш керак. Бундан ташқари, корхоналарнинг махсус ҳисобида ажратмаларни йиғиш тизимини жорий этиш ҳамда уларнинг мақсадли сарф этилишини назоратга олиш мақсадга мувофиқ. Амортизация меъёрининг ортиши ва ажратмалар миқдорининг кўпайиши корхоналарнинг молия ресурсларини кўпайтириб, уларнинг инвестицион фаоллигини оширади.

Иқтисодий адабиётларда «Умумлашган амортизацион фондлар" (УАФ) ҳақида Низом»ни ишлаб чиқиш таклифига қўшилган ҳолда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, ушбу Низомда амортизацион маблағлардан фойдаланишда кескин чеклашлар ҳамда бу маблағлар фақат мижознинг капитал харажатларини тўлашга ишлатилмоғи кўзда тутилган бўлиши даркор. УАФни яратишга параллел равишда фонд бозори, яъни амортизацион фондлар маблағлари бозорининг секторини шакллантириш истиқболли ҳисобланади, зотан бу сектор инвестицион жараённи фаоллаштиришга имкон беради. Бундан ташқари, амортизацион фондлар кредит олишда гаров кафолати сифатида қўлланиши мумкин.

Мазкур молиявий инструментлар ташқи иқтисодий алоқаларга сезиларли таъсир ўтказади. Бироқ инвестицияларга ташқи иқтисодий таъсир ўтказишнинг бошқа бевосита инструментлари ҳам мавжуд. Буларга энг аввало маҳсулотлар, хизматлар, капиталлар, илмий-техника соҳасидаги илғор ютуқлар экспортининг ривожлантирилиши; экспортни кредитлаш, чет элдаги экспорт кредитлари ва инвестицияларини кафолатлаш; ташқи савдо божини ўзгартириш; мамлакат иқтисодига чет эл капиталини жалб қилишни чеклаш бўйича чора-тадбирлар кўриш ва бу капиталнинг ўз вазифасини бажариш шарт-шароитларини ўзгартириш ва бошқалар киради.

Инвестицион фаоллик кўп жиҳатдан чет эл капиталини жалб қилишга боғлиқ. Кўп йиллар давомида бизда кредит асосида

техникани импорт қилиш орқали чет эл ютуқларини ўзлаштириш ҳукмронлик қилиб келади. Ҳозирги вақтда чет эл капиталини тўғридан-тўғри мамлакат иқтисодиётига киритиш ҳақида сўз юритилмоқда, бу албатта, кредитларга нисбатан афзал ҳисобланади. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат стратегияси зарур эди ва ҳозирги кунда бу борада давлатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан истиқболли йўл хариталари ишлаб чиқилиб, улар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида самарали татбиқ этилаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу ўзига хос мажмуавий характердаги ислоҳотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига қўшилишига ёрдам беради. Булар жумласига Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва, шунингдек, ҳар бир йилга мўлжалланган ҳукуматнинг инвестиция Дастурларини ҳамда ҳар бир тармоққа оид ишлаб чиқилаётган ва татбиқ этилаётган инвестицион лойиҳаларни киритиш мумкин.

Давлат бошқарув механизми иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, инвестицияларни таъминлаш ва улардан фойдаланишда юксак самарадорликка эришиш чораларига йўналтирилган бўлиши зарур. Бу ерда икки босқични кўрсатиб ўтиш мумкин: биринчи босқичда маблағларни йиғиш ва уларни бюджетда капитал маблағлар сифатида тўплаш муҳим бўлса, иккинчи босқичда уларни таркибий қайта шакллантириш жараёнида реал тармоқлар ва иқтисодий ўсишнинг ўзагини ташкил қилувчи стратегик корхоналарда максимал даражада иқтисодий самарадорлик билан қўллашни ташкил этиш лозим.

Маълумки, бозор муносабатларининг илк шаклланиш даврида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг пайдо бўлиши, тадбиркорларнинг давлатга нисбатан «эркинлиги» Ўзбекистоннинг инвестиция соҳасидаги сиёсати ва унинг иқтисодиёти структурасига салбий таъсир ўтказувчи омилларнинг юзага келишига олиб келган эди. Шу даврдаги шароитда бу салбий омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: таркибий ўзгаришларнинг илмий асосланган концепцияси мавжуд эмаслиги; ишлаб чикаришнинг умумий камайиши ва хусусан

унинг инвестиция соҳасида янада жадалроқ пасайиши; жамиятнинг сиёсий жиҳатдан барқарор эмаслиги; давлат инвестицияларининг кескин қисқариши ва инвестицион фаолликнинг пасайиши; иқтисодий-инвестицион фаолиятни бошқарувчи қонуний ва меъёрий базанинг мукаммал эмаслиги; мулк муносабатларининг етарли даражада ривожланмаганлиги; инфляция даражаси ва инвестицион жараёнлар ривожига бериладиган қарзлар ставкасининг юқорилиги; солиқ тизимининг номукаммаллиги; ҳам ички, ҳам чет эл инвесторлари кафолатлари ва имтиёзларини таъминловчи ишончли тизимнинг йўқлиги.

Бироқ, Ўзбекистоннинг инвестиция соҳасидаги сиёсатига таъсир ўтказувчи ва юқорида санаб ўтилган салбий омиллар билан бир қаторда, инвестицион фаолиятнинг фаоллашувига таъсир этувчи ижобий ўзгаришлар ҳам мавжуд. Бу энг аввало жамиятнинг демократлашуви; ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши; кўп партиявий сиёсий тизимга ўтиш; мулк шаклларининг хилма-хиллиги; ишлаб чиқарувчилар монополизмига чек қўйиб борилаётгани; ташқи иқтисодий фаолиятга бўлган давлат монополиясининг бекор қилиниши; янги бозор муносабатлари ва таркибий тузилмаларининг пайдо бўлиши ва анъанавий мавжуд бўлган бозор муносабатларининг янада ривожантирилиши; марказлашган давлат бошқарувидан аста-секин чекиниш; давлат бошқарувининг янги шаклларини қидириш; ўрта ва кичик бизнесга, фермерлик соҳасига кўмак бериш ҳамда бозор инфраструктурасини ривожлантириш; миллий валюта конвертация тизими ва механизмларининг яратилиши, замонавий инновацион дастурий технология ва ишланмалар ҳамда макро ва микро даражадаги статистик маълумот базасини эркинлаштириш ва халқаро талабларга мослаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини яратиш, рақамли иқтисодиёт механизмлари ва бошқарув тизимларини жорий этиш каби йўналишларни таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Инвестиция соҳасидаги ижобий ва, айниқса, салбий омиллар таҳлили Ўзбекистонда самарали инвестицион фаолият турларининг пайдо бўлишига асос бўладиган қуйидаги энг муҳим йўналиш ва тамойилларни тизимлаштиришга имконият яратади.

1. <u>Иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг илғор структурасини яратишни таъминловчи ўзаро бир-бирига боғлиқ асосий устувор йўналишлар тизимини танлаш.</u> Бунда ривожланган мамлакатлар ҳамда Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларида аниқ намоён бўладиган қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда пировард эҳтиёжлар таркибидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш даркор. Устувор йўналишларни белгилашда ишлаб чиқаришнинг самарали таркибининг шаклланиши билан боглиқ тармоқларнигина аниқлаш муҳим бўлиб қолмасдан, балки муайян маҳсулот турига бўлган талабни аниқлаш (истеъмолчи рейтинги) ҳамда унга мос равишда шу маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишини кўпайтириш ёки камайтириш янада муҳимроқдир.

2. <u>Инвестицион фаолиятнинг стратегик йўналишларини ҳар томонлама мақбуллаштирилган лойиҳалар асосида ҳал этиш.</u> Бунда ҳар бир муайян дастур ва лойиҳани жорий этиш мақсадида унинг устуворлиги ва самарадорлигига жавоб берадиган лойиҳа раҳбари бошчилигида алоҳида махсус ишчи гуруҳ тузилиб, унинг иштирокчи ижрочилари шу лойиҳа бўйича малакали ва профессионал билимга эга бўлган мутахассислар таркибидан иборат бўлиши керак. Гуруҳ лойиҳани амалга ошириш стратегияси ва механизмини ишлаб чиқади, асосий эҳтиёжлардан келиб чиқиб танлов асосида бажарувчилар таркиби ва уларнинг функционал вазифаларини шакллантиради. Ушбу ижрочилар таркиби вақтинчалик ишлаб чиқариш тизими бўлиб, у дастурнинг пировард мақсадларини кўрсатилган муддатлар ва унга ажратилган бюджет доирасида бажарилишини таъминлаши лозим.

3. <u>Давлат бошқаруви ва хўжалик юритишдаги бозор механизмларининг энг мақбул қўшиб олиб борилишини таъминлаш</u>. Бу шартнинг бажарилиши инвестицион фаолиятга бўлган икки – марказлашган ва марказлашмаган ёндашувни қўллашни назарда тутади. Марказлашган ёндашув қонунчилик асосидаги меъёрий-ҳуқукий бошқарувга, илмий-услубий таъминланганликка, кадрларни давлат тизими асосида тайёрлашга асосланган. Бу ёндашув халқаро, давлат дастури ва лойиҳаларига, шунингдек, марказий манбалардан инвестициялаш йўли билан амалга ошириладиган дастур ва лойиҳаларга тааллуқли. Бу ерда

марказлашган ёндашув тўла ҳажмда – қонунчилик-меъёрий актларидан тортиб, ўз ичига ташкилий-иқтисодий шакл ва механизмлари, услублар ва бошқарув тизимларини яратиш, қўллашни ўз ичига олган инвестицион дастур ҳамда лойиҳаларни муваффақиятли тугатишгача амалга оширилиши лозим.

4. Устувор инвестицион дастур ва лойиҳаларга давлат томонидан кўмак беришнинг энг самарали шаклларини танлаш. Қайтарилмайдиган, бевосита бюджет томонидан амалга ошириладиган молиявий ресурсларни фақат тижоратга мўлжалланмаган принципиал янгича йўналишларни тадқиқ қилаётган илмий соҳалар, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда стратегик аҳамиятга эга объект ва иншоотлар барпо этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш (экология) ва мудофаа тизимини мустаҳкамлаш каби устувор соҳаларга жалб қилиш билангина чекланиш мақсадга мувофиқ. Бошқа ҳамма ҳолларда қайтарилиши лозим бўлган аралаш молиявий таъминот бозор механизмларига мос ва уларга узоқ муддатли тус берувчи, вақт бўйича чекланган мақсадли имтиёзларга (солиқ, кредит ва бошқалар) йўналтирилиши лозим.

5. Ўзбекистон иқтисодиётида, хусусан унинг инвестиция соҳасида ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш. Зотан, ҳуқуқий барқарорликнинг йўқлиги салбий натижаларга олиб келиши, умумий инвестиция манбаларидаги чет эл инвестициялари улушининг камайишига олиб келиши табиий ҳолдир. Бинобарин, ички ва ташқи инвесторлар учун ягона тартиб жорий этиш ва қонуний шартларни белгилаб қўйиш Ўзбекистоннинг чет эл инвесторлари фаоллигидан манфаатдор бўлган бошқа кўплаб мамлакатлар қаторидан ўрин олишига, шунингдек, чет эл инвесторларига мамлакат ички инвесторлари билан умуман олганда бир хил бўлган шарт-шароитлар тугдириш ва инвестицион фаолият турларини кенгроқ ривожлантириш имконини беради.

6. Инвестицияларнинг барча манбаларидан самарали фойдаланиш. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ялпи ички маҳсулот ўсишининг ҳар бир фоизига мамлакат ишлаб чиқариш соҳаларига жалб этиладиган инвестициялар учун ялпи ички маҳсулотнинг 3 % ини ажратиш лозим. Бунинг учун

анъанавий жамғариш манбаларини кенгайтириш ҳамда янги жамғариш манбаларини ҳар томонлама ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотдаги соф капитал маблағларнинг ҳиссаси аввал 15 фоизга (етарли равишда ишлаб чиқармаслик), кейин 22-23 фоизга (оддий қайта ишлаб чиқариш) ва кейинчалик 30 фоизга (кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш) кўтарилиши лозим.

Юқорида эътироф этилган асосий шартлар билан бир қаторда инвестицион фаолиятни самарали ташкил этишда қуйидаги тамойилларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

1. Инвестицион фаолиятни ташкил этишнинг чегаравий самарадорлик тамойили капитални жойлаштириш жараёни билан уни кетма-кет улушларда инвестиция қилиш самарадорлиги кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик жиҳатларини ифодалайди. Чунки, амалиётда ҳар бир кейинги капитални қўйишда самарадорлик даражаси нисбий пасайиш тенденциясига мос бўлиб, инвестицион фаолиятни фаоллаштиришда буни ҳисобга олиш лозим.

2. Бартараф этиш, тўлдириб бориш тамойили инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва самарали ривожлантириш борасида алоҳида роль ўйнайди. Чунки, у моҳиятан инвестициялаш ва уларни амалга ошириш жараёнидаги монеликлар ва тўсиқлар туфайли вужудга келадиган қийинчиликларни аввалдан кўра билиш ва уларни ҳал этиш ечимларини белгилаб олишни назарда тутади. Албатта, бундай вазиятларда янги инвестицион сиёсат жорий этилиши билан ечимлар ва хатти-ҳаракатлар эркинлиги йўқ бўлиб кетади деган фикрга бормаслик керак. Бироқ, охир оқибатда хатоларни инвестицияларни жорий этаётган корхона маблағлари ҳисобига амалга ошириш ҳолатига йўл қўймаслик учун, инвестицион лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки босқичида самарали модел ва усуллар ёрдамида олинган натижаларни ўзаро таққослаш асосида унинг самарадорлигини аниқ ва кафолатли даражада ҳисоб-китоб қилиш зарур.

3. Инвестицион фаолият самарадорлигини моддий ва молиявий жиҳатдан баҳолашни бирга қўшиб олиб бориш тамойили турли даражадаги бошқаришда инвестицион

стратегияни жорий этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда нисбий даромад ва харажатларни солиштириш орқали самарадорликка фақат қиймат, пул-молия кўринишида баҳо бериш имконияти яратилади. Бироқ, инвестиция қилишнинг жаҳон тажрибаси самарадорликнинг фақат пул-молия нуқтаи назаридан баҳоланишига таяниш етарли эмаслигини кўрсатади. Бундай ёндашув. жумладан, 90-йилларда Россияда бўлгани каби сакровчи инфляция шароитида айниқса ҳалокатлидир. Натура ўлчовидаги сотув ҳажмининг бир неча марта камайиши, асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши маълум даражада ошиши содир бўлган тақдирда ҳам реализация қилинган маҳсулот ҳажми барибир кўпайиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабдан инвестициялар самарадорлигини баҳолашда пул-молия ва техник жиҳатдан самарадорлик мезонларини қўшиб олиб боришга асосланган ёндашувларни қўллаш зарур. Бу самарадорликка объектив ва ишончли баҳо бериш ҳамда тўгри инвестицион ечим қабул қилишга имконият яратади. Бундай усул қўлланганда асосий эътибор инвестицион лойиҳада кўзда тутилган технологияга берилади.

4. Принципиал жиҳатдан мавжуд технологияларни такомиллаштириш ва янги технологияларни жорий қилиш ҳам мамлакат ичида, ҳам жаҳон бозорида маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширувчи муҳим йўналиш ҳисобланади. Замонавий янги технологияларга инвестициялар жалб қилиш машиналарнинг сифат ва унумдорлик жиҳатдан яхшиланишига ёрдам беради, уларнинг юксак унумдорлиги эса фан ривожининг умумий ҳолати ва технологиянинг ривожланганлик даражасини белгилайди. Технологиянинг маҳсулот ва хизматлар самарадорлиги ва рақобатбардошлигига таъсири истиқболда янада ошди. Турли усуллар билан, у ёки бу меҳнат қуролидан фойдаланиб, техник воситалар ва уларнинг энг мақбул ишлаш режимларини қўллаб рақобатбардош маҳсулотни тайёрлаш имконияти туғилади. Бундай имкониятнинг юзага келиши айнан принципиал янги технологияларни жорий этишга инвестицияларни қўллаш билан боғлиқлигини эътироф этиш лозим.

Маҳсулотнинг техник ёки экологик жиҳатдан янгилиги (унинг техник-иктисодий ва истеъмол параметрлари) уни ишлаб

чиқариш жараёнида фойдаланилган техника ва технология даражасининг ривожланганлигини ифодалайди. Шу сабабдан техника ва технологияларнинг янгилиги кўп жиҳатдан аллақачон кенг тарқалган ишлаб чиқариш восита ва предметларини инновациялар асосида модернизациялашни назарда тутади. Бу эса ўз навбатида янги меҳнат воситаларига ўтиш технологиянинг ўзгаришидан бошқа нарса эмаслигини билдиради. Демак, технология инвестицияларни қўйиш ва уларнинг самарадорлигини оширишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, аксарият ишлаб чиқариш қувватларининг номукаммал ишлаб чиқариш технологиясига асосланганлиги ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг инвестицион фаоллиги самарадорлигининг нисбатан паст бўлишига сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, давлатнинг инвестиция соҳасидаги сиёсатининг устувор вазифаларидан бўлиб инвестицияларни иқтисодиётнинг барча тармоқларида янада мукаммалроқ, принципиал янги технологияларни ривожлантиришга йўналтириш бўлиши керак. Бинобарин, яқин келажакда (10-15 йил ичида) техник параметрларни яхшилашнинг энг йирик қўшимча имкониятлари амалдаги технологияларни модернизациялаш ҳамда замонавий янги технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ.

5. Самарадорликни баҳолашда инвестицион ечимларни қабул қилиш харажат ва баҳосини ҳисобга олмайдиган тамойилга асосланган соф техник ёндашув. Бундай ёндашув мамлакатимиз корхоналарида кам тарқалган, чунки бундай ёндашув қўйилган маблағлар самарадорлигининг реал пул-молиявий баҳосини беришга имкон бермайди.

6. Харажатларни адаптация қилдириш (мослаштириш) тамойили янги инвестиция муҳитини шакллантириш билан боғлиқ. Адаптацион харажатлар ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва кадрларни қайта тайёрлаш вақтида йўқотилган маҳсулотларни чиқариш билан ўлчанади. Демак, иқтисодиётни модернизациялаш босқичида инвестицияларни кўпроқ мамлакатимиз корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини қайта тиклаш ва қуришга йўналтириш мақсадга мувофиқ (4.3.1-чизма).




**4.3.1-чизма. Инвестициялар, қайта қуриш ва иқтисодни тиклашнинг ўзаро боғлиқлик занжири**

Қайта қуриш одатда янги инвестицияларни жалб қилиш, маҳсулот таннархини камайтириш ва диверсификация асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни талаб қилади. Қайта қуришнинг баъзи босқичларини фақат корхонанинг ички имкониятларини қўллаб амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, қайта ташкил этишнинг бошланғич босқичи йирик молиявий инвестицияларини талаб қилмаслиги мумкин, чунки у биринчи навбатда ташкилий ва бошқарув тузилмаларини ўзгартиришга ҳамда фаолият турлари ва корхона маҳсулотини сотиш бозорларининг энг мақбул шаклларини топиш билан боғлиқ масалаларга қаратилган бўлади. Шунингдек, бошланғич боскичга яна корхонани «соғломлаштириш» (ички имконият-ларни қайта тақсимлаш) бўйича тавсияномалар ишлаб чикиш ҳам киради. Бу босқичда ташкилий тадбирларни жорий қилиш учун корхона раҳбарияти ва мутахассислари томонидан инновацион ёндашувларни талаб қилади ва асосан корхонанинг ички имкониятлари ишга солинади.

Қайта ташкил этишнинг кейинги босқичида катта миқдордаги инвестициялар талаб қилинади ва улар асосан замонавий янги технологиялар, нау-хау ва инновация ишланмалари, асбоб-ускуналар харид қилиш ва, энг муҳими, малакали меҳнат ресурсларини шакллантириш учун йўналтирилади. Қуйидаги 4.3.1-чизмада корхонани қайта ташкил этиш босқичлари ва уларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизими акс эттирилган.

Қайта ташкил этиш (реструктуризация) даврида йўқотилган вақт фойда (киримнинг) йўқотилиши деб қаралади. Амалда доимо биринчи ва иккинчи босқичлар ўртасида янги инвестициялар киритиш жараёнида муайян бир вақт мобайнида узилиш кузатилиши мумкин.

Ҳар қандай мослашув ўз харажатларига эга, бинобарин, бу нарса жорий даромаднинг камайишига олиб келади.

**4.3.1-жадвал**

**Хўжалик юритиш субъектларини қайта ташкил этиш босқичлари, уларнинг мазмуни ва инвестициялар билан боғлиқлиги**

| Корхонани қайта ташкил этиш босқичлари | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1-босқич (бошлангич) | | 2-босқич (молиявий) | | |
| Ташкилий-бошқарув қайта қуриш<br>1. Бошқарувнинг энг мақбул тузилмасини танлаш<br>2. Таннархни камайтириш<br>3. Самарали маркетинг хизматини яратиш<br>4. Номенклатурани қайта кўриб чиқиш | Фаолиятни қайта ташкил этиш<br>1. Ишлаб чиқариш бўлимларини режалаштириш<br>2. Ижтимоий соҳа, ёрдамчи бўлимларни ажратиб олиш<br>3. Ишлаб чиқариш операцияларини такомиллаштириш<br>4. Сифатни самарали назорат қилишни жорий этиш | Инсон капиталига инвестициялар | Янги асбоб-ускуналар учун инвестициялар | Инновацион янги технологиялар харидига инвестициялар |

Бироқ, келажакда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга йўналтирилган инвестициялардан олинадиган пировард натижалар (даромадлар) нафақат қайта қуриш харажатларини қоплаши, балки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайдиган миқдорда фойда олиш имкониятларини яратиш лозим.

7. Мультипликатор (кўпайиш суръатини ифодаловчи коэффициентни аниқлаш) тамойили. Бу тамойил муайян тармоқ ёки тармоқлар тизимида битта маҳсулотга бўлган талабнинг ортиши унга керак бўлган инвестициялар билан боғлиқ ўзаро нисбатни ҳисобга олишни заруриятга айлантириши билан бир пайтда бошқа маҳсулотларга ҳам бўлган талабнинг ортишини ҳисобга олишни назарда тутади. Шу нуқтаи назардан у ёки бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини билиш лозим бўлиб, бу ўз навбатида корреляция коэффициентини ҳисоблаш имкониятини беради. Мультипликатор битта ишлаб чиқариш ривожининг бошқа ишлаб чиқаришга муайян таъсири, иқтисодий боғлиқлик

даражаси ва вақтини аниқлаш; ахборотлар тизимини самарали қўллаш; норентабел инвестициялашнинг олдини олиш ва инвестицион маблағларни жойлашнинг бошқа йўналишларини аниқлаш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам бу тамойилни инвестицион стратегияни шакллантиришда ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мультипликаторнинг даражаси муайян тармоқ ёки маҳсулотнинг талаби ва тушумига таъсир қилувчи, улар ҳаракатини тўплаб тезлатувчи манбаси (генератори) бўлган бошқа тармоқдан узоқлашиб борган сари кучсизланиб, сўниб боради. Бундан ташқари, мультипликатор самарадорлиги вақт ўтиб борган сари ҳам камайиб боради. Албатта, бошқа тармоқ ёки ишлаб чиқариш генератор вазифасини ўташи мумкин, бироқ бу ҳолда яна инвестицион фаолият стратегиясига ўзгартиш киритишга тўғри келади.

7. Мультипликатор ва молиявий ричаг тамойилларининг узвий боғлиқлик тамойили. Мамлакатимиз амалиётида бу тамойил ёки умуман амал қилмайди, ёки кучсиз амал қилади деган фикр мавжуд. Бироқ, Д.С.Демиденко ва Л.А.Гузиковалар унинг Ўзбекистон иқтисодиётида амал қилишини асослаб беришган.

Шундай қилиб, юқорида мазмун ва функционал вазифалари асослаб берилган шарт-шароит ва тамойилларнинг самарали инвестицион фаолият шаклланишига мақсадли ва манзилли таъсир ўтказиш хусусиятлари, уларни амалиётда ҳисобга олиш чоралари муайян бир тадбиркорлик соҳасида оқилона инвестицион сиёсатни ишлаб чиқишда тўгри ечим қабул қилишга ёрдам беради. Шунга қарамасдан, тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, давлатнинг инвестиция соҳасини ривожлантиришдаги ташкилий-бошқарув ролини кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун қуйидаги вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш лозим.

1. Ифляцияни ишончли даражада тўхтатиш ва ушлаб туриш, давлатнинг иқтисодиётни бошқариш жараёнидаги ўрни ва ролини аниқ белгилаб қўйиш, айрим пайтларда эса кучайтириш, шунингдек, инвестицияларни ривожлантириш

учун маҳсулотлар ва хизматларга баҳоларнинг уларнинг даврий равишда давлат томонидан ўрнатиб туриладиган базис даражасидан юқори бўлиб кетган қисмига прогрессив солиқ жорий этилиши таъсирли механизмлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу чорани асосий деб ҳисоблаймиз. Ушбу прогрессив солиқ шкаласини ишлаб чиқишда муайян маҳсулотнинг танқислиги, унинг регионни ўз-ўзини таъминлашда етарли ёки етарли эмаслигини ҳисобга олиш даркор. Базовий баҳоларни аниқлашда ҳар бир тармоқдаги энг яхши ва энг ёмон корхоналарда маҳсулотнинг амалдаги таннархи ҳисобга олиниши лозим. Шунингдек, баҳоларни бошқаришга бундай ёндашув солиқ ташкил қилувчи базанинг айтарли даражада ҳамда «адолатли» кўпайишини таъминлаб беради.

2. Пулларнинг чекланган эмиссияси сиёсатини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу эмиссиянинг доираси муомалага кирган маблағларни тўлдириш ва ўзини тез оқлайдиган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун паст даражадаги кредитлар ажратиш зарурияти билан чекланади. Лекин шуни қайд этиш лозимки, бу чора-тадбирлар фақат базис баҳоларнинг кўтарилишига ўрнатилган прогрессив солиқ ставкалари қўлланилган тақдирдагина ўзини оқлайди.

3. Таҳлилларимизнинг гувоҳлик беришича, ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётининг айрим тармоқларида инвестиция жараёни нисбатан пасайиш тенденциясига мойил бўлмоқда. Бундай шароитда асосий фондларни барпо этиш, қайта тиклаш ва модернизациялаш учун маблағларни сафарбар қилиш ва йиғишга эришиш жуда қийин. Бизнинг фикримизча, банклар, монопол бирлашмалар, юқори кўрсаткичли даромадга эга ишлаб чиқарувчилар зиммасига «инвестицион мажбуриятлар» юклаш, тендер асосида танлаб олинган, ўзини тезда оқлайдиган бюджет ҳосил қилувчи инвестицион лойиҳаларга маблағлар ажратишга рағбатлантирувчи чоралар кўриш зарур. Бу ҳолат энг аввало озиқ-овқат ва енгил саноат, уй-жой қурилиши, қурилиш ашёлари саноатига тааллуқли.

4. Фикримизча, хўжалик юритишни ташкил қилиш, ривожлантириш ва инвестицион фаолият турларини бозор

талабларига мос кенгайтириш учун ижара механизмини кенгрок жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда давлат мулкини сотиш, самарасиз ишлатилаётган давлат ва муниципал ташкилотлар мулкини танлов асосида узоқ муддатли ижарага бериш тизимини қўллашни ошириш.

5. Мамлакатнинг ўз маҳсулот ишлаб чиқарувчисини самарали ҳимоя қилиш механизмлари кенг кўламда олиб бориладиган инвестиция сиёсатини жорий этишнинг энг муҳим шарти хисобланади. Шу сабабдан чуқур ўйланган божхона сиёсатини юргизиш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ёки ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотларни катта ҳажмда Ўзбекистонга олиб киришни ички эҳтиёж даражасидан келиб чиққан ҳолда режалаштириш мақсадга мувофиқ.

## 4.4. Инвестицияларни молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш йўллари

Инвестиция фаолиятини марказлашмаган манбалар ҳисобидан молиялаштириш деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ва унга тенглаштирилган маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тушунилади. Бундай шароитда фаол инвестиция сиёсатини юритиш учун давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга зарурият туғилади. Хўш, молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнлари қандай амалга оширилади? Албатта, молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодий ва молиявий механизмлар орқали амалга оширилади. Давлатнинг инвестицияни қўллаб-қувватлашдаги асосий молиявий воситалари солиқ, суғурта, субсидия, субвенция, амортизация ажратмалари, кредит ҳисобланиб, уларни эркинлаштириш натижасида хўжалик субъектларининг ўз фаолият йўналишларини мустақил ва эркин белгилаш муаммоларини бозор муносабатларига мос равишда ҳал этиш имконияти яратилади. Пировардида, қулай инвестиция муҳитини яратишга эришилади ва бу орқали иқтисодиётни трансформация қилиш учун инновация ҳамда инвестиция фаолияти турларини кенгайтириш

ва уларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришга эришилади.

Фикримизча, тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларида ҳозирги кунда олиб борилаётган инвестиция ҳамда инновация фаолияти иқтисодиётни трансформация қилиш талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Чунки, қатор муаммолар борки, уларнинг ечими бу масалаларга боглиқ. Мисол учун, мамлакатда инвестициялар оқими етарли эмас; тўгридан-тўгри жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми уларни жалб этиш бўйича яратилган имкониятларга қарамасдан ҳамон паст ва манбалари хилма-хил эмас; ҳудудий инвестиция сиёсатида барқарорлик етишмайди, яъни инвестициялар ҳудудлар кесимида нотекис жойлашган; ишлаб чиқаришни трансформация қилиш, замонавийлаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни жалб қилиш даражаси етарли эмас; инвестиция ресурсларининг таркиби ривожланган мамлакатларда мавжуд тузилишга мос келмайди; иқтисодиётда давлат улушининг юқори даражада қолиши; инфляциянинг ўсиши; солиқ юкининг ўзгариши; инфратузилма ва коммуникацияларнинг ривожланиш даражаси етарли эмас; асосий воситаларни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари, айниқса ишлаб чиқариш тармоқларида фаоллик даражаси пастлиги; муҳандислик ва илмий-тадқиқот ишланмалари ҳамда технологияларининг етишмаслиги; ишлаб чиқаришнинг паст даражадалиги; маҳаллийлаштиришнинг паст даражаси ва импорт қилинадиган таркибий қисмларга кучли боғлиқлик масалалари сақланиб қолмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, аввалги хом ашё реализация қилиш сиёсатидан жаҳон бозорига тайёр истеъмол маҳсулотлари чиқариш, шу асосда мамлакатимизга хорижий валюта ва инвестициялар оқимини янада кўпайтириш долзарб ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодийислоҳотлар ҳозирги босқичида айнан ушбу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда.

Айтиш мумкинки, иқтисодиётни модернизациялаш кўламини янада кенгайтириш, бунинг учун ташки ва ички инвестицияларни, шу жумладан тўгридан-тўгри хорижий инвестициялар ҳажмини

кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш масалалари ўз ечимини кутаётган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бинобарин, иқтисодиётни модернизациялаш ва инвестициялаш жараёнларини бир медалнинг икки томони сифатида қараш ва уларнинг ўзаро таъсирини кучайтириш, уйғунлигини таъминлаш асосида ҳудудлар, тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектлари кесимида инвестиция фаоллигини оширишнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга самарали татбиқ этиш долзарб масаладир.

Ўзбекистон ҳудудида инвестициялар ва инвестицион фаолият Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти" тўғрисида 2019 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонун билан тартибга солинади. Бу қонун билан 1) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Чет эл инвестициялари тўгрисида"ги 609-I-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги 611-I-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги 719-I-сонли Қонуни ва бошқа бир қанча меъёрий ҳужжатлар бекор қилинди.

Янги қонуннинг 3-моддасида инвестицияларни молиялаштириш манбалари, тартиблари ва инвестиция сиёсати тушунчаларига таъриф берилган. "*Инвестиция сиёсати* — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи"дир.[85] Инвестиция сиёсати мамлакатнинг инвестиция оқимига таъсир ўтказувчи асосий омил эканлиги сабабли тадқиқот доирасида аввало ушбу масалага диққат-эътиборимизни қаратамиз.

---

[85] Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни. http://www.lex.uz (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими).

Я.С.Мелкумов ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантиришда фойда олиш мақсадида инвестицияларни молиялаштиришда молиявий, мулкий ва интеллектуал қўйилмалардан самарали фойдаланишни таҳлил қилган.[86] Муаллиф бу ерда инвестицияларни даромад манбаи сифатида қараб, инвестиция фаолиятининг турларини санаб берган.

С.В.Валдайцев, П.П.Воробьевлар томонидан чоп этилган дарсликда ижтимоий соҳани инвестициялашда молиялаштириш манбалари таҳлил қилинади. Улар тадқиқотлари натижаларига асосан "Ижтимоий даромад олиш жараёнларига сарфланган пул маблағлари бу келажакда янада юқорироқ даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат" деган хулосага келишади.[87] Бу ерда муаллифлар инвестицияларни ижтимоий соҳаларга йўналтириш бу реал инвестицияларга қараганда каттароқ фойда келтириш манбаи эканлигини таъкидламоқда. Тўғри, мисол учун таълимга қилинган инвестиция худди шунга мисол бўла олади.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, инвестициялар нафақат реал капитални оширишга сарфланадиган ресурслардир, ушбу ресурслар моддий, номоддий активларга, қимматли қоғозларни сотиб олишга ҳам сарфланади. Яъни, молиявий ресурсни капитализациялаш ва жамғармаларни молиявий инвестицияларга жалб қилиш орқали даромад манбаига эга бўлиш мумкин.[88]

Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини назарий жиҳатларини ўрганган проф. Я.М.Миркиннинг фикрига кўра, инвестицияларни молиялаштиришнинг реал, истиқболли шакли компанияларнинг жамғармаларини иккиламчи бозордан акциядорлик капиталига жойлаштиришни кўпайтириш ҳисобланади, аммо инвестицияларни молиялаштиришнинг бу манбаи даражаси жуда паст.[89] Бизнинг фикримизча, Я.Миркиннинг фонд бозори орқали инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизми хусусидаги фикри алоҳида илмий-амалий аҳамият касб

---

[86] Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. –М.: ИНФРА-М, 2003. С.8.

[87] Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17

[88] Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия «Учебники, учебные пособия». –Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.24–25.

[89] Миркин Я. Рынок ценных бумаг России: воздействие фундаментальных факторов, прогноз и политика развития. – Москва: Альпина Паблишер. 2002. – С. 117.

этади. Бунинг боиси шундаки, кўпчилик МДҲ мамлакатларида корпоратив акция ва облигацияларга қилинадиган инвестицияларнинг риск даражаси юқорилиги ва инвесторлар ишончининг пастлиги фонд бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар эканлиги қатор илмий изланишларда ўз ифодасини топган.

Бизнингча, бу ерда молиявий инвестициялар ҳақида фикр юритилиб фонд бозорларининг аҳамияти юқори эканлиги айтилади. Ўзбекистон шароитида бугунги кунда бозор муносабатлари шароитида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Аммо бу соҳа яқин ўн йилликда мамлакатимизда инвестиция оқими кескин ўсадиган йўналиш эмас. Ушбу масалага баҳо беришда маҳаллий аҳоли менталитетини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Таникли иктисодчи олимлардан У.Шарп хам инвестиция фаолиятини фонд бозори орқали молиялаштириш механизмига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрига кўра, қимматли қоғозларнинг даромадлилиги ва рисклилиги ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқага эга бўлган оқилона инвестиция стратегия инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг асоси ҳисобланади. Молиявий воситачилар (тижорат банклари, жамғарма ва кредит уюшмалари, кредит иттифоқлари, суғурта компаниялари, ўзаро ёрдам фондлари, пенсия фондлари) эса, корпорацияларни фонд бозоридан қўшимча маблағлар жалб қилиш имкониятини билвосита таъминлайди.[90] У.Шарпнинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришда молиявий воситачи субъектларининг роли хусусидаги фикрига мувофик, молиявий воситачилар инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг фаол субъектларидан бири ҳисобланади.

Профессор Н.Г.Каримовнинг фикрича, "Юксак даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиёти таҳлили шуни кўрсатмокдаки, инвестицион фаоллик билан иқтисодий ўсиш борасидаги алоқадорлик бир хилда эмас. Бунда улар бир-бирини тақозо этиши кузатилади. Иқтисодий ўсиш иқтисодий фаолликка боғлиқ бўлгани ҳолда, ўз навбатида иқтисодиёт тараққиётининг ҳар бир конкрет босқичида мамлакатнинг реал имкониятларини

[90] Инвестиция фаолиятининг моддий ва номоддий бўлган турлари бўйича республикамизда бир қатор изланувчилар фаолият олиб борган. Жумладан, Шарп У. и др. *Инвестиции. Пер. с англ.* – М. ИНФРА-М, 2001. – С. 9-10.

белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда, ЯИМ ўсиши суръатлари қанча юқори бўлса, инвестицион ресурсларни кенгроқ вужудга келтириш ва шу асосда самарали инвестиция сиёсатини юритиш учун имкониятлар шунча кўпроқ бўлади."[91] Бизнинг фикримизча, инвестициявий фаоллик иқтисодий фаоллик даражасини белгиловчи омиллардан ҳисобланади. Мамлакатда қулай инвестицион муҳит мавжуд бўлмас экан иқтисодий фаолликка эришиб бўлмайди. Мисол учун бугунги коронавирус пандемияси шароитида инвестициялар оқими пасайди, бу албатта иқтисодий ўсиш, иқтисодий фаолликка салбий таъсир кўрсатаётганини ҳеч ким инкор этмайди.

Тадқиқотчилар томонидан "Ўзбекистонда ҳам Covid-19 инфекцияси кризисининг салбий таъсири натижасида асосий капиталга киритилган инвестициялар пасайиш миқдори инқирозга қарши кураш жамғармасидан янги иш ўринларини яратиш мақсадида инвестиция лойиҳаларига 360 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағлар қўшимча йўналтирилишига қарамасдан 2019 йилга нисбатан 2020 йил биринчи ярмида инвестициялар ҳажми 12,8 фоизга камайган"лиги қайд этилган[92].

Ш.И.Мустафақулов илмий изланишларида инвестицион фаолият, инвестицион салоҳият ва инвестицион жозибадорликка таъсир кўрсатадиган омилларни таҳлил қилади. "Инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири – чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар бўйлаб макбул даражада бир текис жойлаштиришдир. Ҳудудларнинг табиий шарт-шароити, у ерда яратилган бизнес муҳит, ижтимоий-сиёсий, ташкилий-бошқарув принципларининг адолатли йўлга қўйилгани, аҳолининг бизнес юритишга ва тадбиркорликни амалга оширишга бўлган иштиёқи, рискка мойиллиги ҳамда меҳнат ресурсларининг малакаси, турли хилдаги институционал тузилмаларнинг мавжудлиги, уларнинг

---

[91] Н.Г.Каримов. Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик.–Т.: ТДИУ, 2011. 90-бет.

[92] Исроилов Б.И. «Пандемия шароитидаги туризм ва иқтисодий хавфсизлик муаммолари. Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари» халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2021 й., 1-қисм, 86-91 бетлар.

ривожлангани каби омиллар инвестицион жозибадорликни намоён этадиган муҳим шартлардан ҳисобланади."[93]

Шуни таъкидлаш лозимки, бир қатор муаллифлар инвестиция фаолиятининг худудий ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилишда бир томонлама илмий фикрлар юритади. Давлат марказлашган инвестициялари ҳисобидан амалга оширилган инвестиция объектлари самарасини у ёки бу ҳудуднинг «амалга оширилган интенсив инвестиция сиёсати натижасида ўзларининг иқтисодий салоҳиятларини сезиларли даражада мустаҳкамладилар»[94] деб баҳолайдилар. Айни вақтда жорий даврда марказлашган инвестициялар камроқ ажратилган ҳудудларни «бозор муносабатлари суст жорий этилаётган ва инфратузилма тармоқлари заиф ривожланган ҳудудларда инвестиция фаоллиги паст даражада» деган хулосага келадилар. Бундай хулосаларга келиш ўқувчи учун асосланмаган хулосалар чиқаришига туртки бўлади.

Инвестиция фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиши ҳозирги вақтда асосан молия ресурсларини давлат мақсадли дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа давлат эҳтиёжларига йўллаш орқали амалга оширилади. Умуман тадқиқотчиларнинг давлат инвестициялари самараси камроқ, деган фикрларига қўшилиш мумкин. Чунки улар аксарият ҳолларда ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади. Ундан ташқари, ҳозирги шароитда бюджет маблағлари чекланганлиги сабабли уларни катта миқдорда амалга оширишнинг имкони йўқ. Шу сабабли ҳам давлатнинг бюджет ресурслари биринчи навбатда мамлакат ва ҳудудларни ривожлантиришнинг мақсадли инвестиция дастурларини бажаришга йўналтирилмоқда.

Марказлаштирилган инвестициялар фақат республика иқтисодиётининг устувор йўналишларига давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини давлат томонидан ижтимоий

---

[93] Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. /Ш.И. Мустафақулов. –Тошкент: Baktria press, 2017.- 33 бет.

[94] Тухлиев Б.К. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2007. - 109 б.

муҳофаза қилишни таъминлаш учун уй-жой қурилишига, сув хўжалиги қурилишига, аҳоли яшайдиган жойларнинг муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга, давлат бошқаруви органлари, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустахкамлашга, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига, умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишға ва табиий офатлардан ҳимоя қилиш иншоотлари қурилишига ажратилади.

Давлат бюджети маблағларисиз ижтимоий соҳа тармоқлари самарали ривожлана олмайди. Давлат давлат бюджетидаги марказлаштирилган молия ресурсларининг 80 % га қадар маблағларини таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан, турар-жой ва давлат қурилиши каби соҳаларнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини қондиришга йўллайди. Марказлаштирилган молия маблағларининг қолган 20 % қисмидан маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни ишлаб чиқариш жабҳаларида рағбатлантириш мақсадида фойдаланилади.

Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг манбалари, уларни таркиби ва уларни бозор муносабатлари шароитида трансформация қилишни талаб этади. Чунки, молиявий манбаларнинг таркиби экстенсив кўпаймайди, балки улардан интенсив ва самарали фойдаланиш йўлларини қидириш лозим. Бунинг учун уларнинг таркибий тузилишини чуқур таҳлил қилиш ва бозор инфратузилмаларидан оқилона фойдаланган ҳолда, даромад олиш объектларига йўналтириш лозим. Иккинчи томондан, молиявий манбалардан ҳозирги коронавирус пандемияси шароитида нафақат даромад олиш манбаи сифатида қараш, балки мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида ноактив фаолиятларга маблағ сарфлашдан сақланиш ҳам ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши ҳисобланади.

Бундай тамойилда иш тутиш албатта марказлашган пул маблағлари фондларида ўзгача, марказлашмаган пул маблағлари фондларида бошқача бўлади. Шу нуктаи назардан молиявий манбаларнинг таркибларини таснифий белгиларига қараб таҳлил қилинади.

Иқтисодий адабиётларда молиявий манбаларнинг таснифий белгиларига кўра таркибий элементлари қуйидагича фарқланади. (4.4.1-жадвал):

**4.4.1- жадвал**

**Молиявий манбаларнинг таснифий белгиларига кўра таркибий элементлари**[95]

| Таснифий белгиси | Молиявий манбаларнинг таркибий элементлари |
|---|---|
| 1 | 2 |
| 1. Келиб чиқиш манбаларига кўра | Ички манбалар: амортизация ажратмалари, хўжалик юритувчи субъектлар даромади, аҳоли маблағлари, бюджетдан таъминлаш, банк кредитлари, қимматли қоғозларнинг ички бозори, солиқлар, лизинг. Ташқи манбалар: ҳукуматлараро кредитлар, хорижий инвестициялар, қимматли қоғозларнинг халқаро бозори ва мақсадли имтиёзлар. |
| 2. Мулкий муносабатларига кўра | Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари, жалб қилинган (аҳоли, хорижий инвесторларнинг маблағи ва ҳ.к.) ресурслар, заём маблағлар (давлат, кредит-банк ва суғурта тизимларининг маблағи), қайтариш ва қайтармаслик шарти билан олинган бюджет маблағлари. |
| 3. Мулкчилик турларига кўра | Давлат инвестиция ресурслари (бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар маблағи, давлат қарзлари, акциялар пакетлари ва бошқа асосий ва айланма фондлар, давлатга қарашли мулк ва ҳ.); инвестициялар, шу жумладан молиявий инвестициялар, хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва ҳ.к.лар ресурслари; хорижий инвесторларнинг (хорижий давлатлар, халқаро молиявий ва инвестиция институтлари, алоҳида ташкилотлар, институционал сармоядорлар, банклар, кредит муассасаларининг маблағлари) инвестиция |

[95] Жадвал муаллиф томонидан тайёрланган.

| | |
|---|---|
| | ресурслари. |
| 4. Мулкчилик даражасига кўра | Давлат даражасида:<br>бюджетлар ва бюджетдан ташқари фондларнинг ўз маблағлари; давлат кредит-банк ва суғурта тизимларининг жалб этилган маблағлари; давлат халқаро қарзлари (давлатнинг ташқи қарзи), давлат облигациялари, қарзлар ва бошқа заёмлар (давлатнинг ички қарзи кўринишидаги заём маблағлар).<br>Ташкилотлар даражасида:<br>ўз маблағлари (даромад, амортизация ажратмалари, зарарни қайтариш учун суғурта суммалари, асосий ва айланма маблағлар ҳамда номоддий активларнинг иммобилизацион ортиқча қисми;<br>жалб этилган маблағлар, шу жумладан бадаллар ва ионалар, акцияларни сотищдан тушган пуллар ва ш.ў. маблағлар.<br>бюджет, банк ва тижорат кредитлари кўриниши-даги заём маблағлари (фоизли ва фоизсиз, қайтиб бериш ва қайтиб бермаслик асосида).<br>Инвестиция лойиҳаси даражасида:<br>мамлакат, ҳудудлар ва уларнинг субъектлари бюджети, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари;<br>хўжалик юритувчи субъектлар маблағи;<br>турли кўринишдаги хорижий инвестициялар. |

Марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган молиявий манбаларнинг таркибини (*элементларини*) таснифий белгиларига кўра кўриб чиқамиз.[96]

[96] Тухлиев.Б.К. Региональная инвестиционная политика в условиях пандемии. I Международная научно-практическая конференция Recent scientific investigation (6-8 декабрь 2020 года в.г. Осло. Норвегия).

**4.4.2-жадвал**

## Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар[97]

| № | Кўрсаткичлар | Млрд. сўм | Ўсиш суръати %да | Умумий ҳажмга нисбатан, %да | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2019 й. | 2020 й. |
| | **Жами** | **138106,6** | **91,3** | **100,0** | **100,0** |
| 1 | **Марказлашган инвестициялар:** | **30178,7** | **70,3** | **28,5** | **21,8** |
| 1.1 | республика бюджети | 8987,5 | 69,9 | 8,5 | 6,5 |
| 1.2 | Молия вазирлиги ҳузуридаги сув билан таъминлаш ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси | 1365,5 | 99,7 | 0,9 | 1,0 |
| 1.3 | жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси | x | x | x | x |
| 1.4 | тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари | 1365,7 | 20,7 | 4,4 | 1,0 |
| | шу жумладан, млн. АҚШ долларида | 137,4 | 20,2 | x | x |
| 1.5 | Ўзбекистон Республикаси кафолатидаги хорижий кредитлар | 18460,0 | 83,4 | 14,7 | 13,3 |
| | шу жумладан, млн. АҚШ долларида | 1857,0 | 81,6 | x | x |
| 2 | **Марказлашмаган инвестициялар:** | **107927,9** | **99,6** | **71,5** | **78,2** |
| 2.1 | корхона маблағлари | 37916,3 | 116,3 | 21,6 | 27,5 |
| 2.2 | аҳоли маблағлари | 12157,2 | 79,8 | 9,8 | 8,8 |
| 2.3 | тўғридан-тўғри, бошқа ва кафолатланмаган хорижий кредитлар | 38132,7 | 103,3 | 24,4 | 27,6 |
| | шу жумладан. млн. АҚШ долларида | 3835,9 | 101,0 | x | x |
| | *шундан:* | | | | |
| 2.4 | тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | 15086,1 | 63,0 | 15,9 | 10,9 |
| | шу жумладан, млн. АҚШ долларида | 1517,6 | 61,5 | x | x |
| 2.5 | тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 19721,7 | 83,4 | 15,7 | 14,3 |

[97] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (www.stat.uz).

Асосий капиталга ўзлаштириладиган инвестиялар марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларни молиялаштириш манбалари таҳлили қуйидаги 4.4.2-жадвалда ўз аксини топган. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 138,1 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, уларнинг 63,7 %и ёки 88,0 трлн. сўми жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 36,3 % ёки 50,1 трлн. сўм молиялаштирилди. Жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар улуши, ўтган йилнинг мос давридаги улушига нибатан 6,7 % пунктга камайиб, 21,8 % ёки 30 178,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107927,9 млрд. сўм ёки жами инвестицияларнинг 78,2 % инвестициялари ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 6,7 % пунктга кўпайди. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг ўз маблаглари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар – 37916,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 27,5 %ини ташкил этди. Аҳоли маблаглари ҳисобидан жами асосий капиталга инвестицияларнинг 8,8 % и ёки 12157,2 млрд. сўми ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 15086,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,0 % пунктга камайиб, 10,9 % ни ташкил этди.

Мамлакат инвестиция сиёсатини юритишда ишлаб чиқариш тармоқларини техник ва технологик таркибий ўзгартириш масалаларига ҳам эътибор қаратилади. Ишлаб чиқаришнинг таркиб топган тармоқларини қайта қуриш, замонавий ишлаб чиқариш воситалари билан қуроллантириш, бевосита хорижий инвестицияларни жалб этишнинг бир йўналиши бўлса, иккинчи йўналиши янги ишлаб чиқаришлардаги бевосита хорижий инвестициялар, яъни автомобилсозлик, электрон, электротехника саноати таркиб топмоқда. Қурилиш индустрияси, алоқа тармоқлари тизими ва қишлоқ хўжалигида энг янги технологиялар жорий қилинмоқда.

**4.4.3-жадвал**

**Иқтисодий фаолият тури бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар (2020 йил январь-сентябрь)[98]**

| № | Кўрсаткичлар | Млрд. сўм | Умумий ҳажмга нисбатан, %да | |
|---|---|---|---|---|
| | | | 2019 й. | 2020 й. |
| | | | | |
| 1 | **Асосий капиталга инвестициялар – жами** | **138106,6** | **100,0** | **100,0** |
| | шу жумладан иқтисодий фаолият тури бўйича: | | | |
| 1.1 | қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | 11971,8 | 8,4 | 8,7 |
| 1.2 | тоғ-кон саноати | 14186,7 | 8,1 | 10,3 |
| 1.3 | ишлаб чиқариш саноати | 44586,8 | 27,1 | 32,3 |
| 1.4 | электр энергияси, газ, буғ ва конденцияланган ҳаво | 7881,2 | 11,7 | 5,7 |
| 1.5 | сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш | 2315,6 | 2,3 | 1,7 |
| 1.6 | қурилиш | 5608,0 | 5,6 | 4,1 |
| 1.7 | улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш | 6269,1 | 3,3 | 4,5 |
| 1.8 | ташиш ва сақлаш | 7437,4 | 5,5 | 5,4 |
| 1.9 | яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1655,8 | 1,5 | 1,2 |
| 1.10 | ахборот ва алоқа | 3494,5 | 1,6 | 2,5 |
| 1.11 | молия ва суғурта фаолияти | 1398,6 | 0,8 | 1,0 |
| 1.12 | касбий, илмий ва техник фаолият | 2366,0 | 1,4 | 1,7 |
| 1.13 | таълим | 3649,0 | 2,9 | 2,6 |
| 1.14 | соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 4080,0 | 2,2 | 3,0 |
| 1.15 | санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 2225,0 | 1,1 | 1,6 |
| 1.16 | турар-жой қурилишига инвестициялар | 13124,1 | 11,6 | 9,5 |
| 1.17 | бошқа фаолият турлари | 5857,0 | 4,9 | 4,2 |

[98] https:www.gazeta.uz/uz/economy/. 26 январ 2021. Иқтисодиёт

4.4.3-жадвал маълумотлари таҳлиллари асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилаётганлигини кўриш мумкин. Мазкур иқтисодий фаолият турида жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 44586,8 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 32,3 %и ўзлаштирилган. Унинг таркибида энг кўп инвестициялар ўзлаштирилган 3 та фаолият тури қуйидагилардан иборат:

– тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 11186,9 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 8,1 %);

– бошқа нометалл минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 9634,1 млрд. сўм (7,0 %);

– металлургия саноати – 8187,2 млрд. сўм (5,9 %).

Тоғ-кон саноатида жами 14186,7 млрд. сўм ёки республика бўйича жами инвестициялар ҳажмининг 10,3 % и ўзлаштирилган бўлиб, унингтаркибидан 7,7 % и ёки 10 610,9 млрд. сўми хом нефть ва табиий газ қазиб чиқариш соҳасига тегишлидир.

Бугунги кунда коронавирус пандемияси сабаб давлатлар иқтисодий сиёсатида номувофиқлик юзага келди. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида инвестицион фаолликни пасайгани кузатилиб, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 91.3 % ни ташкил этди.[99]

Коронавирус пандемияси сабабли дунёнинг етакчи давлатлари инқирозга қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқиб, мазкур дастурларда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбаларини шакллантирди. Хусусан, коронавирус инфекцияси тарқалиши энг кўп кузатилган АҚШда инқирозга қарши курашиш дастурига 2.3 трлн. (ЯИМнинг 11%), Германия 189,3 млрд. (ЯИМнинг 4,9%), Хитой 168,7 млрд. (ЯИМнинг 1,2%), Канада 145,4 млрд. (ЯИМнинг 8,4%), Австралия 133,5 млрд. (ЯИМнинг 9,7%), коронавирус

[99] https:www.gazeta.uz/uz/economy/. 26 январ 2021, Иқтисодиёт

инфекцияси нисбатан кам тарқалган Япония 5,2 млрд., Аргентина 4,45 млрд. ва Индонезия 2,2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган маблағларни ажратди. Вақт ўтиши билан G 20 гуруҳига кирувчи давлатларнинг инқирозга қарши курашиш дастурлари қандай натижа берганлигига баҳо берамиз.[100]

Дарҳақиқат, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам пандемия ўз оқибатларини кўрсатмай қолмади. Энг йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархи пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашуви глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам таъсир қилишини ҳисобга олиб, салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўриш мақсадида Инқирозга қарши курашиш жамгармаси (10 трлн.сўм.) ташкил этилди.[101]

Пандемия шароитида йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархи пасайиши эвазига иқтисодиётни қайта тиклаш учун йирик ҳажмдаги маблаглар сарфланиши мамлакатда инфляция суръатининг ўсиши ва ишсизлар сони ошишига олиб келмоқда. Бу ҳолат ЯИМга ўз таъсирини кўрсатиб, ҳар ой мамлакат ЯИМнинг 2 фоизгача пасайишига олиб келиши мумкин.[102]

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ҳозирги даврда иқтисодий ўсиш учун фақат жамгариш ва инвестицияларнинг юқори суръатларигина етарли эмас.

---

[100] Тухлиев Б.К. Особенности инвестиционной привлекательности в условиях пандемии.Электронное научно-практическое периодическое издание «Экономика и социум» №12(79) 2020. www.iupr.ru Российская Федерация, г.Саратов

[101] COVID-19 пандемияси ва глобал иқтисодий инқирозга қарши кураш: "Тараққиёт стратегияси" Маркази. www.strategy.uz

[102] Chakraborty I., Maity P. COVID-19 outbreak: Migration, effects on society, global environment and prevention. International Journal Science of the

1. Бозорга иқтисодиётига ўтиш босқичида жамғарманинг камлиги, ялпи инвестицияларда аҳоли маблағлари ҳиссасининг озлиги туфайли инвестицияларни молиялаштиришнинг ташқи манбаларини жалб этиш, инвестиция фаолиятини тартибга солиш объектив заруратга айланади. Бу амалдаги қонунчиликни соддалаштириш ва барқарорлаштириш томон такомиллаштириш, мамлакатга янги лойиҳалар ва қўшма корхоналар ташкил қилиш учун тўғридан-тўгри чет эл инвестициялари келишини рағбатлантиришни талаб қилади. Тўғридан-тўгри чет эл сармоялари оқимини кенгайтириш мақсадида, чет эллик инвесторларни ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунларига қадар барча кўринишдаги божхона тўловлари, солиқлар, йиғимлардан имтиёзлар ва преференциялар қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир тўгридан-тўгри хорижий инвестицияларни киритишда имтиёзли солиққа тортиш тартибини алоҳида қўллаган ҳолда улар ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин амалга ошириш маъқул бўлади. Рагбатлантириш механизмлари валюта харажатларини қоплайдиган лойиҳаларни ва маҳаллий хом ашё ресурслари базасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилмоғи зарур.

2. Тўгридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кенгайтириш мақсадида, хорижлик инвесторларнинг ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштиргунларига қадар барча кўринишдаги солиқлар, божхона тўловлари, йигимлардан имтиёзлар ва преференциялар қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Пировардида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолият йўналишларини инновациялар асосида мустакил ва эркин белгилаш муаммолари бозор муносабатларига мос ҳолда ҳал этилади.

3. Инвестиция фаолиятини тартибга солишда солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларидан самарали фойдаланиш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади.

4. Инвестиция сиёсатининг фаолиятини тартибга солишда самарали иқтисодий механизмлар орқали чет эл капиталини

тармоқ устуворлигини таъминлаган ҳолда йўналтириш тушунилади. Айни вақтда ушбу механизм солиқларнинг тартибга солувчи функцияси орқали амалга оширилади. Бунда давлат ва ҳам нодавлат секторидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий капиталини янгилашга қаратилган инвестицияларни рағбатлантиришга эътибор қаратилиши мумкин.

5. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун ташқаридан маблағ жалб қилиш ҳажмларида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва бошқа марказлаштирилмаган манбалар маблаглари ҳисобидан кўпайтириш юқори самара беради.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

**I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 80 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, 2019 йил 30 декабрь // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/ 4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Адолат, 2017. – 287 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида" Қонуни 2019 йил 25 декабрь // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 й., 03/19/598/4221-сон

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5308-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2018 йил 23 январь 06/18/5308/0610-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5495-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.08.2018 й., 06/18/5495/1611-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5717-сонли Фармони. http://www.lex.uz (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрсида”ги 5853-сонли Фармони. http://www.lex.uz (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистоннинг 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4563-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 32-сон, 802-модда

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ПҚ-3832-сон. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 07/18/3832/1452-сон;

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Lex.uz.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сон. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.02.2019 й., 07/19/4210/2666-сон;

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро

рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида" ги Фармони 2019 йил 7 мартдаги ПФ-5687-сон. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон;

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5717-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон; 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони, 2020 йил 2 март // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон.

19. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

20. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. -14 б.

21. Мирзиёев Ш.М. Конституция – халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури маҳсули, асрий қадриятларимизнинг беқиёс тимсолидир, 2017 йил 7 декабрь // Манба: www.press-service.uz

22. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент:

Ўзбекистон, 2017. – Б. 110.

23. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018.– Б. 25.

24. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь. // Манба: www.president.uz/uz/lists/view/3324

25. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Куч-адолатда. 2010. – 28 январ.

26. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир / – Тошкент, Ўзбекистон, 2010. – Б. 34 – 76.

27. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 64 б.

28. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

## II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:

1. Chakraborty I., Maity P. COVID-19 outbreak: Migration, effects on society, global environment and prevention. International Journal Science of the Total Environment 728 (2020) 138882. www.elsevier.com/locate/scitotenv

2. Nicola M., Alsafi Z., Sohrabi C., Kerwan A., Al-Jabir A., Iosifidis C., Agha M., Agha R. The Socio-Economic Implications of the Coronavirus and COVID-Pandemic: A Review. International Journal of Surgery, https://www.sciencedirect.com.

3. Tukhliev B.K. CREATION OF FAVORABLE INVESTMENT CLIMATE – AS A FACTOR OF ENHANCEMENT OF STRUCTURAL TRANSFORMATION. International Journal of Research in Social Sciences Vol. 8 Issue 6, June 2018,

4. Исроилов Б.И. Солиқлар молиявий ҳисоби ва таҳлили: муаммо ва ечимлар. –Т. Монография Тошкент.

5. Майфат А. В. Гражданско-правовые конструкции инвестирования. Монография. С. 104.

6. Тухлиев Б.К. Инвестициялар ва уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари: Монография. –Т., 176 б.

7. Тухлиев Б.К. Инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таҳлили. "Иқтисодиёт ва таълим" журнали, ТДИУ, 2018 йил 3-сони

**8.** Тухлиев Б.К. Аграр соҳада инвестицион фаолиятни ривожлантириш масалалари. AGRO ILM журнали, ISSN 2091-5616 4(54) сон, 2018 йил, 117-118 бетлар

9. Тухлиев Б.К. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг асосий муаммо ва ечимлари. –Тошкент: Агроиқтисодиёт, журнали, 2018 йил 2-сон, 11–15-бетлар.

10. Тухлиев Б.К. Қишлоқ хўжалигида инновацион-инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари ва муаммоларини ҳал этишнинг методологик асослари. Тошкент: Агроиқтисодиёт. журнали 2018 йил 3-сон, 7–11 бетлар.

11. Тухлиев Б.К. Инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг таҳлили. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнал, ТДИУ 2019 йил 1-сон (январь-февраль).

12. Тухлиев Б.К. Инвестиция жараёнларини жадаллаштиришнинг икки жиҳати. Журнал, "Экономическое обозрение" №4 (232) 2019.

13. Тухлиев Б.К. Особенности инвестиционной привлекательности в условиях пандемии. Электронное научно-практическое периодическое издание «Экономика и социум» №12(79) 2020. www.iupr.ru Российская Федерация, г.Саратов, ул.Волжская, 28

14. Тухлиев Б.К. Региональная инвестиционная политика в условиях пандемии. №1(37)|December, 2020 THE ISSUE CONTAINS:Proceedings of the1st

15. International Scientific and Practical Conference RECENT SCIENTIFIC INVESTIGATION OSLO, NORWAY 6-8.12.2020

16. Тухлиев Б.К. Инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таркиби, таҳлили ва уларни такомиллаштириш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №1, январь-февраль, 2021 йил.

17. Тухлиев Б.К. Давлат инвестиция сиёсатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №1, февраль, 2021 йил. ISSN: 2181-1016.

18. Тухлиев Б.К. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестиция дастурининг аҳамияти. “Жамият ва бошқарув” журнали, № 2, 2021.

19. Тухлиев Б.К. Creation of favorable investment climate – as a factor of enhancement of structural transformation (Инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва уларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари). Международная научно-практическая конференция “Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и переспективы инновационного развития” ТГЭУ, БФА, Международный Вестминстерский университет в г.Ташкенте, 2018 года 28,29 мая, 4-секция, 210-2012 бетлар.

20. Тухлиев Б.К. Инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва уларни такомиллаштириш масалалари. ТДИУ, II-халқаро илмий-амалий конференция. Ўзбекистон Республикаси ҳаракатлар стратегияси: макроиқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари.” 2019 йил 27-28 май II шуъба. 419-426 б.

21. Тухлиев Б.К. Пандемия шароитида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш масалалари. “Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегияси: макроиқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари” мавзусида халқаро илмий анжуман. Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020 йил 10-11 декабрь, 444-447 бетлар

22. Махмудов С.Б. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №5, октябрь, 2020 йил. 2 бет.

23. Эминов А. Пандемия ва пандемиядан кейинги давр: хорижий давлатларда инвестиция сиёсати қандай кечмоқда?

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадкикот институти ходими.

24.Носиров Э.И. Коронавирус пандемияси инқирозининг жаҳон иқтисодиётига таъсири. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2020 йил. 7- бет.

25.Каримов Н.Г., Султанов М.А. Инвестиция фондларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил.

26.Собиров А.А. Отраслевой и региональный анализ привлечения и освоения прямых иностранных инвестиций в Узбекистане. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил.

27.Обломурадов Н.Н. Давлат-хусусий шериклик асосида тўгридан-тўгри хорижий инвестицияларни жалб қилиш. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2018 йил.

28.Махмудов С.Б. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларини такомиллаштириш. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №5, октябрь, 2020 йил.

29.Тўхтахонов И.А.Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари ва усулларини ривожлантиришнинг назарий асослари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. № 4, август, 2020 йил.

30.Хомитов К.З., Хайруллаев И.Н. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни такомиллаштириш. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. № 2, апрель, 2019 йил.

31.Астанакулов О.Т., Асатуллаев.Х.С. Инвестициялар тараққиёт омили сифатида. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. № 6, декабрь, 2018 йил.

32.Астанакулов О.Т., Асатуллаев.Х.С. Коронавирус пандемияси шароитида инвестицион қарорларни кабул қилишни такомиллаштириш. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. № 3, июнь, 2020 йил.

33.Носиров Э.Н. Коронавирус пандемияси инқирозининг жаҳон иқтисодиётига таъсири. "Халкаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. № 3, июнь, 2020 йил.

34. Бакиева И.А. Қулай инвестицион муҳит шакллантириш ва унга таъсир этувчи омилларнинг аҳамияти. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 4, август, 2019 йил.

35. Ҳайдаров Ў.А. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришнинг замонавий ҳолати. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 6, август, 2019 йил.

36. Хидиров Н.Ғ. Саноат корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 1, август, 2020 йил.

37. Қобилов А.Э. Қашқадарё вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга таъсир этувчи омиллар. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 3, июнь, 2020 йил.

38. Қобилов А.Э. Қашқадарё вилояти ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини баҳолаш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 5, октябр, 2020 йил.

*39.* Тихомиров Н.П. Методы оценки эффективности инвестиционных проектов в реальном секторе экономики в условиях неопределенности исходной информации. *https://www.rea.ru/ru/org/managements/izdcentr/PublishingImages/Pages/Archive/06_2011_.pdf*

40. Исроилов Б.И. Пандемия шароитидаги туризм ва иқтисодий хавфсизлик муаммолари. Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари» халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2021 й., 1-қисм, 86–91-бетлар.

41. Тухлиев.Б.К. Региональная инвестиционная политика в условиях пандемии. I Международная научно-практическая конференция Recent scientific investigation (6-8 декабрь 2020 года в.г. Осло, Норвегия).

**Фойдаланилган бошқа адабиётлар:**

1. Адам Смит Исследование о природе и причинах богатства народов. / – М.: Изд.:Эксмо, 2017, – 1056 с.

2. Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской федерации. /В.В. Аладьин. –М.: Социум, 2002. С.18-19.

3. Алексеев С. С. Общая теория права. В 2 т. –М., 1982. Т. 2. С. 139.

4. Астанакулов О.Т. "Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш" иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2020 йил 44-45 б.

5. Аскинадзи В.М., Максимова В.Т. Инвестиционное дело 2012.

6. Бард В.С., и др. Инвестиционный потенциал Российской экономики. –М.: Издательство «Экзамен», 2003. С.22-23.

7. Балдина К.В. Инвестиции: системный анализ и управление. –М.: ИТК «Дашков и К»,2012.Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Ось-89, 1997. Книга первая.

*8.* Беляничев В.Г., Савдерова А.Ф. Оценка влияния инвестиций в основной капитал на объем валового регионального продукта, ***URL:*** ***http://oecomia-et-jus.ru/single/2019/1***

9. Байхонов Б.Т. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни тармоқлараро тақсимлашнинг эконометрик моделлаштириш услубиятини такомиллаштириш: иқт. фан. докт. (DSc) ... дисс. автореф. –Тошкент. 2018. – 49 б.

10. Байхонов Б.Т., Хотамов И.С., Ишназаров А., Бекмирзаев М.А. Инвестиция фаолиятини баҳолаш. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 260 б.

11. Бем-Баверк О. Основы теории ценности хозяйственных благ.Австрийская школа политической экономии / О. Бем-Баверк. - М.: Экономика, 1992. -328 с. Бём-Баверк О. фон. Капитал и прибыль; Т. 2: Позитивная теория капитала; Т. 3: Экскурсы / Ойген фон Бём-Баверк; пер. с англ. В. Кошкина под ред. А.В. Куряева. – Челябинск: Социум, 2010. - 916 с.

12. Бланк И.А. Управление финансовыми рисками. – К.: Ника-Центр, 2005. – 167 с.

13. Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент. – 2-е изд., перераб. и доп. – к.: Эльга, Ника-Центр, 2006 г. – 552 с.

14. Савчук В.П. Оценка эффективности инвестиционных проектов. https://www.cfin.ru/finanalysis/savchuk.

15. Валинурова Л.С. Оценка инвестиционной

привлекательности экономических систем: теория и практика / Л.С. Валинурова. - Уфа.: РИОБАГСУ, 2002. -250 с.

16.Вахрин П.И., Нешитой А.С. Инвестиции: Учебник. – 3-е изд., перераб. И доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2005. С.13.;

17.Ваҳобов А.В. ва бошқ. Хорижий инвестициялар. “Молия”, 2009. 78-б.

18.Вахабов А.В., Хожибакиев Ш., Муминов Н. Хорижий инвестициялар: Ўқув қўлланма / и.ф.д., проф. А.В. Вахобовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Молия, 2010. – 328 б.

19.Виленский П.Л. Оценка эффективности инвестиционных проектов. Теория и практика. / П.Л. Виленский, В.Н. Лившиц, С.А. Смоляк - 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Дело, 2002. - 888 с.

20.Гуськова Н.Д. Теория и практика инвестиционной деятельности в условиях транзитивной экономики: Федеральный и региональный аспекты. Специальность 08.00.05 Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Саранск 2000. С.103

21.Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003. – 332 б.

22.Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. – Т.: 2002. и.ф.д. дисс. автореф. 11–14-б.

23.Долан Э.Дж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. /Пер. с англ. В.Лукашевича и др.; Под общ. Ред. В Лукашевича. –Л., 1991. С.15–16.

24.Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятини молиявий рағбатлантириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент, 1998. 22-б.

25.Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия «Учебники, учебные пособия». – Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.24–25.

26.Игонина Л.Л. Инвестиции: учеб. пособие /Л.Л. Игонина; под ред. д-ра экон. наук, проф. В.А. Слепова. – М.: Экономистъ, 2005. С.19–33.

27.Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.С.81.

28.Инвестиции / Уильям Ф. Шарп, Гордон Дж. Александер, Джеффри В. Бейли. С. 11–12).

29.Инвестиционная деятельность: Учебное пособие /Н.В. Киселева, Т.В. Боровикова, Г.В. Захарова и др.; Под ред. Г.П. Подшиваленко и Н.В. Киселевой. –М.: КНОРУС, 2005. С.12-13.

30.Инвестиции: Учебник / С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17.

31.Носиров Э.И. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма.

32.Ендовицкий Д.А. Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности: методология и практика. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 400 с.

33.Каримов Н.Г. Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011. 90-бет.

34.Каримов Н.Ғ. ва Р.Х. Хожиматов.: Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011. – 567 б.

35.Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 240 б.

36.Какора М.И. Теоретические основы инвестиционной деятельности организаций перерабатывающей промышленности // Проблемы экономики. 2016. №1 (22).

37.Кейнс Дж.М. Общая теория занятости процента и денег. Классики экономической науки – XX век. – М.: Гелиос АРВ, 2020. - С. 229.

38.Колтынок Б.А. Инвестиции. –СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2003, С.9.

39.Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: “Молия-иктисод”, 2007. 56–58-б.

40.Кутепов О.Е., Непарко М.В. Виды и классификация инвестиционной деятельности и инноваций. //Бизнес в законе. Экономико-юридический журнал. №1, 2016. С. 211-214.

41.Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов.

Монография. – М.: Финансы и статистика, 2002. - 143 с.

42.Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 1999. – 254 б.

43.Миркин Я.В. Рынок ценных бумаг России: воздействие фундаментальных факторов, прогноз и политика развития. – Москва: Альпина Паблишер. 2002. – С. 117.

44.Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. –М.: ИНФРА-М, 2003. С.8. ;

45.Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. илмий амалий қўлланма /Ш.И.Мустафакулов. – Тошкент: Baktria press, 2017. – 320 б.

46.Петти У. (1623 -1687). Главный его труд - "Трактат о налогах и сборах" (1662),

47.Коммерческое (предпринимательское право) право / под ред. В. Ф. Попондопуло. –М., 2009. Т. 2. С. 103 (автор главы — О. Ю. Скворцов).

48.Павлова Л.Н. Финансовый менеджмент [Электронный ресурс]: учебник / Л.Н. Павлова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 143 с.

49.Прищепова, А. О. Роль инвестиций в развитии организации / А. О. Прищепова. — Текст : непосредственный // Вопросы экономики и управления. — 2018. — № 1 (12). — С. 28-32.

50.Подшиваленко Г.П., Киселева Н.В. Инвестиционная деятельность. – М.: Кнорус, 2005. – 43 с.

51.Расулев Д.М. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида инвестицияларни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 2003. 22-б.

52.Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения // Соч. – М.: Политиздат, 1955. - Гл. XX.

53.Самарходжаев Б.Б. Инвестиции в Республике Узбекистан (международно-частно правовой аспект). – Т.:Академия, 2003. – 240 с.

54.Султонов И.А. Идентификация объектов и субъектов инвестиционной деятельности. http://projectimo.ru/author/projer.

55.Султанов М.А. "Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари" мавзусида 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит, иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати.

56.Тихомиров Л.В. Юридическая энциклопедия. Под ред. М.Ю.Тихомирова. –М.: 1998, с.181.

57.Трубилин А.И. и др. Государственная инвестиционная политика: Учебное пособие.-2-еизд.,исп. И доп. – СПб.: Издательство "Лань", 2018 -192.

58.Тухлиев Б.К. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2007. 109 -б.

59.Тухлиев Б.К. Инвестиция сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2019–186-б.

60.Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М.: ДелоЛтд, 1993.

61.Фрэнк Дж. Фабоцци. Управление инвестициями. – М.: Инфра –М., 2000. – 932 с.

62.Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида): икт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 29 б.

63.Шарп У.Ф., Александер Г.Д., Бэйли Д.В. Инвестиции: учебник: пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2019. – XII, 1028 с.

64.Юзвович Л.И., Дегтярев С.А., Князева Е.Г. Инвестиции: учебник для вузов. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2016. – 58 с.

65.Чориев Қ.А., Адильчаев Р.Т. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш салоҳияти ва инвестицион жозибадорликни ошириш муаммолари. –Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2010. 174-б.

66.Ядгаров Я.С. История экономических учений: учебник. -4-е изд., перебраб. И доп. – М.: ИНФРА-М, 2009. 62–68 стр.

67.Жданов В.П. Инвестиционные механизмы регионального развития. –Калининград, БИЭФ, 2001. С.121.

68.Жўраев А.С. ва бошқ. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. – Т.: «Шарқ», 2003. 18-б.

69.COVID-19 пандемияси ва глобал иқтисодий инқирозга қарши кураш: “Тараққиёт стратегияси” Маркази, www.strategy.uz

**Интернетдан олинган маълумотлар**

70.Бозор, пул ва кредит. Феврал 2003. 37-39 бетлар.

71.URL:http://www.ra-national.ru/ratings/regions/regions-raiting-investment/regions-invest-metodology-2014/.

72.https://stat.unido.org/

73.https:www.gazeta.uz/uz/economy/. 26 январ 2021, Иқтисодиёт

74.https:www.gazeta.uz/uz/economy/. 15 май 2019, Иқтисодиёт

75.https:www.gazeta.uz/uz/economy/. 26 январ 2021, Иқтисодиёт

76.https:www.gazeta.uz/uz/economy/. 26 январ 2021, Иқтисодиёт

77.URL:http: //asaul.com/index. php/spisokpechatnihtrudov/118-monograph/301-20 investicionnaja-privlekatelnost-regiona.

78.URL: https://moluch.ru/th/5/archive/78/3043/ (дата обращения: 01.02.2021).

## МУНДАРИЖА

**Кириш**........................................................................................3

**I БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШДАГИ РОЛИ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**..............................................................9

1.1. Инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва инвестиция фаолиятининг назарий масалалалари..............................9

1.2. Инвестиция фаолиятини таснифлаш йўллари ва уларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари...................................23

1.3. Ҳудудлар инвестиция салоҳиятини оширишдаги давлатнининг инвенстицияларни мувофиқлаштириш сиёсати роли......41

**II БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МОДЕЛЛАРИ**..........................................................................51

2.1. Инвестиция муҳити ва уни шакллантириш тамойиллари ҳамда унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш.............................51

2.2. Инвестиция жозибадорлигини баҳолаш бўйича миллий ва хорижий карашлар таҳлили..........................................................74

2.3. Инвестиция жараёнларининг иқтисодий мазмуни ва унинг халқаро моделлари............................................................97

**III БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ МАНБАЛАРИ ЎЗГАРИШЛАРИ ТЕНДЕНЦИЯСИ ТАҲЛИЛИ**..........................................................................111

3.1. Бозор иқтисодиёти шароитида нвестицияларни молиявий таъминлаш механизмлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари......111

3.2. Инвестиция жараёнларини молиявий таъминлаш манбалари таркибий тузилмалари ўзгаришлари таҳлили.....................123

3.3. Давлат инвестиция дастурларига мувофиқ инвестицияларни молиялаштириш манбаларидан самарали фойдаланиш йўллари..........................................................................................137

**IV БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МУВОФИҚЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**..........................................................................147

4.1. Аграр соҳада инвестициялардан фойдаланишни давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг концептуал асослари..........147
4.2. Инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш..........................159
4.3. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни инвестициялар орқали мувофиқлаштиришнинг хориж тажрибалари...................176
4.4. Инвестицияларни молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш йўллари......................................................................191

**Фойдаланилган адабиётлар....................................208**

**ТУХЛИЕВ БОЗОР КАРИМОВИЧ**

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент – «Инновацион ривожланиш
нашриёт-матбаа уйи» – 2021

| | |
|---|---|
| Муҳаррир: | Н.Ибрагимова |
| Тех. муҳаррир: | А.Мойдинов |
| Мусаввир: | А.Шушунов |
| Мусаҳҳиҳа: | Ш.Мирқосимова |
| Компьютерда саҳифаловчи: | М.Зойирова |

E-mail: nashr2019@inbox.ru Тел: +998999209035
Нашр.лиц. № 3226-275f-3128-7d30-5c28-4094-7907,
10.08.2020. Босишга рухсат этилди 16.06.2021.
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси.
Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 14,5. Нашр босма табоғи 14,0.
Тиражи 100. Буюртма № 51

«Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»
босмахонасида чоп этилди.
100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 7-уй.